

TAFAKKUR

ТАФАККУР 1/2025

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда



ISSN 2010-6491



9 772010 649005

TAFAKKUR 2025

TAFAKKUR


ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 1/2025

2025



Маҳмудхўја Веһбидиј



150



Millatlar qanday taraqqiy etarlar?

Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила ағниёнинг ҳамият ва ғайратлари дур...

Рус, армани, яхудий ва Русиядаги бошқа ватандошларимизни(нг) бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиласурлар. Инчунин, Кафказ, Крим, Қозондаги мусулмон биродарларимизни(нг) бойлари, уламоси ва аҳли қалами, соҳиби фикри ўз биродарлариға мол, ақча, қалам ва илм ила кўб иона қиласурлар. Аммо бизни(нг) Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафи ва ўз шахсий иши ила саргардан...

Бир карра диққат қилиб, маҳалла-кўй ва қишлоқ ҳалқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган... Нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, бизда юза бир нафар саводлик йўқ?!

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойлиқда. Бошқа миллат уламосиға тобе экан, бизни уламо билъакс авомға тобедур... Мусулмонлик илм ва адаб ила қоим, миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш қилинмаса, рубъи асрдин сунгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларға қолур. Бу масъулиятдин кутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумоқ учун тарғиб қилмоқ керакдур...

“Самарқанд” газетаси, 1913 йил 30 июль



ТАФАККУР

Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНВАЙИ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.



Бош мухаррир
Эркин АҶЗАМ

Таҳририят

Бош мухаррир ўринбосари
Собиржон ЁҚУБОВ

Бўлим мухаррирлари
Султонмурод ОЛИМ
Нодира ОФОҚ

Шоҳсанам РЎЗИМАТ кизи

Бадий мухаррир
Ольга ЖОЛДАСОВА

Муҳбир-мухаррир
Насрullo ЭРГАШ

Техник мухаррир
Наргиза УСМОНОВА

Жамоат кенгаси

Ўрзобой АБДУРАХМОНОВ

Абдулла АҶЗАМ

Олимжон ДАВЛАТОВ

Кулмурод ОЧИЛ
Шукрат РИЗО

Сирожиддин САЙИД

Хайрийдин СУЛТОН

Абдураҳим ЭРКАЕВ

Муртазо КАРШИБОЙ

Дилмурод ҚУРОНОВ

Отабек ҲАСАНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва аҳборот агентлигига 0219-рекам билан рўйхатта олинган.

Матбуотда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчирив босилгандан манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шахри, Бобур кўчаси, 9-бино.

(55) 508-11-45
(55) 508-11-46

@ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компютер бўлимида тайёрланди.

“Oltin nashr” МЧЖ матбуот корхонаси.
Тошкент шахри, Бунёдкор кўчаси, 42-бино.
2025 йил 26 марта куни босмахонага топширилди.
Коғоз бичими 70x100 1/16 8 босма табоб
3-буюртма. Нашр адали 5000+1250 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Ҳалоллик маслаги, қаноат матлаби. Адабиётшунос олим
Дилмурод ҚУРОНОВ билан сұхбат 4

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Сарваржон ФАФУРОВ. Фулув ҳалокатга етаклар 16

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Тўлқин АЛИМАРДОН. Жиноят жазосиз қолганда 23

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Исматилла ТЎХТАРОВ. Ўйонаётган фалсафа 32



НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Асқад МУХТОР. Инсонга қуллуқ қиласдурмен. Ҳикоя 38

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Эшқобил ШУКУР. Бедилдан бир чўғ олдим 66

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Обид ҚҮЛДОШ. Қўрга кўмилган шолғом.
Этюдлар 72



Сарваржон ФАФУРОВ

КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН

Иқбол ҚЎШШАЕВА. Ёлғоннинг ёнида
турмайлик 80

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ


Султонмурод ОЛИМ. Бобур нега Навоийга
эътиroz қилган? 88

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Виктор АЛИМАСОВ. Ўзидан ўзган – тушов-
ларни ўзган 97

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Рустам ЖАББОР. Сўздан яралган мўъ-
жизалар 104



ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Бахтиёр ОМОНОВ. Тараққиёт тилсимини
излаб 112

Улуғбек САИДОВ. Глобаллашув: лисон
ва инсон 114

Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ. Сарҳад билмас
куч 116

Собиржон ЁҚУБОВ. Ўзликнинг жавҳари
нима? 117

Ҳабибулла САДИБАКОСЕВ. Хитойнинг
қўшничилик дипломатияси 119

Нигора УМАРОВА. Брим издошлари 121

Махфуза ТЎЙЧИЕВА. Акутагава “даст-
рўмол”и 122

Шерхон ҚОРАЕВ. Термизий ҳақми ё
Фароғий? 124

Шаҳло АҲРОРОВА. Мехри қаҳридан
устун ҳукмдор 125

Журналнинг инглизча муҳтасар
мазмуни 127

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



HALOLLIK MASLAGI, QANOAT MATLABI

*Адабиётшунос олим
Дилмурод ҚУРОНОВ билан сұхбат*

– Дилмурод ақа, аслида, Сиз билан адабий жараён, сүз санъаты ҳақида сұхбат қуришимиз керак эди. Музофотда яшасанды-да, пойтахтнинг қайноқ мұхитидан узилмагансиз, талабчан олим, жонсарап зиёли сифатида миллат истиқболига доир баҳс-мунозараларда фаол қатнашиб келасиз. Шу боис бу гал дунёning ишлари, жамиятнинг равиш-рафттори хусусида гурунглашмоқни маңқул деб топдик.

Күш қанотсиз парвоз қила олмагани каби илм-фан ҳам академик әркинликсиз тараққий эттәйди. Академик әркинлик олий таълим ва илмий муассасалар ходимлари, профессор-үқитувчилар ҳамда талабаларнинг тафаккүр, тадқиқот ҳурлигини англатади. Янада аниқроқ айтсак, олимлар, толиби илмлар илмий-ижодий фаолиятта ҳокимият, сиёсий гурухларнинг тақиқу тақибыдан, умуман, ҳар қандай назоратдан омонда бўлмоғидир. Назаримизда, наинки илм-фан ва

Halollik maslagi, qanoat matlabi

Adabiyotshunos olim Dilmurod QURONOV bilan suhabat

таълим соҳалари, балки бутун жамият равнақи учун академик әркинлик сув билан ҳаводек зарур.

Сўнгги ҳисоботлар (*Academic Freedom Index 2024*) дунёда академик әркинлик билан боғлиқ вазият мақтангудек әмаслигидан далолат бермоқда. Айниқса, Газо бўлгасида уруш бошлангач, демократия яловбардори бўлган давлатларда ҳам “қирол яланғоч” экани алайно ошкор кўринди-қолди. Масалан, Фаластин заминида содир этилган хунрезликларни қоралаган америкалик олимлар университетлардан бадарға қилинди. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда қўр, дейдилар. Мутараққий дунёда рўй бераётган бу сира бесаранжомликлар әркин жамият қуриш йўлида саъй-қўшиш қилаётган ёш мустақил давлатларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин...

Илм-фан хизматида сочи оқарган олим, таълимнинг ёқасидан кириб енгидан чиққан педагог ўлароқ мамлакатимизда академик әркинлик ҳолатини қандай баҳолайсиз?

– Савол ғоят мураккаблигидан, жавобни соддадан бошлаганимиз маъқул. Камина олий таълимда иш бошлагандан бери мудом бир ҳолни кузатаман: раҳбарият профессор-үқитувчиларнинг ишга келиб-кетишини қатъий назоратга олишга интилади. Кўп йиллардан бери “Эрталаб соат 8 да ишга келганда ва 15:00 да – кетар чоқда дафтарга имзо қўясизлар” деган талабни эшитамиз. Тўғри, ИТ замонида шакл ўзгарди: “Университетга киришда мослама ўрнатилган, ишга келганда ва кетиш чоғи бармоқ босасиз – келаси йилдан табель шу асосда тузилади” дейишияпти энди. Эътиrozга ўрин йўқдек, профессор-үқитувчига олти соатлик иш куни белгиланган, ахир. Кўнгилларимизни фахрга тўлдирган қизимиз, Колумбия университетида профессорлик мақомига эришган илк ўзбек олимаси Азиза Шоназарованинг “Daryo” нашрига интервьюсида айтишича, АҚШда олий таълим ўқитувчилари кун тартибини ўзи белгилар экан. “Бу касбнинг мен учун энг қулай тарафи ҳам ана шу. Бир се-местр мобайнида ҳафтада икки ёки уч марта дарс бергани бораман, холос. Профессорлар фаолиятига дахлсиз ишларга жалб этилмайди ва улардан эртадан кечгача офисда ўтириш талаб қилинмайди”, дейди у. Эътибор қилдингизми, Азизаҳон қизимиз “Профессорлар фаолиятига дахлсиз ишларга жалб этилмайди” деб таъкидлаган,



чунки она юртида бунинг акси эканини яхши билади-да. Бизда, ма-
салан, ўқитувчи таржима ишига ойлаб жалб этилиши, дарсларини
бошқа ҳамкаслари ўтиб юриши оддий ҳол. Ёки фалон тумандаги
мактабга “методик ёрдам кўрсатиш учун” профессор-ўқитувчини
боғлаб қўйиш, ҳафтада бир кун ўша мактабда бўлиш каби талаб
ҳам бор. Раҳбариятни-ку айтмаёқ қўяй, уларни чигит экиш ё буғ-
дой ўримиға мастьул этса ҳам бўлади, гўё ўзларининг масъулияти-
даги ишлар тугаб-битган ё дўндириб қўйилган каби...

Халқаро истилоҳда академик эркинлик таълим бериш, тад-
қиқот юритиш, илмий изланишлар натижаларини эълон қилиш,
фикр-қарашларни ифодалаш эркинликларини, таълим муассасаси
ёки давлат томонидан цензурага йўл қўйилмаслигини англатади.
Яъни у давлат, таълим муассасаси ва шахсий миқёсда воқеланади.
Демак, шу уч миқёсда таъмин этилмоғи ҳам керак. Давлат муайян
фан доирасида нимани ва қандай ўқитишни тўлалигича профессор
ёки ўқув муассасаси белгилашига йўл қўйиб бера оладими? Таби-
йики, ўқ. Чунки давлатнинг ҳам нимани, қандай ўқитишга доир
манфаати бор, бас, пулинни тўлагач, мусиқани ҳам танлайди-да!

Аслида, бу бугуннинг ё кечанинг муаммоси эмас: салкам уч минг
йил аввал Афлотун хаёлидаги идеал давлатда қандай мифларни
ўқитиш мумкину қандайларини ўқитиш мумкин эмаслигини
муҳокама қилган. Худди шу объектив сабаб шўро замонида жадид
адабиётининг ўқитилмагани ўзбек совет адабиётининг “тирик
классиклари” кенг тарғиб этилганини изоҳлади. Мустақиллик-
дан кейин бунга мутлақо терс ҳолат кузатилгани ҳам яна ўша объ-
ектив сабаб билан боғлиқ. Энди тасаввур қилинг, шўро даврида
бизга сабоқ берган устозлар Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар ҳақида
гапиргиси келмаганми? Улар ўзбек адабиёти тарихи ҳақида бе-
раётган билимлари чала, бирёзлама бўлиб қолаётганига ўқинма-
ган дейсизми? Ўзимиз ҳам яқин ўтмишда – гоҳ у, гоҳ бу ижодкор
дарсликлардан чиқарилиб, ими-жимида тақиққа учраган вақт-
лар уларнинг асарларисиз адабиётимиз манзараси нотугал бўлиб
қолаётганини мудом ҳис қилиб турмадикми? Ҳозир-чи, ҳозир бу
ҳисдан тўлиқ фориғ бўлганмизми?.. Сираси, айтилганлар акаде-
мик эркинликнинг иккинчи қирраси – тадқиқот эркинлигига ҳам
баб-баравар тегишли. Албатта, азалдан шундай эди деганим қиё-
матгача шундай қолади дегани эмас – муносабат ростланса, ҳолат
ҳам ўзгаради. Бунинг учун кўп нарса талаб этилмайди: давлат ман-
фаати холислик, илмий объективлик принципларига зид келмаса,
ҳар икки томонга мақбул “олтин оралиқ” топилса бас.

Академик эркинликнинг фундаментал шартларидан бири –
олий таълим муассасасининг автономлигидир. Маълумки, сўнгги
йилларда бизда ҳам бу борада илк қадамлар қўйилди: айрим олий
таълим муассасаларига молиявий мустақиллик, академик эркин-
лик тақдим этилди. Бу йўлда тетапоя қила бошладик, аммо мавжуд
шароитда гўдак расмана юриб кета олармикан, деган андиша ўқ
эмас. Яшириб нима қилдик, ҳудудларда ОТМларга ҳокимият тузил-
маларидан бири деб қарааш шаклланиб қолган. Ҳокимлик ўтказа-
диган барча йиғилишларда ОТМ раҳбарларининг қатнашишига
зарурат борми? Улар бевосита таълим масалалари қўриладиган
мажлис бўлсагина таклиф қилиниши керак эмасми? ОТМ раҳбар-
ларига ҳокимларнинг ёш боладек дакки беришини-ку қўйинг, ко-
тибият мудирларининг зир югуртиришлари, ходимларнинг сиёсат
қилишига нима дейсиз?! “Амирларнинг яхшиси – олимларни зиё-
рат қилганлари” деган гаплар унут бўлгандек. Дорилфунунларга
асосий фаолиятига алоқасиз топшириқлар берилиши одатий ҳол-
га айланган. Зоро, ҳокимият ОТМларни ҳар вақт сафарбар қилиш
мумкин бўлган куч деб билади. Энг ёмони, ҳокимиятнинг кўзига
ОТМлар “контрактдан жарақ-жарақ пул топаётган” корхона бўлиб
қўринади. Тўғри, улар жойларда ҳисобига мунтазам маблағ тушиб
турувчи ташкилот бўлиб қолди. Аммо ўша маблағ ўқув жараёнини
ташкил қилишга, таълимни такомиллаштиришга сарф этилмоғи
керак-да. Ҳокимият катта-кичик харажат талаб қилувчи топши-
риқларни университетларга юклайверади: сметада кўрсатилмаган
сарф учун маблағнинг ноқонуний йўл билан “йўндирилиши”ни,
яъни жиноятга йўл очилаётганини эса айтмаса ҳам бўлади...

Хуллас, кўрган-билганларим бизда академик эркинлик ҳақида
гапиришга ҳали бир оз эртароқ эмасмикан, деган андишани түф-
диради. “Мусулмончилик аста-секин, мана, айрим университет-
ларга молиявий мустақиллик, ўқув жараёни билан боғлиқ эркин-
ликлар берила бошлади-ку...” дейишингиз мумкин. Шундай, лекин
бу бошланмалар томир ёзадиган ер ҳали шўрҳоқ, бас, аввал шўрни
ювмоқ лозим! Бизда академик эркинликни жорий этиш тартиби
бошқача бўлиши керак. Энг аввал университетлар автономлиги
қонунан қатъий белгиланиши зарур. ОТМлар низом асосида мус-
тақил фаолият олиб бориши, вазирлик ёки марказга методик
жихатдангина бўйсуниши, улар ишига четдан аралашувга йўл
қўйилмаслиги керак. Ана шундагина академик эркинлик рӯёбга
чиқади. Ана шундагина ОТМлар бутун куч-куватини таълим си-
фатини ошириш ва илм-фан ривожига йўналтириши мумкин.

- ЮНЕСКО эълон қилган маълумотларга қараганда, Ўзбекистон хорижда таҳсил олаётган талабалар сони бўйича дунёning беш етакчи давлатидан бири бўлиб турибди. 150 минг чоғли ватандошимиз чет эл олий таълим муассасаларида таҳсил қўрмоқда экан. „Ўзбек иқтиносидчиси Ҳарвардда докторлик ёқлади”, „Ўзбекистонлик олима илк бор Колумбия университетида профессор унвонини олди”, „Ўзбек тадқиқотчisi Оксфорд университети шафелигида сунъий идрок бўйича салмоқли рисола чоп этди”... Бу каби хушхабарлар ҳар биримзинг қалбимизни ғууррга тўлдиради. Айни чоқда қўнгилда хавотиромуз савол ҳам туғилади: жаҳоннинг обод шахру кентларида туп қўйиб палак ёзган қорақўзларимизнинг жиллакурса ярми Ватанга қайтармикан, юрт хизматига камарбаста бўлармикан?.

Хабарингиз бор, бугун дунёning бой давлатлари заковат соҳибларини ўзига оғдириш учун рақобатга киришган. Ўз соҳасининг пешқадамлари хорижда, таъбир жоиз бўлса, пойандоз солиб қарши олинади. Ўзбекистонлик кўпдан-кўп иқтидорли олимлар ҳам хорижий давлатларда фаолият юритмоқда. Ижтимоий тармоқларда тарқалган ҳазил-мутойибада айтилганидек, „Ўзбекистоннинг олтин бошлари Farbga, олтин қўллари Шимолга равона бўлаётir. Юрт ичida эса фақат олтин тишлар қолди”. Хўш, ақллар ҳижратини табиий ҳол дея қабул қилиш кераки? Ё давлат иқтидорларни қайтариш учун тизимли чора-тадбир кўрмоғи лозимми?

- Албатта, давлат иқтидорларнинг юртдан чиқиб кетиши олдини олиш (қайтариш) учун тизимли чора-тадбирлар кўрмоғи зарур. Ўз-ўзидан кейинги савол қалқиб чиқади: у чоралар қандай бўлади? Шўро даври каби чегарани паشا ҳам учиб ўтолмайдиган қилиб тўсишнинг энди ҳеч имкони йўқ, қатъий тақиқлар билан бир нимага эришиш душвор, ватанпарварлик туйғусининг ўзи билан ҳам узоқча бориб бўлмайди. Ёлғиз битта йўли бор: иқтидорлар учун ўзимизда ҳам хориждаги каби шарт-шароит яратиш керак, токи мусофириликда эриша оладиганига муқимликда эришсинлар... Чет элдаги каби моддий манфаатдорлик ва бадастир шароит ҳозирча имконсиз, дея эътиroz билдирилиши мумкин. Эҳтимол, шундайдир. Лекин тарки ватан қилувчиларнинг ҳаммаси ҳам моддий шарт-шароитдангина безиб кетяпти, десак тўғри бўладими? Фикримча, йўқ. Ўзимизда ишлашни, отана, яқинлару ёр-дўстдан йироқ тушмасликни истовчилар кам

эмас, лекин... Хўш, ҳозирда олий маълумотли мутахассиснинг ишга жойлашиш имконияти қандай? У ўз билими, маълумотига муносиб жойни бемалол эгаллай оладими? Йўқ-да, аксар иш ўринлари банд. Дейлик, у ишлаши мумкин бўлган жойни ё ўрта маълумотли бирори, ё бошқа мутахассисликка ўқиган бошқаси, ё диплом учунгина амал-тақал ўқиган тағин бири эгаллаган. Асосийси, ул мардум иссиқ ўрнини асло бўшатмайди – ё раҳбарнинг хеши, ё ишга киришда „харажат” қилган, ё қўлида „компромати” бор, ё... Ҳар қандай текширишу аттестациялардан эсон-омон ўтади денг! Ҳолбуки, талабгор бўлмиш ундан бир калла баланд, шу жойга кўпроқ муносиб эканини англайди, илло қўлидан ҳеч нарса келмайди: камситилган, хорланган сезади ўзини, кетгиси келади. Муаммонинг қучли ижтимоий-психологик омили ана шу. Афуски, бу иллат ажриқ мисоли томир отяпти. Токи ижтимоий-иқтисодий муҳит соғломлашмас экан, хусусан, давлат ташкилотларига ишга қабул қатъий белгиланган муддат ва танлов асосида ўтказилмас экан, токи бу жараён мутлақо очиқ ва имкон қадар инсон омили аралашувисиз кечмас экан, ундан холос бўлиш амримаҳол. Хўп, шундай тартиб ўрнатилиб, иллатдан қутулдик ҳам дейлик, аммо бу муаммони ҳал қилиш йўлидаги илк қадам, холос – энди иқтиносидий ва демографик вазият билан боғлиқ бошқа бир омил ўртага чиқади. Биз навқирон миллатмиз, аҳоли таркибида ёшлар нисбати йилдан-йил ортиб бораётir. Ҳаммага иш топиб беришнинг имкони йўқ, жумладан, иқтидорлilarга ҳам. Албатта, имкони йўқ экан деб қўл қовуштириб турилмайди, аҳволни яхшилаш учун зарур чоралар кўрилади. Айни чоқда, нафақат меҳнат ресурслари, интеллектуал ресурсларимизнинг ҳам хорижга оқиши табиий. Агарки оқимни буткул тўхтатишига ожиз эканмиз, уни бошқармоқ, мамлакат равнақи ва истиқболи учун манфаатли ўзанга буришга ҳаракат қилмоқ лозим.

Аввало, чет элдаги иқтидорларимиз ўзларини “эмигрант” эмас, “хорижда муваққат ишловчи” деб ҳис қилсан. Бу эса уларнинг юрт билан робитаси узилмаслигини тақозо этади. Демак, уларнинг Ватан билан боғлиқ фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш зарур: мамлакатимиздаги илмий марказлар билан мунтазам алоқани таъминлаш, соҳаси бўйича марказлар, лабораториялар, клиникалар очиш, инвестиция киритиши учун қулай ва имтиёзли шароитлар яратиш... Қарангки, ечим яна биринчи омилга бориб туташяпти. Чиндан ҳам, ижтимоий-иқтисодий муҳит соғломлашмай туриб муаммоларни адолатли ва тўғри ҳал қилиб бўлмайди.

Дарвоқе, аввал ҳам ўйлаб юрардим-у, шу кунларда бир фактга дуч келгач, янаям кўпроқ ўйлаётирман: биз инсон ресурслари борасида ҳам “хомашё” етказувчигина бўлиб қолмаяпмизми?! Ҳозир ҳамманинг оғзида шу гап: белорус клуби футболчимиз Абдуқодир Ҳусановни текинга олиб кетиб, кейинроқ Франциянинг “Ланс” жамоасига 100 минг еврога сотган. Уч мавсум ўтиб моҳир ҳимоячи 40 млн евро эвазига инглиз клубига ўтди. Энди ўша маблағдан белорус клубига ҳам улуш тегади, “Бунёдкор”га-чи?.. Иқтидорлар билан ишлаш рисоладагидек йўлга қўйилса, бизнинг клуб ҳам яхшигина ҳисса олармиди? У ҳолда бир Абдуқодир эмас, уни тарбиялаган клуб, бутун ўзбек футболи маңфаат кўрган бўлармиди?!

Хонаси келиб қолди, футболдан яна бир мисол келтирай. Ҳамюртимиз Аббосбек Файзуллаев ЦСКА (Москва) жамоасининг пешқадам ўйинчиси бўлгани ҳолда ойига 10 минг еврога яқин маош оларкан. Ҳолбуки, ўша клубнинг бошқа бир етакчиси Игорь Акинфеевга йилига 1,6 млн евро маош берилар экан. Равшанки, бу бир Аббосбекнинг эмас, ўзбек футболи, умуман, Ўзбекистоннинг зарари...

Хулоса шуки, иқтидорли футболчиларни тарбиялаш билан бирга уларни номдор клубларга ўтказиш ишини ҳам режали йўлга қўйиш, соҳа мутахассисларини етиштириш – пул тикишга лойиқ ишдир. Мактабни битирибоқ Россияга отланиб, “Хунаринг нима?” сўроғига “разнорабочий” (асли “чернорабочий”) деб юрган бўй йигитларга бирон бир ҳунарни пухта эгаллаш имконини яратиш ҳам муҳим. Ҳунар эгаси ўлароқ кўпроқ маош олсалар, топганлари охир-оқибат юрт фаровонлигига хизмат қиласи-да!..

Алҳол, латифадаги “олтин бош”ларнинг чиқиб кетиши – объектив жараён, уни бутқул тўхтатишга ожизмиз, лекин элу юртга зарари имкон қадар кам, фойдаси эса кўп бўлишига эришмоғимиз шарт.

– “Бугун Оврупо ҳалқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари; овруполиклар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва калта кийим жсанжаллари. Оврупо шаҳарлари бугун электр билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жуфрофия ва тибиётни ўқитиш-ўқитмаслик ихтилофлари...” Бу – жадид ҳаракати сардори Мунавварқори Абдурашидхоновнинг 1923 йил “Туркистон” рўзномасида чоп этилган мақоласидан иқтибос. Не тонгки, орадан бир аср ўтган бўлса-да, аҳволи руҳиямиз деярли ўзгармагандек. “Ҳаётнинг қураш майдонида ва жаҳон ҳалқлари орасида ислом оламининг фарсах-фарсах

орқада қолганлигини баён қилишга эҳтиёж йўқдир. Биз туркестонлилар эса бошқа исломий жамиятларга нисбатан дунёни жаҳон паришонликка тушиб, йўлимиздан адашганмиз”, дейди бошқа бир маърифатпарвар Абдурауф Фитрат. Юз ваҳки, бугун ҳам мутараққий дунё билан ўртамиздаги фарсах-фарсах масофа қисқармаган...

Тўғри, миллат зеҳниятига асрлар мобайнида ўрнашган зангарни кетказиши осон кечмайди. Аммо “то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Оллоҳуларнинг ҳолини ўзгартирмас”лиги ҳам аён ҳақиқат. Наҳот, Ҳолливуднинг “Сүтур куни” фильмида тасвириланган каби якранг ҳолатни қайта-қайта бошдан кечирмоқча абадиян маҳкум бўлсак?! Фитрат домла қуюниб ёзганидек, “бу паришонликнинг сабаби недир?”

– Тушқунлик (пессимизм) – одамнинг ўзига юк бўладиган нарса, марра яқинлашгани сари некбин (оптимист) бўлгингиз келаркан. Шу маънода, сўнгги йиллар ижобий ўзгаришларни кўпроқ кўраётгандекман. Аввало, ёшларда билим олишга интилиш кучайди – мустақилликнинг ilk йилларига қиёсланса, фарқ – осмон билан ерча. Иккинчидан, ёшлар ичида “Мана бу – ҳалол, мана бу – ҳаром” деган мезон билан ҳаракат қиласиданлар кўпаймоқда. Умид шуки, эртами-индин улар “Давлатники – ҳамманини, мен эса ўша ҳамманинг бириман, демак, менини ҳам” дейдиганлар ўрнини эгаллайди. Улар энди “Давлатнида етим-есирнинг, ғарибу мискиннинг, мактабу хастанонанинг... мағрибдан машриққача ҳақдорларнинг улуси бор” деб қарайди. Шу тариқа юртда ҳалолдан фаровонлик барпо бўлади. Ҳалолдан келган фаровонлик анчайин тўкинлик эмас, бундай шароитда нону чой билан кун кечираётган ҳам, умри жамшидона зиёфатда ўтаётган ҳам бирдек қаноатда яшайди – кўнглида хотиржамлик ҳукмрон, ақлу идроки юксак материялар ҳақида ўйлашга эҳтиёж туюди. Утопияга ўхшаяптими? Йўқ, бу хаёлот эмас! Худо хоҳласа, шундай кунлар келади: ҳалқимиз чин маърифатга эришади, унинг тарихидаги энг шонли саҳифалар ўшанда битилади. Ҳа, айтганча, қолоқликнинг боисини сўрадингиз. Фикримча, кўнгил хотиржамлигига путур етказувчи нимаики бўлса бари “паришонлик сабабидир” – хусусан, нафсга мағлублигимиз, шукроналик фақат тилда бўлиб қолгани...

– Олис ўтмишда ҳам, яқин кечмишда ҳам маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллатлари ҳалқимиз бошига не-не шўришларни солмаган дейсиз. XIX аср мавлоноси “Шул эрур айбим,

Муҳимий, мардуми Фарғонаман” дея шиква-шикоят битган бўлса, XX асрда чақмоқдек умр кечириб ўтган бошқа бир шо-ишимиз “Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик” дея фиғон чекди. Маҳаллийчилик миллатнинг оғриқ тишларидан экани ҳақ-рост. Негадир кейинги вақтларда бу иллат яна бош қўта-риб қолди. Масиий жабҳадаги айримакашликни қўятуринг, ижтимоий тармоқларда ҳатто ўн минглаб “мурид” йиққан баъзи блогерлар “Тошкентни қишлоқилар босиб кетгани”-дан ёзғирмоқда. Бу иллат фақат пойтиахт аҳлига хос десак адашамиз. Фаразан, мамлакатнинг бош кенти Фарғона ёки Қашқадарёга кўчириса, водий, воҳа аҳли ҳам “ўзимизникилар ва ўзгалар” тарзида иш тутмаслигига кафолат йўқ. Давлат-чилигимиз илдизи минг йилларга бориб тақалади. Замонавий республика тузилганига ҳам бир аср бўлди. Маҳаллийчиликдан ҳали-ҳануз халос бўла олмаганимиз ягона миллат ўлароқ шаклланмаганимиздан далолат эмасми? Тараққиёт карвонининг пешқадами бўлмоқча бел боғлаган миллатга бу хил майдалик ярашадими!?

– Ҳеч шубҳа йўқки, маҳаллийчилик ҳам, уруғ-аймоқчилик ҳам тараққиётимизга тушов – буни ҳамма бирдек эътироф этади. Бироқ амалга келганда беихтиёр уларга даст бериб қўямиз. Ҳатто бу иллатларни сизу биз қатори кескин танқид қилиб юрган киши фалакнинг гардиши билан мансабга тайинланиб қолсаю фурсат ўтказиб разм солсангиз, унинг “команда”си ҳам асосан қариндош-уруғарию ҳамюртларидан иборат бўлиб чиқади. Албатта, масъулиятли вазифа юклangan одамнинг ўз ёнида ишончли кишилар бўлмоғини исташи табиий. Лекин ўша вазифани бажармоқ учун салоҳият керак, ахир. Муносиб одам ён-атрофидан – қариндош-уруғи, ҳамشاҳар, ҳамқишлоқлари, таниш-билишлари орасидан бўлса-ку – эътиroz йўқ, бўлмаса – “четдан” олиниши керак-да! Афсуски, кўпинча иқтидорли номзод қолиб, савиясьи бир калла пастроқ бўлса ҳам, қондош-қариндошлиқ ё қуда-андалик риштлари билан боғланган киши ёки ҳамқавм танланади...

Назаримда, бу иллатнинг психологик илдизлари жуда чуқур – ҳў-ӯв одамзод мамонт овлаб юрган замонларга қараб кетса ажаб эмас. Ибтидоий одам атрофидаги махлуқлар қаршисида ўзини ожиз сезганидан ҳамиша қариндошуғордошлари қўмагига муҳтоҷ бўлган – улар ёнида бўлсагина ўзини табиат кучларию махлуқотдан ҳимоялангандек ҳис этган. Айни шу ожизлик ҳисси суюқ суриб келиб ҳар бир инсоннинг коллектив онгсизлигига муқим ўрин ол-

ган. Ибтидоий аждодидан фарқ этароқ, бугунги кун кишиси ўзини табиат қаршисида ожиз сезмайди; у табиат менинг измимда деган янглиш ишончида яшаркан, ўзини жамият қаршисида ожиз ҳис этади. Бу ҳис юрагидаги қўрқувни кучайтиради: атрофини душманлар қуршаган, муваффақиятини ҳеч ким кўролмайди, ҳамма уни чалиш пайида, ёнига ишончли одамларни тўплаши керак, ўзи ҳам кимнингдир ишончига кирмоғи даркор, акс ҳолда ем бўлиб кетади...

Маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчилик – шахс сифатида етилмаганлик асорати. Бу тоифа кишилар учун энг кичик ижтимоий бирлик шахс эмас, балки тўда. Унинг тўдасидаги мутлақ ҳокимлиги ШАҲС эканига далолат қўлмайди, чунки ўзи дохил юқорироқ тўдада у муте бир аъзо, холос... Ҳа, афсуски, сиз ҳақсиз: “Маҳаллийчиликдан ҳали-ҳануз халос бўла олмаганимиз ягона миллат ўлароқ шаклланмаганимиздан далолат”. Зотан, миллат дегани аксарияти ўзлигини, жамиятдаги ўрни ва қадр-қимматини, ижтимоий миссиясини англаған шахслардан таркибланувчи тузилмадир.

– “Хужжат ул-ислом”нинг отдоши, мисрлик забардаст олим шайх Муҳаммад Газзолий (1917–1996) Farb тамаддуни афсонавий махлуқ – инсон сиёғли, ҳайвон жисмли Абул Ҳавлга (Сфинкс) ўхшатган экан. Аллома замон кишисининг тафаккури башарий, табиати эса ҳайвоний эканига ишора қилган, назаримизда. Азизу мукаррам деб сифатланган одамзод вакиллари бугун содир этаётган кўз қўриб қулоқ эшишмаган қылғиликларни кузатиб, Газзолий ҳақ эканига тақрор ва тақрор имон келтирасиз. “Маърифат асри”да кечеётган урушларда лак-лак инсон қони тўқилмаяптими?! Ҳарб аҳли киприк қоқмай маъсум гўдакларни-да қатл қилмаяптими?! Ахлоқ, эътиқод, маънавият каби муқаддасотлар поймол этилмаяптими?! Тушови узилган “нокасу ножинс” тоифанинг хурмача қилиқларини... эслагиси ҳам келмайди киши. Ҳолбуки, инсониятнинг ақлу тафаккури юксалгани сари жоҳилият чекинмоғи лозим эмасмиди?..

– Инсон фаришта билан ҳайвон оралиғидаги ҳодиса дейиш билан шайх Муҳаммад Газзолий айтган, унгача айтилган ва кеин ҳам айтилажак кўплаб пурмаъно таърифу ташбеҳлар моҳияти ифодалаб қўйилган. Инсон шу икки кутб оралиғида саргардон экан, ундан ҳар не эзгуликни ҳам, ҳар не тасавурга сифмайдиган ёвузликни ҳам кутиш мумкин. Шу ёшгача кўрган-билганларимни

умумлаштириб, тараққиёт дегани башарият ҳаётининг фақат эзгулик жабҳасидагина эмас, ёвузлик томонида ҳам бирдек кечаверар экан, деган нохуш хулосага келиб қоламан-да, бундан қутулмоқ учун қайта бошдан мулоҳаза юритаман – яна ўша натижа, лекин уни тан олгингиз келмайди, ўйлайверасиз, ўйлайверасиз... Инсон Яратган изми билан бўлган кор-амални ўзгартиришга уриндими, фожия муқаррар.

Тафаккуримизни юксалтган китобларда эркинлик энг олий қадрият дея талқин қилинганд. Биз ҳам романтик кайфиятда – эркинликни соғиниб, унга талпиниб улғайдик, ҳамманинг сўзда, фикрда, эътиқодда хур бўлмоғини орзу қилдик. Билмадим, бир мен шундаймидим ё бошқалар ҳамми, мудом Гарб кишисини эркинроқ билиб, унга ҳавасланиб яшаганим рост. Энди, ўша ҳавасланганим ҳурлик камалак байроқ қўтариб қўчаларни тўлдирган даюсу ноҳинслар тимсолида юз кўрсата бошлаганида... бир нокасга Европа пойтахтларидан бирининг кенг майдонида туриб бемалол Қуръонни ёқиш – икки миллиард мусулмон кўнглига туфлашга изн берганида... ўзга дин кишиларини-ку қўйинг, Олимпия ўйинлари ёпилишида христиан ақидасини масхара қилганларида... – бу эркинликнинг энди асло Раҳмондан эмас, нақд Шайтондан бўлиб қолганига ишониб ўтирибман. Ёшлиқда эркинликни орзулаганимиз хато эди демоқчи эмасман, асло! Аммо эркинлик тушунчасининг “тараққиёт” и уни шу кўрқинч ҳолга келтириди. Ўткир ақллару тоза қалбларда мавхумот ўлароқ яшаган кезлар у мутлақ эзгу эди, ҳаётга жорий бўлгач эса инсон ботинидаги иллатларга ҳам қоришиди – одамзод эркинлик талабида ҳаддан оша бошлади. Ҳадни унутиш эса, биласиз, инсон учун бешак ҳалокатdir. Зоро, ҳад унтилса, эзгу нарса ҳам ёвузликка дўнади. Инсон эса, афсуски, нафсиға мағлуб бўлибми ё иблисга алданибми, кўпинча ҳаддан ошишга мойил келади.

– Дилмурод aka, етти-саккиз йил аввал чоп этилган “Шеърда мантиқ керакми?” деган мақолангиз қўлма-қўл ўқилгани ёдимизда. Ўшанда Аҳад Қаюм отлиғ ҳаваскор қаламкашнинг қораламаларини зўр ҳафсала билан таҳлил қуларак бадиий диднинг ялти ўтмаслашуви ҳақида бонг урган эдингиз. Таассуфки, “шиғирчи”лар шоирлик даъвосидан воз кечгани йўқ. Билъакс, кейинги йилларда назмбозлик касали янада қучайди. Бу ҳол сўз санъати ўртамиёналикка енгилганини англатмайдими? Чин адабиёт аҳли, нима, “оқ байроқ”ни кўтараверсинми энди?

– Сиз айтмоқчи, “зўр ҳафсала билан таҳлил қилганим” учун айрим ҳамкаслардан “Танқиддан тубан нарсалар ҳақида ёзиш нега керак?!”, “Умрни зое қилибсан!” қабилида дашномлар ҳам эшитганман. Негадир бу мақолани кўпчилик Аҳад Қаюмни танқид қилиш учун ёзилган деб тушунди. Ҳолбуки, у бир баҳона, мақола адабий жараёндаги ҳодиса ҳақида эди – назмбозлик касали кучайганию бадиий диднинг сусайиб бораётгани, енгил-елпи шеърларнинг кун сайин оммалашётгани сабабларини англашга ҳаракат қилганман. Лекин, барибир, кўпчилик учун то ҳануз ўша ҳаваскор қаламкашни “боплаб уриб чиққан”гина бўлиб қолаётирман. Ҳай, майли, бу бошқа масала...

Тўғри, шиғирчилар шоирлик даъвосидан воз кечгани йўқ. Бу ёғини сўрасангиз, уларни таслим қилиш, қаламини синдириш ниятини кўзламаганман ҳам. Зоро, шеър ёзиш, тўлиб кетган кўнгилни қофозга тўкиш эҳтиёжи кўпчиликда бўлади. Жиллақурса, илк муҳаббатдан боши гангиган маҳал, тўрт сатр бўлсин, шеър битади-да одам. Лекин сатрларга ажратиб ёзилганки матн шеър эмаслигини, ичидан тўкилганки нарсани бошқаларга кўрсатса бўлавермаслигини ҳам билиши керак-да одам деган! Илгарилари ҳам кўпчилик кўнгил ҳолини маҳрам дафтарида шеърий алфозда изҳор этган, лекин у қораламаларга фақат хос кишиларнинг кўзи тушган. Эндиликда эса хос дафтарнинг насибаси ҳам тармоқда оламга ёйиляпти – бамисоли келинчакнинг ичкийими балкондаги дорга ёйилгани каби. Нашр имкони ортганидан шахсий дафтарларни ҳам китоб қилиб чиқариш кўпайди. Китобки, муқова санъаткорона ишланган, қофоз сифати аъло, матбааси юқори савияда... хуллас, қаршисида Алишер Навоий нашрлари бўйинни қисиб қоладиган даражада! Ҳеч йўқ ҳазратдан андиша қилинмаса-я! Асли, мақола шу ҳақда – хос дафтарларга қайтиш зарурлиги тўғрисида эди.

Ниҳоят, “оқ байроқ” кўтариш масаласига келсак. Йўқ, ҳартугул сўнгги йилларда вазият ўзгараётгандек – матбуотдаги чиқишилар, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлар шундай яхши гумон қилишга дастак беради. Назм санъати мудроқлик ҳолатидан чиққандек, чор тарафдан яхши шеърлар жарангиги келаётир. “Излам” ва у билан боғлиқ тадбирлар, “Қақнус”даги чиқишилар, “Дузель” сингари жўшқин беллашувлар, яна қайтадан оммалаша бошлаган назмий концертлар – буларнинг ҳаммаси юксак шеърият, сиз айтганга зид ўлароқ, зафар туғини баланд кўтарганча хужумга ўтганини кўрсатади.

Собиржон ЁҚУБОВ сұхбатлашди.

Сарваржон ФАФУРОВ

'GULUV HALOKATGA YETAKLAR'



XXI аср инсоният тарихида иқтисодий тараққиёт, илм-фан ва технология жабҳаларида улкан ютуқлар даври сифатида муҳрланмоқда. Айни вақтда дунё тинчлигига таҳдидлар кўлами ҳам ортаётир. Ижтимоий-сиёсий буҳронлар, иқтисодий инқизорлар, урушлар бутун курраи арзда акс садо берәётир. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган мафкуравий таҳдидлар қаршисида ҳатто мутараққий давлатлар ҳам каловланиб, саросимага тушиб қолаётгани айни ҳақиқат. Мафкура жабҳасидаги ана шундай хатарлардан бири бу радикализмдир.

“Радикализм (лот. radix – илдиз) – сиёсий тузум ва ижтимоий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатларни ифодаловчи сиёсий, диний оқим”,

дейилади маънавиятга доир тушунчалар луғатида (*Маънавият: асосий тушунчалар луғати. Тошкент, “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашириёти, 2021. 497-бет*). Бу таъриф биз сўз юритаётган феноменнинг бир қиррасини ифодалайди, холос. Аслида, радикализм – кўп маъноли, кенг қамровли ижтимоий ҳодиса. Жамоатчилик уни кўпроқ сиёсий, диний феномен деб билади. Ваҳоланки, радикализмнинг ижтимоий, иқтисодий, миллий, мафкуравий кўринишлари мавжуд.

Радикализм – глобал сиёсий воқеаликка, давлат ва жамият тараққиётига, ҳукуматлар ва халқаро тузилмалар фаолиятига таъсир этишга йўналтирилган; ижтимоий тузилмалар, маънавий асосларни ўзгартиришга қа-

Sarvarjon G'AFUROV
G'uluv halokatga yetaklar

ратилган мафкура. У спорт, таълимдан то сиёсатга қадар – жамиятнинг деярли барча соҳаларида учрайди.

Радикализм – психологик террор усулидир. Радикал ҳаракатлар инсонлар онги, маънавияти ва дунёқарашига таъсир кўрсатиш орқали ўз мақсадини рӯёбга чиқаришга уринади. Турли кайфиятдаги инсонлар, айниқса, ёшларни оғдириш, улар онгини заҳарлаш, дунёқарашини ўзгартириш, давлат ва жамиятга нисбатан норозилик уйғотиш орқали барқарорлик издан чиқарилади. Соғ диний эътиқоддан адаштириш, фирмабозлик, айрмачилик, “оммавий маданият” ниқоби остида азалий қадриятларга ёт ғояларни сингдириш, ахборот тармоқлари орқали ғайриахлоқий одатларни тарғиб қилиш ҳам психологик террор хуружлари сирасига киради.

Радикализмга хос хусусиятлардан яна бири – ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда зўравонлик усулидан фойдаланиш; босим, тазиқ ва таҳдидга мойиллиқдир. Бу тоифага мансуб шахслар, гуруҳлар жамиятдаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкони бўлгани ҳолда зулм, зўравонликни афзал кўради. Тарихнинг бурилиш нуқталарида, сиёсий танглик ва таранглик кучайган, маънавий таназзул, зиддиятлар кескинлашган вазиятларда уянада авж олади.

Араб тилида бирор масалага ҳаддан зиёд берилиш, муккадан кетиш, меъёр ва чегарани бузиш “ғулув” деб аталади. Бизнингча, ушбу истилоҳ радикаллашувнинг мазмун-моҳиятини муҳтасар тарзда ифодалайди. Хоҳ диний, хоҳ дунёвий масала-

ларда бўлсин, ғулувга берилиш яхшиликка олиб келмайди.

Радикализмнинг легал ва нолегал шакллари мавжуд. Баъзи радикал ҳаракатлар расман рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатади, давлатнинг бошқарув стратегиясига ўз таъсирини ўтказади. Ҳозирда Европа мамлакатларида катта мавқе касб этаётган ўта ўнг қанотга мансуб партиялар айнан қонуний фалият юритаётган радикал ҳаракатларга мисол бўла олади.

Радикализмнинг нолегал шакли кенг тарқалган бўлиб, у охир-оқибат терроизмга олиб боради. Ноқонуний гуруҳлар, жиноий тўдалар, экстремистик ташкилотларнинг аксари шу тоифага мансуб.

Таҳлилий онг, танқидий тафаккурнинг заифлиги кишини мутаассибликка етаклайди. Бундай шахслар мафкуравий таъсирга тез берилади, агрессив ҳаракатларга мойил келади. Уларни психологик беқарорликка тушириш, манипуляция қилиш, ғояларга кўр-кўрона эргаштириш осон кечади.

XXI аср бошларига келиб радикализмнинг мафкуравий асослари, таъсир доираси, мақсад ва вазифалари яққолроқ намоён бўла бошлади. Унинг миллатлар, элатлар, маданиятлар, цивилизациялардо мулокот мувозанатини бузиши, инсониятнинг эркин ва фаровон ҳаётига рахна солиши аниқ-равшан маълум бўлди.

Радикализм дунё давлатларининг барчасига даҳлдор воқеелик экани сир эмас. Ер курраси “улкан ягона қишлоқ” қа айланган глобаллашув шароитида мафкуравий хуружлар халқаро хавфсизлик тизимларига

бевосита таъсир кўрсатиб, ўта хатарли ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Соғлом фикрли шахс дабдурустдан мутаассибона ғоялар домига тушиб қолиши мумкинми? Психологлар кишининг радикал ғояларга берилиши дафъатан кечмаслиги, бу ҳол болалиқдаги тарбиядан то ижтимоий муҳитга қадар – кўплаб сабаб-омилларга боғлиқ эканини таъкидлайди.

Радикаллашувга сабаб бўлувчи омиллар сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- болалиқдаги тарбия усули (авторитар, зулмкор, “оила кумири” феномени ёки фарзандни бутунлай назоратсиз қолдириш, чекловларсиз ўстириш);
- шахснинг психологик хусусиятлари (ўзига паст баҳо бериш, ишончсизлик);
- шахс онгининг бузилиши (тобелик, хавотир, кўркоқлик, ҳасадгўйлик, тақабурлик);
- фақат ўз манфаатларини юқори қўйиш ортидан худбинона хулқнинг шаклланishi.

Шунингдек, ёшлардаги ҳаётий тажрибасизлик ва ҳиссиятга берилувчанлик, онг ва дунёқарашнинг тўлиқ шаклланмагани, руҳий тушкунлик, яқинлар эътиборидан четда қолиш, ишонувчанлик каби жиҳатлар ҳам хатарнок йўлга кириш хавфини оширади.

Жамият миқёсида радикаллашувни кучайтирадиган сабаблар эса қўйидагилардир:

- мафкуравий бўшлиқ, маданий ва-куумнинг юзага келиши;

- қашшоқлик, иқтисодий ночор умр кеираётган тоифа вакилларида норозиликнинг ортиши, ялпи тушкунлик, ҳокимиятга ишончсизлик кайфиятнинг пайдо бўлиши;
- жаҳолат, чаласаводлик, илмсизлик оқибатида аҳоли, айниқса, ёшларнинг тарғибот тўрига тушиши;
- ташқи кучлар томонидан маҳаллий қадриятларга ёт бўлган ғояларнинг сингдирилиши;
- радикализм тарғиботи билан шуғулланадиган ҳаракатларга қарши тура оладиган инфратузилманинг мавжуд эмаслиги.

Иқтисодий қийинчиликлар шароитида ўсган, таҳқирларга нишон бўлган болада ёшлик давриданоқ борлиққа, жамиятга нисбатан нафрат, шафқатсизлик, исён туйғулари шаклланиб боради. Кейинроқ яра газак олиб, хасталик янада хавфли тусга кириши ҳеч гап эмас.

Террорчилар, жангарилашнинг насл-насиби, ҳаёт тарзи суриштирилганда, аксари қашшоқ оиласардан чиққани, ночорлиқдан рисоладагидек таълим олмагани, тўйиб овқатланмагани, камситишларга учрагани аниқланган. Лекин уларни бу йўлга бошлаган мафкуравий йўлбошчилар кўпинча ўзига тўқ, ўқимишли, сиёсий дунёқарashi шаклланган, аниқ мақсад, манфаатларни кўзлаган шахслар бўлади.

Радикализм тарғиботчилари, аввало, одамзоднинг энг ҳассос туйғуси – диний эътиқод орқали унга ҳукм ўtkазишга уринади. Тараққиётнинг бешиги, жаҳон дин-

лари ватани ҳисобланган, йирик империялар манфаатлари тўқнашган Яқин Шарқ минтақасида радикаллашув ҳолатлари кўп учрамоқда. Оловли минтақадаги ижтимоий-сиёсий бекарорликлар умумжаҳон тараққиётiga ҳам таъсир кўрсатаётir (*Rooney C. Creative Radicalism in the Middle East. London, SOAS University of London Press, 2021. P. 52*).

Бугун жаҳон ҳамжамияти Афғонистондаги сиёсий вазиятни, ИШИД, “Ал-Қоида”, “Боко Ҳарам” (Нигерия), “Ансор Байт ал-Мақдис” (Миср), “Ан-Нусра” (Ироқ) каби радикал ташкилотлар фаолиятини синчковлик билан кузатиб бормоқда. Чунки бу каби ҳаракатлар фаолияти маҳаллий, минтақавий доирадан чиқиб, аллақачон глобал характер касб этган.

Араб ва ислом дунёсидаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, табақалашув, бирдамликнинг йўқолиши, ишсизлик, тенгсизлик, камбағаллик даражасининг ортиб кетиши, саводсизлик каби салбий ҳолатлар аҳоли норозилигини ошириб, радикал оқимларнинг сиёсат майдонига кириб келишига замин яратди.

Мусулмон дунёсидаги радикал оқимлар соғ исломга хос бағрикенглик, тинчликсеварлик тамойилларини рад этади, танқид қилиш ҳуқуқини тан олмайди, маърифат устуворлигини инкор қиласди, хатоларни тузатиш заруриятига ишонмайди.

Таассуфки, жаҳон ҳамжамияти ислом сиймосида илм-маърифатга ошно илохий динни эмас, балки кўпроқ радикал ҳаракатларни кўрмоқда. Бу, ўз навбатида, цивилизацияларро мулокотга рахна солаётir. Араб тадқиқотчиси Исмоил Усмоннинг ушбу

фикрлари эътиборга моликдир: “Биз диний таълимотлар моҳиятини тўғри тушунишимиз, ақидапарастларнинг тажовузкор ҳаракатларини асло дин билан боғламаслигимиз керак. Шу билан бирга, бағрикенглик ва тутув яшаш маданиятини тарқатиш, маданиятлар ва динлар ўртасидаги мулокотни кучайтириш, хатоларни тан олиш ва бошқаларнинг танқидини қабул қилиш орқали диний муросасизликка қарши курашмоғимиз лозим” (Усмон И. Экстремизм ва диний муросасизлик, уларнинг сабаблари ва уларга олиб келадиган омиллар. Триполи, “Илм-фан ва жамият” халқаро журнали, 2017).

Парадокс шундаки, радикаллашувга қарши курашнинг ўзи муросасиз, радикал тусга кирмоқда. “Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади” деганлариdek, радикаллашувга қарши кураш исломни халқаро миқёсда ёмонотлиқ қилиш кампаниясига айланмоқда. Малайзия собиқ боз вазири Маҳатхир Муҳаммад “Бугунги кунда исломнинг эзгулик ва бағрикенглик дини экани унтуилгандек. Уни радикализм ва экстремизм маншай сифатида қоралаш нафақат мусулмон бўлмаган, ҳатто либерал қарашли мусулмон жамиятларда ҳам учраб турибди, бу ўта ачинарли ҳолатдир”, деганида ҳақ эди (*Mohammad M. Islam and the Muslim Ummah. Selected Speeches. Putrajaya, Pelanduk Publications Press, 2000. P. 59*).

Жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситаларида “исломчилар”, “исломий жангарилар”, “ислом фундаментализми”, “ислом экстремизми” каби атамалар кенг кўлланмоқда. Бизнингча, соғ исломий таълимотга буткул зид йўлни танлаган шахс-

лар, гурухлар ва ҳаракатларга муқаддас динимиз номини нисбат бериш тўғри эмас. Мусулмон оламидаги нуфузли уламолар ҳам бундай ёндашув нораво эканини таъкидламоқдалар. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам муқаддас динимизни экстремистик ва террорчи ташкилотлар билан ёнма-ён қўйишни кескин қоралади. “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик мөҳиятини етказишини энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни әзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”, деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари БМТ минбарида (*Мирзиёев Ш. Ҳалқимиз розилиги – бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2018. 253-бет*).

Радикализм аталмиш балои азим инсоният бошига мусибатлар ёғдираётган бир вақтда ислом бешиги ҳисобланган араб диёрларини жаҳон ҳамжамиятидан узib қўйишга уринишлар ҳам кузатилмоқда. Бундай ёндашув муаммони ҳал этишга эмас, билъакс, миллатлараро, динлараро, маданиятлараро мулоқотнинг издан чиқишига олиб келади. Аслида, радикал кучларнинг мақсад-муддаоси ҳам шу.

Ғарб сиёсий доираларида радикализм ва диний фундаментализм фақатгина ислом динига хос деган стереотип тарқал-

ган. Мазкур бирёклама нуқтаи назар байзи исломофоб давлатлар, сиёсий ташкилотлар, гурухлар томонидан ҳалқаро доира-да шунчалик кўп тарғиб қилиндики, афкор омма онгода янглиш тасаввур шаклланиб қолди. Ҳолбуки, радикализм наинки дин, балки миллат, маданият ва чегара билмас хатардир.

Ўрта асрларда масиҳийликни ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилган салиб юришлари замирида диний мотив қобигига яширган сиёсий мақсадлар ётар эди. Кейинги даврларда ҳам дунёнинг турли бурчакларида радикал ҳаракатлар томонидан босқинчилик урушлари амалга оширилди. Японияда самурайлар, Камбожада қизил кхмерлар, Ҳиндистонда сикхлар каби тоифа, гурухлар фаолиятида радикализм аломатларини кўриш мумкин.

ЭТА (Испаниядаги миллий айрмачилар ташкилоти), “Қизил бригада” (Италиядаги инқилобий-пролетар гурух), “Тупамарос Ғарбий Берлин” (Германиядаги сиёсий-миллий радикал ташкилот), Ирландия республикачилар армияси, Курдистон ишчи партияси, Хунта (Лотин Америкасидаги миллий-радикал ташкилот) каби тузилмалар ҳам радикализмнинг жуғрофияси биз ўйлагандан кўра кенг эканини кўрсатади.

1995 йили Токио метросида газ воситасида ўюстирилган ҳужум бошида “Аум Синрикё” ибодатхонаси вакили, ҳаракат раҳнамоси, необуддист Шоко Асаҳара турган эди. Террор ҳаракати деб таснифланган бу ҳодиса буддийлик сингари тинчликсевар эътиқод ҳам радикализмдан холи эмаслигини кўрсатади.

Христиан черкови ўтмишда илм-фан равнақига қарши аёвсиз курашгани, бу борада шафқатсиз жазо усууларидан фойдаланган мълум. Ҳозир ҳам насронийликнинг айрим адашган оқимлари давлат ва жамият куриш назарияси, инсон ҳаёти, турмуш тарзи, асрлар давомида шаклланган диний қарашларни тубдан ўзгартиришга қаратилган радикал назарияларни илгари сурмоқда.

Эътиқодий қарашларнинг замонавий трансформацияси сокин кечмайди, албатта. Яхудийлик динида ҳам жиддий мунокашалар юз берётганини кузатиш мумкин. Тавротга мувофиқ ҳаёт кечиришни даъват этувчи яхудийлар билан ислоҳот тарафдорлари ўртасида зиддият мавжуд. Жумладан, ўта ортодоксал тоифага мансуб яхудийлар Тавротдан узоқлашиб бораётган ислоҳотчиларга қарши кескин кураш эълон қилган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Истроилда “неокараизм” радикал оқими вужудга келди. Ушбу ақидапараст оқим “давлатнинг диндан узоқлашиб бораётгани”, “жамиятда динсизлик ортиб бораётгани”ни танқид қиласиди. Ҳаракат асосчиси Шабтай Бен Дов Истроил давлатининг араб ва мусулмон мамлакатлари билан ҳар қандай муносабатларига қарши чиқади. Ушбу радикал гуруҳ вакиллари Фаластин ерлари тарихан яхудийларга тегишли эканини даъво қилиб, Ақсо ва Қуббат ас-Сахро масjidларини араблардан тортиб олиш, уларни яхудийларнинг муқаддас даргоҳига айлантиришга чақиради. Бироқ Истроилдаги мўътадил фикрли раввинлар араблар билан илиқ муносабатларни сақлаб қолиш, бекарорликка

йўл қўймаслик, тинчлик ўрнатиш афзаллигини таъкидлайди.

Ёки ҳиндуийлик динига мансуб сикхлар ўзини Ҳиндистоннинг асл эгалари деб дъаво қиласиди, бошқа диний эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсизлигини яширмайди. Ушбу тоифанинг мутаассибона қарашларини давлат хавфсизлигига таҳдид деб билгани мамлакат бош вазири Индира Ганди 1984 йилда уларга қарши кескин ҷораларни қўйлашга мажбур бўлган эди. Охир-оқибат сүнқасд қурбони бўлган И. Ганди диний бағрикенглик давлат ва жамият барқарорлигининг муҳим кафолати эканини исботлай олди.

Радикал ғоя давлат мағкурасига айланаса, у хатарли кучга дўниб, бутун бошли жамиятни роҳи ростдан адаштириши мумкин. 1930-йилларда Германияда Адольф Ҳитлер бошчилигидаги национал социалистлар партиясининг ҳокимиятга келиши нафақат олмон давлати, бутун инсоният бошига улкан фожиалар солди. Миллатни бирлаштириш, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш каби баландпарвоз шиорлар билан майдонга чиқсан мазкур партия шовинизм, экстремизм, ирқчилик, антисемитизм, аксилендемократизм, ирқий гигиена каби вайронкор мағкураларни илгари сурди. Пировардида жаҳон муҳорабасини бошлаб миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди.

Радикализм, диний фундаментализм, экстремизм каби иллатларга қарши курашда омма норозилигига сабаб бўладиган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш

бирламчи вазифа бўлмоғи лозим. Шунингдек, таълим, маданият, тиббиётни ривожлантириш, диний муассасалар, оммавий аҳборот воситалари ва фуқаро шахсини шакллантиришга ҳисса қўшадиган бошқа институтларнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракати мухим ўрин тутади. Жамиятда радикал ғоялар тарқалишининг олдини олишда куйидаги чора-тадбирларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ушбу хатарга қарши самарали курашиб механизмлари аниқ белгиланадиган, давлат ва жамиятнинг турли бўғинлари фаолияти мувофиқлаштириладиган концепциялар ишлаб чиқиш;
 - мутаассибона ғояларга берилган шахсларнинг янгилик йўлга кириш мотивларини илмий асосда аниқлаша ва унга жавобан оқилона чоралар кўриш;
 - “жаҳолатга қарши маърифат” тамоили асосида диний мавзуларда мулоқот, сұхбатлар доирасини кенгайтириш, соғ диний таълимотга асосланган таълим дастурларини йўлга кўйиш, жамиятда эътиқодий муносабатлар тадрижини мониторинг қилиб бориш;
 - барча босқичлардаги таълим даргоҳларида умуминсоний түйғулар,
 - тарбия, ватанпарварлик, маърифат-парварлик, диний бағрикенгликка оид ўқув дарсларини жорий этиш;
 - эҳтиёжманд оиласаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада яхшилаш; ёшларнинг ўқиши, ишлаши, умуман, муносиб ҳаёт куришида кўмак тизимини тақомиллаштириш.
- Ҳуқуқий, маъмурий ислоҳотларнинг мунтазамлиги, қонун устуворлиги, коррупцияга қарши муросасиз курашиб ҳам жамият аъзоларини радикал ғоялар таъсирдан муҳофаза этиш шартлари сирасига киради.
- Мақола муқаддимасида таъкидлагани миздек, радикализм сарҳад билмас хатарга айланди. Бинобарин, унга қарши кураш Ўзбекистон учун ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 8 май куни мамлакатимиз Буш қомусида Ўзбекистоннинг дунёвий давлат экани мустаҳкам белгилаб қўйилаётгани, жамиятда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишига йўл қўйилмаслигини таъкидлаган эди. Ушбу мағкуравий хатарга қарши курашда нафақат мутасадди идоралар вакиллари, балки зиёлилар, ижод, фикр ва санъат аҳли ҳам жонбозлик кўрсатиши мухимдир.

Тўлқин АЛИМАРДОН



ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

JINOYAT JAZOSIZ QOLGANDA

Муқаддима

Жиноят тушунчаси давлат тузилмаси каби қадими. Табиат қонунларидан ҳуқуқий тартиб-низомга ўтган жамиятда жиноятнинг хилма-хил турлари пайдо бўлган. Хўш, мазкур истилоҳ давлат қонунларини бузишга нисбатан ишлатиладими ёки мавжудлик қонунларини бузишга нисбатан? Дейлик, қотиллик мудҳиш жиноят ҳисобланади, аммо урушда душманни ўлдириш айб эмас. Яъни одамқушлик учун бир ҳолатда жазо тайинланса, бошқасида мукофот берилади.

Масалага фалсафий ёндашсак, дунёда асосан иккى нуқтаи назар кенг тарқалганига амин бўламиз. Биринчисига кўра, оламни Худо яратган ва биз илоҳий қонунларга кўра яшашимиз, яқинларимизни севишимиз ва ожизларга ёрдам беришимиз керак. Иккинчи ёндашувга мувофиқ, бизнинг дунёмиз узоқ давом этган эволюция маҳсуз

лидир. Бинобарин, биз табии танланиш қонуниятига мувофиқ умргузаронлик қилишимиз керак. Бунда энг кучлилар омон қолади, заифлар эса нобуд бўлади. Хўш, қай бир қонуният асосида яшаган маъқул: инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам омон қолмоқ учун курашиши керакми ё яқинлари, дўстёри учун жон фидо этмоғи лозимми?

Бундай баҳс-мунозаралар файласуфлар ва ҳуқуқшунослар ўртасида неча замондан бери давом этиб келаётир. Илгари жиноятчилик сабабларини ижтимоий шарт-шароитлардан излаш керак дейилган бўлса, замонавий нуқтаи назарга кўра, унинг илдизлари инсон генетикасида ётади. Бугунги воқелик жиноий хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши нафақат жамиятдаги норасоликлар, балки инсон ички оламидаги бекарорликларга ҳам боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Инсон рухиятида мудом эзгулик билан ёвузлик ўртасида кураш кечади. Бу зиддият инсон табиатида гохида бунёдкор, гохидага вайронкор хиссиятлар шаклида юзага чиқади. Инчунин, инсон ҳәёти ана шундай туйғулар қоришмасидан иборат. Аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Инсонлар рухияти давлатнинг ижтимоий, маънавий асосларини белгилайди, ўша ўлчамларга ҳамоҳанг сиёсий тузум вужудга келади. Инсон, жамият ва давлат ўртасидағи мураккаб муносабатлар, хусусан, атоқли рус адеби Фёдор Достоевский асарларида терен тадқиқ этилган.

Достоевский асарлари башариятнинг қимматли маънавий меросига айланган. Адабни Зигмунд Фрейд, Эрих Фромм каби олимлардан-да юксакроқ шұхрат чўқисига олиб чиқкан бадиий ғоя ҳам айнан инсон фалсафасининг зиддиятли қирраларига дахлдордир. Ёзувчи чўнг истеъоди илинкишоф этган бадиий, ҳәётий ҳақиқатлар давлат ва инсон ўртасидаги аладдавом ихтилоф, одамзоднинг маънавий-руҳий инқизози, зўравон сиёсат асоратлари, жамиятдан ажralиб қолган, бегоналашган ёлғиз инсон фожиаси, ахлоқ ва ҳуқук тафовутларида намоён бўлади. Муалиф “Жиноят ва жазо”, “Телба”, “Жинлар” каби романларида инсоннинг виждоний танловини таҳлил қилас экан, аччиқ хуласаларга келади.

Достоевский инсон, Арасту таърифлаганидек, сиёсий мавжудот эканини эътироф этгани ҳолда, у қонунларни бузишга мойил ижтимоий маҳлүқот эканига ҳам эътибор қаратади. Адаб талқинидаги инсоннинг кўп

қатламли, кўп қиёфали “мен”и бирон қолипга сифмайди, унинг рухиятидаги исён-корлик ижтимоий фазилатларга эга бўлган бунёдкор шахс “мен”идан кўра мураккаброқ ва жамият учун хатарлидир. Уни келтириб чиқарувчи омиллар қалбнинг ички “ошхона”си ёхуд “жиноий фикрлар лабораторияси” билан чегараланмайди (*Бачинин В. Антропокриминология Достоевского: типы преступников. Журнал социологии и социальной антропологии. Том III. 2000, № 2. Стр. 67 – 81.*).

Ёзувчи қаҳрамонларининг “мен”ида соғи эътиқодга зид даъволар билан бирга мушоҳадага ундовчи ахлоқий, ҳуқукий далилларни кузатиш мумкин. Инсон рухиятининг тушуниксиз, ҳатто парадоксал хусусияти шундаки, у вақти-вақти билан мавжуд ҳукмрон тартибдан норозилик туйиб, ижтимоий меъёрлар, қонунларга “асирлик”, якрангликдан безор бўлгани боис тартиб ўрнида тартибсизлик, яратувчанлик ўрнида бузғунчиликни кўмсай бошлайди.

“Жиноят ва жазо”дан англашиладики, “жиноятчиликда ғайриоддий қобилият”га эга шахсият зулматда қолмоқча маҳкумдир. У эркинликни суиистеъмол қилиб, ҳокимиyat ва умумэътироф этилган қадриятларни инкор этади. Асар қаҳрамони рухиятига соясолган қоронғи харизма уни пировардида дунёда Худо борлигини ҳис қилиш неъматидан ҳам мосуво қиласди.

Роман тафсилотларига кўра, “жиноятчи одам” образи ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан истиқболли бўлиб чиқади. Қаҳрамон тимсолида биз давр даъватларига қарши курашувчи “машина-одам”ни кўрамиз.

Ҳар қандай ахлоқий тўсиқларни осонгина босиб-янчиди ўтадиган совуққон “машина-одам” сиёсий жиноятчининг янги бир авлоди сифатида намоён бўлади. “Жиноят ва жазо” қаҳрамони бундай деб хитоб қиласди: “Қонун бу, Соня! Шундай!.. Мен кимда-ким қудратли, ақл-иродада кучли бўлса, уларнинг устларидан ҳоким бўлишини энди билдим! Ким қанча кўп уддалай билса, улар ичиди ўша ҳақ бўлиб чиқаркан. Ким узокроқ тупурса, ўша уларнинг низоми бўларкан, ким човутини қанча кўп нарсага уришга журъат қиласа, ўша уларнинг ҳаммасидан ҳам ҳақлироқ бўлиб чиқаркан! Шу замоннагача шундай бўлган ва бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолажак!” (*Иброҳим Faфуроев маржимаси.*)

1

Достоевскийча “машина-одам” истилоҳи биринчи навбатда ғарбона ишбилиар-монлик мұхити вакили бўлган қаҳрамонларга нисбатан кўлланади. У ҳисоб-китобли, шафқатсиз, мақсадига эришиш учун ҳар қандай йўлдан боришга шай, ҳатто қабоҳат ва жиноятлардан-да тап тортмайди. Ҳокимиятияга интиладиган кучли механик иродага эга бўлган Родион Раскольников ҳам ўз табиатига мос машинамонанд сиёсий дастурни мақбул деб билади. Унга мувофиқ, тоталитар бошқарув усуулларига асосланган давлат ўз фуқароларини доимо кўркув, таҳликада тутиб туриши, фуқаролар устидан муттасил кузатув олиб бориши, истеъододлар ва ёрқин шахслар мафкуравий босим, полиция террори орқали йўлдан супуриб ташланиши керак эди. Бу дастурни

амалга оширмок учун ахлоқий тутумларни бутунлай йўқ қилиш, тартибни тартибсизликка айлантириш лозим бўлар эди.

Достоевскийнинг мушкул-мураккаб вазият-

да сиёсий саҳнага чиқкан қаҳрамонлари ўз майлларини қондириш йўлида даҳшатли воситаларни ўйлаб топади. Уларнинг ақл-тафаккури наинки ғоялар, балки ҳукмронлик кутқусидан куч олади. “Ғайриоддий” одамлар эзгулик йўлида ҳар қандай жиноятни содир этиши мумкин, деган соғлом ақлга зид даъвони илгари суради улар. Ёдингиздадир, Раскольников ҳам “Мен жамият учун зиён келтираётган бир судхўрни ўлдирдим, давлат эса минглаб одамларни қурбон қилиб юбормоқда. Нега у жиноятчи эмас, нега у жавоб бермайди?” деб ўзини оқламоққа уринади.

Аслида, инсон рухиятини мажруҳ этган, давлатни ўзак моҳиятидан маҳрум қилган инквизиция ҳодисаси “жинлар жамияти”нинг тамал тошини қўйган эди. Дарвоқе, барча “изм”ларнинг айнан Ғарбда вужудга келиши сабабларидан бири ҳам шу бўлса ажаб эмас. Хусусан, фашизм ва большевизм таълимотлари “төлбалар ва жинлар жамияти”ни тартибга солишига уринар экан, инсон қиёфасини йўқотган “хўрланган ва ҳақоратланганлар” учун гўё халоскор ғояларни таклиф этди.



Зиддиятли шахс, улкан истеъдод соҳиби Фёдор Достоевскийнинг ўзи ҳам узоқ муддат тутқунлик ва сургун азобини тотган бўлса-да, ёлғизлик, ёвузлик изтиробларидан кутула олмайди. 1861 – 1863-йиллар “Время” журналида ишлаб юрган даврларида рус дворянларининг маънавий қашшоқлиги, ахлоқий тубанлиги ҳамда ҳалқни шафқатсиз эксплуатация қилишини фош этади. Кейинроқ эса адид Туркистонни забт этиш тарғиботчиларидан бирига айланади. Руслар Европага юриш қиласа, “варварлар” деб аталар экан. Осиёда эса улар маданиятли миллат ўлароқ кутиб олинар эмиш (қаранг: Достоевский Ф. Собрание сочинений в 15 томах. Том 14. СПб, “Наука”, 1995).

Россияда большевизмнинг вужудга келиши қисқа муддатли инқилоб маҳсул эмас эди. Унинг назарий илдизлари империя аҳолиси онги ва қалбida шаклланган шовинистик рухиятга бориб тақалади. Биз бежиз инсон ва у яшаб турган муҳитга урғу бермаётимиз. Файласуф Карл Поппер “очиқ жамият душманлари”ни санаганда, гапни шунчаки Афлотундан бошламайди. Гап шундаки, эркинлик ва мутлақ эркинлик ўртасидаги мувозанат танлови кўпинча иккинчисининг фойдасига ҳал бўлган. Мутлақ эркинликка эга бўлган рухият ахлоқий чегарани унутади. Бу эса жиноятнинг жазосиз майдонини вужудга келтиради.

Большевизм тоталитаризм демақдир. Тоталитаризм – ҳокимият ижтимоий ҳаёт, жамият ва шахс устидан ялпи назорат ўрнатган тузум. У жамият қарашларини расмий мағкурага бўйсундирувчи сиёсий усувлар орқали қарор топади. Гарчи ноин-

соний ва адолат тамойилига терс бўлса-да, большевизм ғоясини байроқ қилган totалитар давлат муайян ҳуқуқий тамойилларга таянган, бу мақом унинг Конституциясида муҳрланган эди.

2

Совет давлати ўта марказлашган ва буйруқбозслик характеристига эга бошқарувни шакллантириди. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалар устидан тўлиқ давлат назорати ўрнатилди. Фикрлар хилма-хиллиги, тафаккур ҳурлиги, муҳолифатчилик қатъиян ман этилди, сиёсий эркинликлар тақиқланди. Миллатларнинг қадимий урф-одат ва қадриятлари чекланди, адолатпарвар зиёлилар қатағонга учради. Ҳукмрон партиянинг ўзбошимчалиги ва зўравонлиги миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди.

Сталин даврида сиёсий зулм ва зуғум энг юқори чўққига чиқди. Бу даврнинг характерли жиҳати шуки, репрессив орган саналган. Давлат хавфсизлиги қўмитаси тизимли равишда барча катта-кичик ташкилотлар устидан ялпи назорат ўрнатди. Шўроча типдаги бу тузилма жамиятда юз минглаб бегуноҳ қишиларни ноҳақ жазога мустаҳқ этди. Чинакам қўрқув салтанати бунёд этилди.

1940-йиллар охири – 1950-йиллар бошларида Бутуниттифоқ Коммунистик партияси Марказий қўмитаси директиваларини амалда татбиқ этиш жараённида даставвал илм-фан, адабиёт ва ишлаб чиқариш соҳалидаги етакчилар, зиёлиларни ижтимоий қатлам сифатида маҳв этишга қаратилган

маҳфий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Жумладан, 1947 йил июнь ойида Ички ишлар халқ комиссарлигининг (НКВД) 44 банддан иборат (003) 47-сонли йўриқномаси (“Жоссунома” дастури – Т. А.) қабул қилинади. Ўта маҳфий ҳужжатда Совет давлати тасаруфидаги мустамлака республикаларни тобелиқда тутиб туришнинг ўзига хос усуслари белгилаб берилган эди. Йўриқнома, жумладан, қўйидаги кўрсатмаларни ўз ичига олади:

– Ташкилотчилик қобилиятига эга ва ҳалқ орасида машҳур бўлган қишиларга алоҳида эътибор бериш керак. Бундай қишиларни оғдириб олишга уриниш зарур, мабодо таклиф рад этилар экан, уларнинг юқори лавозимлар томон йўлини тўсив қўйиш лозим бўлади.

– Шундай бир вазият яратиш керакки, давлат хизматчиларининг (маҳсус хизмат ва ҳарбий саноатдан ташқари) даромадлари жуда кам миқдорни ташкил этсин. Бу, аввало, соғлиқни сақлаш, суд ва таълимга, қолаверса, барча раҳбар ходимларга таалуқлидир.

– Бошқармалар ва корхоналардаги идоравий лавозимларга (жойлардаги ҳукумат органлари билан келишувсиз) маҳсус хизмат билан ҳамкорликда бўлган қишиларни тайинлаш зарур.

– Шундай қилиш керакки, ҳар қандай масала билан бир вақтнинг ўзида бир қанчча қўмита, муассаса ва ташкилотлар шуғуллансан, аммо уларнинг бирортаси уни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлмасин. Раҳбарларнинг фаолияти фақат топшириқларни баражиш билан чегараланиши керак.

– Касаба ташкилотлари зинҳор корхона раҳбариятига қарши чиқа оладиган ҳуқуқларга эга бўлмаслиги керак. Уларни бошқа ишлар билан, масалан, дам олиш ва таътиллар уюштириш, пенсия, кредит аризаларини ҳал қилиш, саёҳатлар, маданий ва кўнгилочар тадбирлар ўtkазиш, камёб молларни тақсимлаш сингари юмушлар билан банд қилиб қўйиш керак. Улар сиёсий раҳбарият қарорларини ёқлашлари ва тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

– Партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлётган туб ер кишиларини шундай вазиятга солиш керакки, ўз қўллари остидагилар кўз ўнгидиа уларнинг обрўси тўкилиб, аввали давраларига қайтишга имкони қолмасин.

– Барча илмий текшириш институтлари ва лабораторияларини доимий кузатиб бориш зарур.

– Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиқкан раҳбарларга миллий тус берилишига йўл қўйилади, аммо бу ҳол миллатнинг ўсиши, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак.

– Хусусий корчалонлар ва хунармандларни шундай дастгоҳ ҳамда хомашё билан таъминлаш керакки, сифатли маҳсулот тайёрлашнинг имкони бўлмасин. Уларнинг маҳсулотлари нархи давлатникидан қиммат бўлиши керак.

– Бошланғич ва ўрта мактабларда, энг асосийси, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиланадиган

кишиларни қўйиш керак. Фанлар орасидағи фарқ йўқотиб юборилиши, лотин ва эски юонон тиллари, умумий фалсафа, мантиқ ва генетика фанлари ўтилиши тўхтатилмоғи шарт. Тарих дарсларида ўтмишдаги сиёсатдонлар ватан равнақига хизмат қилгани ёки хизмат қилишга урингани ҳақида гапириш мумкин эмас. Эътиборни факат подшоҳлар зулми ва уларга қарши халқ курашига бурмоқ лозим.

– Сиёсий раҳбарликка муқаддам қамалган шахсларни қўйиш ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Маҳаллий аҳоли ихлос қўйган ғанимларимизни оғдириб олмоқ ёки таъзирини бермоқ зарур. Уларни қонунбузарлиқда айблаб қамаш ёки “баҳтсиз ҳодиса” атальмиш баҳонаи сабаб илиа йўқ қилиб юбормоқ керак.

– Сиёсий айблов билан қамалган фуқароларни оқлашдан мумкин қадар қочиш керак. Мабодо, оқлаш лозим бўлиб қолса, у ҳолда янги суд жараёнисиз (судья, айбор, қораловчи ва маълумот берувчини чақирмай) суднинг хатосини тузатиш сифатида иш кўриш мумкин.

– Партия томонидан тайинланадиган раҳбарлар ишимизга зиён келтирса ҳам, ўзига бўйсунадиган кишилар ўртасида норозилик уйғотса ҳам барибир судланмаслиги даркор. Ўта қўпол хатоларга йўл қўйишса, уларни лавозимидан бўшатиб, бошқа бир шундай мансабга ёки ундан-да баландорига қўйиш лозим бўлади. Бунинг имкони бўлмаган вазиятда уларни бирон бир раҳбарлик лавозимига мўлжаллаб, захирадаги кадрлар рўйхатига киритиб қўйиш керак.

– Иш жойларида пешқадам мутахассислар бўшатилиши ҳамда улар ўrniga чаласавод, муроҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ керак.

– Олий ўкув юртларига шундай кишиларни қабул қилиш керакки, уларни халқнинг оми қатламидан бўлсин, уларни мутахассислик бўйича чуқур билим эмас, балки факат диплом қизиқтирсинг (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2000. 510-бет).

Совет давлати шу тариқа жамиятнинг мафкуравий-маданий, ижтимоий-иктисодий жабҳаларини “темир мушт” сиёсати асосида мувофиқлаштириш ва янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Инсонларни кодификация қилгани, қулликнинг индустриал босқичини бошлаб бергани қизил имконига эга бўлмайди.

Сиёсат воситасида уюштириладиган жаҳолатни давлат содир этадиган жиноят деб аташ мумкин. Шу маънода Раскольниковнинг айрим муроҳазалари муайян мантиқа эга. Достоевский қаҳрамони бўйсунмас одамнинг ахлоқий қонунларга қарши жиноят содир этиш ҳуқуқини ёқлайди. Тоталитар тузум ҳам инсон қиёфасидан маҳрум бўлган хасталар жамиятини вужудга келтиради. Бундай муҳит мудҳиш жиноятларга доялик қиласи.

Маъмурий-буйруқбозлик усули замирида тараққиёт ёхуд фаровонликка интилиш эмас, балки жамиятни ялпи парокандалик ҳолатини вужудга келтириш орқали идо-

ра этиш мақсади ётади. Бунда вазифалар улуғ, амаллар эса мавхум келади. Ана шу мақсадлар ижросига камарбаста бошқарув тизими ҳам шакллантирилади. Парламент, суд ҳокимияти ва бошқа турли институтлар, маҳаллий ижро органлари ягона партия (шахс) иродасига бўйсундирилади. Бошқарув идоралари умумий ёки мавсумий юмушларга жалб этилиб, асосий вазифалардан чалғитилади. Аҳоли турли оммавий юмушларга ёхуд қишлоқ ҳўжалиги ишларига сафарбар этилади. Йўриқномада уқтирилганидек, шундай муҳит яратиладики, биронта вазирлик самарадорликка эришиш имконига эга бўлмайди.

Инсоннинг мадорини қуритадиган, руҳиятини чарчатадиган усууллардан яна бири бу – сурункали ва давомли мажлислар ўтказиш амалиёти. Мажлисларда гўё таҳлилий хулосалар чиқарилади. Аслида эса, улардан кўзланган мақсад утопик ғояларни (коммунизм қуриш) сингдириш, раҳбарларни манқуртларга айлантириш эди.

Иктисодиёт, молия, солиқ, саноат ва ҳужалик юритишиш ишларининг илмий тамойиллардан узиб қўйилиши ҳам онгли равишида амалга оширилган усууллар сирасига киради. Бюджет танқислиги, йўқчилик, инфляция каби қатор муаммоларнинг вужудга келиши йўриқномада кўрсатилган талабларга мос келади. Бу ҳол коррупция тегирмонига сув қуяди. Оқибатда аксар раҳбарлар муттаҳамга айланади ва уларнинг ҳар бири устидан жиноий иш очиш мумкин бўлиб қолади. Инсон бўлса бас, айбу нуқсон топилади, жазо ҳам тайёр! Асосий даромадлар эса юқори қатлам орасида тақсимланади.

Қўйи бўғиндаги ижро чилар режаларни баҳара олмаётганидан ўзини мудом айбордирхис қилиб юради. Жамиятда оддий тадбиркорларнинг даромадлари солиқлар асосида чеклаб қўйилади. Қарабизи, барча қатлам назоратда ва тобеликда!

Тоталитар тузумда ҳатто қонунлар ҳам мустабид мафкура ва яккаўл иктиносидий тартиботни ҳимоя этишга хизмат қиласи. Қонунлар мавхум, мубҳам бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Муайян қонунлар оммага тушунарли бўлиб қолса, у дарҳол ўзгартириллади. Боз устига, қонунларни амалга татбиқ этиш механизми ишлаб чиқилмайди. Бор-йўғи фалон қонунлар қабул қилингани овоза этилади, холос. Яна бир салбий жиҳат шуки, қонунлар орқали инсон манфаатлари давлат манфаатларига қурбон қилинади. Инсон шаъни, қадр-қиммати, эътиқод-иродаси, эркинлик орзузи давлат қонунлари қолипига киритилади. Бу қолипдан чиқкан шахс жиноятчига айланади.

Масъул лавозимларга муносиб кадр танлаш ва тайинлаш давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Аммо НҚВД йўриқномасида қайд этилганидек, шўро даврида кўпинча топширикларни оғишмай ижро этадиган, аммо таҳлил, тафаккур лаёқатидан маҳрум шахсларга лавозим пиллапояларидан кўтарилишга имкон берилган. Зотан, бу тоифа раҳбарлар тузумга садоқат билан хизмат қилган, унинг барқарорлиги, пойдорлигига ҳисса қўшган. Мустақил фикрли кадрлар эса сиқиб чиқарилган.

Бошқа мустабид режимлар каби совет давлати ҳам “қулоқлар” технологиясидан

кенг фойдаланган. Аксар ишлаб чиқариш муассасаларида айғоқчилек штати жорий этилган. Уларнинг вазифаси “номақбул” одамлар устидан доимий назорат ўрнатишдан иборат эди.

Тоталитар тузум илм-фан ва таълим соҳасини ҳам ўз йўриғига солишга уринган. Шу сабабдан, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида катта эътибор қозонган, одамларни ўз ортидан эргаштириш салоҳиятига эга ўқитувчилар турли сабаблар билан, кўпинча “сопини ўзидан чиқариб” ишдан четлаштирилган. Совет давлати ижтимоий-гуманитар фанларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Зоро, бу фанлар фикр эркинлиги, ижодкорлик қобилиятини ўстиришда муҳим ўрин тутади. Махфий йўриқномадаги олий ўқув юртларига чуқур билим эгаларини эмас, балки қуруқ диплом ихлосмандарини қабул қилиш ҳақидаги кўрсатма ҳам мустабид тузум жуда узоқни кўзлаганидан далолат беради. Чунки билимдон, мустақил фикрли одамларнинг кўпайиши сардору саркорларнинг бошқарув фаолиятига халал бериши мумкин эди. Университетни амал-тақал битирган талабалар эса пароканда ва аламзода жамиятга сингиб, йўқ бўлиб кетар эди.

НКВД ишлаб чиқкан махфий хужжат шўро давлати бошқарувида дастуруламал вазифасини ўтаган десак муболаға қилмаган бўламиз. Айни шу йўриқнома асосида Коммунистик партияning сиёсати шакллантирилган, ҳаётта татбиқ этилган. “Инсонпарварлик”, “халқлар дўystligi” каби жозибадор ғоялар билан ниқобланган қи-

зил мафкура, аслида, улкан мамлакатни инсониятга қарши кўз кўриб қулоқ эшитмаган нобакорликлар содир этилган жазо колониясига айлантирган эди. Таассуфки, мудҳиш жиноятларнинг аксари ҳуқуқ доирасида, қонун шамсияси остида амалга оширилган эди.

Хунос

Ҳокимиятнинг ахлоқ сарҳадларини бузиши ва зулмга берилиши давлатни таназзулга олиб келади. Боз устига, зўравонлик сиёсати узоқ мuddат давом этса, бу ҳол бутун халқлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг миллий ғурури ва ватанпарварлик фазилатларига заха етади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Совет давлати ҳам интиҳога юз тутди. Хўш, миллий республикалар шу билан қизил мафкуранинг ғайриинсоний меросидан буткул фориғ бўлдими? Мустабид тузум инсон, жамият ва давлат муносабатларида, маънавий жабҳада қандай асоратлар қолдириди?

Жамиятда тоталитар сиёсат турли ижтимоий шарт-шароитларга кўра қарор топади. Бундай жамият шаклланиши инсон тафаккури билан боғлиқ ҳодиса экан, уни ўтмишга айланди, деб бўлмайди. Боз устига, жамиятда раскольниковлар ҳам мудом мавжуд. Ҳар доим зўравонлик қилишга “қодир ва ҳақли” одамлар чиқади. Шунга кўра айтиш мумкинки, тоталитар тафаккурнинг миллий қиёфаси йўқ, у инсониятга хос хусусиятдир. Бугун ҳам дунёнинг баъзи мамлакатларида миллионлаб одамлар ўз эрки ва тақдирини ихтиёрий равишда мавхум ғоялар ёхуд ғайриинсоний мафкуралар ил-

кига топшириб қўяётгани мазкур хulosани тасдиқлади.

Дарвоқе, дунё бўйлаб томир отган бозор иқтисодиёти ва либерализм руҳий қулликнинг истеъмолчилик деб аталган янги кўринишини пайдо этди. Айни вақтда анашу эҳтиёж ва майлларни қондирувчи давлат машинаси мукаммалаштирилмоқда. Эндилиқда инсонни тобелик ва мутеликка олиб келаётган омил оғир ижтимоий турмуш эмас, балки истеъмолчилик психологиясидир. Модомики, жамият тараққиёти истеъмолчиликнинг ўсишига боғлиқ бўлса, бу давлатнинг асосий тамоилига айланиб, охир-оқибат унинг йўқ бўлишига олиб келиши тайин.

Одамзод яхшилик ва ёмонлик, нафосат ва залопатни қориштириб юборган, сохта қадриятлар асириягига яшаётган бир даврда Фёдор Достоевскийнинг инсон ҳақидаги фалсафий қарашлари янада муҳим аҳамият касб этаётир. Ёзувчи романларида қаламга олганидек, аксар жамиятларда содир бўлаётган зулм ва зўра-

вонлик, тенгсизлик ва умидсизлик сабабли одамларнинг қизил чизиқлардан ҳатлаш эҳтимоли ортмоқда.

Оғир шароит ёки ноинсоний муҳитни қотилликка оқлов сифатида кўрсатувчилар ҳам бор. Аммо жиноятни бирор назария билан хаспўшлаб бўлмайди. Шу маънода, Раскольниковнинг қонунсизликка изн бериш, “эзгу мақсадлар йўлида жиноят содир этиш” назарияси ўта хавфли, ҳалокатлидир.

Достоевский шахслар, ҳатто энг аъло одамлар бўлса ҳам, зулм-зўравонлик қилишга ҳақли эмаслигини бутун дунёга англатди. Бугун ҳам инсоннинг маънавий олами, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, умуман, жамият олдидаги жавобгарлиги муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Зотан ўзгарувчан, бекарор дунёда ҳар бир инсон ўзи ва бутун инсоният келажаги учун масъулдир. Бу жиҳатдан, даҳо адабнинг “Инсон руҳиятида фақат бунёдкорлик қурдатигина мавжуд эмас” деган хуносаси бизни ҳамиша, ҳар доим огоҳликка undайди.





Ҳар бир халқнинг тарихи, тили, анъаналари ва қадриятлари бўлгани сингари унинг ўзига хос фалсафаси ҳам мавжуддир. Бир-буни билан узвий ва чамбарчас боғлик экани боис уларни айро ҳолда масаввур этиб бўлмайди. Фалсафа гарчи универсал қонун ва категорияларни ўрганувчи умуминсоний фан ҳисобланса-да, башарият ҳаётига хос муаммолар билан бирга музайян халқ турмуши ва тараққиётига доир қонунлар, мақсад-муддаоларни ҳам тадқик этади. Буни миллий фалсафамиз тадрижи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кучли давлат омили

Фалсафий фикр ва тафаккур бобида бой анъаналарга эга эканига қарамай, бир неча ўйнилниклар мобайнида халқимизнинг илмий меросига таъна-маломат тошлири отилди. Собиқ Иттифоқ даврида барча соҳалар каби миллий фалсафамиз ҳам сиёсий тамойилларга, аникроғи, “катта оғалар”

қолипларига мослаштирилди. Оқибат шу бўлдики, миллий фалсафамиз ривожланиш ўрнига хукмрон мафкура қобиқлари доирасида “ўтгай бола” сингари маъюс қиёфада кун кўрмоққа мажбур бўлди.

Собиқ тузум даврида фалсафага доир илмий изланиш ва тадқиқотлар гўё бир маҳомда олиб борилгандек тувлса ҳам, аслида, “социалистик турмуш тарзи”, “атеистик дунёкарашни шакллантириш” каби мавзулар сунъий равишда долзарблаштирилиб, жилд-жилд номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бу сира тадқиқотлардан ўзбек фалсафаси жилла наф кўрмади, билъакс, унинг обрў-эътибори тушди, тадқиқотлар самарадорлориги ошиши ўрнига диссертациябозлик авж олди, илмий дарожа ва унвонларни тезроқ қўлга киритиш асосий мақсадга айланди. Аждодларимиздан қолган диний меросни пухта ўрганишга эса мустамлакачилик йилларида авжига чиқкан таъкибу тазииклар йўл бермади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида совет тузумининг интиҳо топиши ўзбек фалсафасининг қайта уйғониши учун ибтидо бўлиб хизмат қилди. Буни теран англаган биринчи президент Ислом Каримов файласуфларимиз олдига “замон ва макон билан боғлик мураккаб фан”ни янги давр талабларига мос равишда ривожлантириш вазифасини қўйди: “Фалсафа – барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар, ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хulosалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлмоқ даркор” (Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2006. 117-бет).

Жаҳон фалсафаси тарихига назар ташланса, ўз миллий фалсафаси ва тараққиёт моделини яратган халқлар унчалик кўп эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Юонон фалсафаси, рим фалсафаси, хинд фалсафаси, хитой фалсафаси, инглиз фалсафаси, француз фалсафаси, олмон фалсафаси, рус фалсафаси... бу мактабларнинг ҳар бири борлиқ, ҳаёт ва воқеликка айрича ёндашуви билан ажralиб туради. Айни чоқда, уларнинг ҳар бирида халқига хос бўлган менталитет ва маънавият, дунёқараш ва тафаккур тарзи ҳам акс этган. Айтайлик, дунёвий фанлар ҳали “йўргак”да бўлган бир вақтда шаклланган қадимги юонон, хинд, хитой фалсафий мактабларига хос бўлган умумийлик олам ва борлиқ биносининг асосларини аниқлаш, унинг мавжудлиги ва ривожланиш қонуниятларини фаҳмлашдан

иборат бўлган эса, француз фалсафаси бу ёруғ дунёда эркин яшашдан ўзга муқаддас қадрият йўқлиги, бунга эришмоқ учун маърифат аҳкомлари илиа қуролланган ҳолда, жанговарроқ турмуш кечириш усулини тарғиб қилган. Олмонлар эса, ақсинча, “ақлга мувофиқ нарсаларнинг ҳаммаси воқеий, воқеий нарсаларнинг ҳаммаси ақлга мувофиқ” (Хегель) экани ҳақидаги шиорни баланд кўтарган ҳолда муросасозлик йўлидан бориши тарафдори бўлган.

Фалсафанинг асосий мазмун-моҳияти ҳаёт маъносини англашдан иборат экани бугун барчага кундек равшан. Совет даврида фақат фойда кетидан қувишнигина тарғиб этади деган даъво билан pragmatizm фалсафий мактаблари қаттиқ танқидга учраган эди. Ҳолбуки, “ўзини оқлайдиган иш билан шуғулланиш” (Уильям Жеймс) деган ахлоқий императив асос устига қурилган ушбу фалсафа ўз даврида Farb давлатларини ижтимоий тараққиётга ундалган эди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари устунлик касб этаётган бугунги кунда ўзбек фалсафасида ҳам ана шундай прагматик қарашлар зарурлиги эътироф этилмоқда.

Миллий давлатчиликнинг юксалиши кўп ҳолларда фалсафий қарашлар, таълимотлар тараққиёти билан узвий боғлик кечган. Зотан, кучли давлатчилик мудом кучли фалсафага эҳтиёж сезган. Қадимги Афина ва Рим, Амир Темур салтанати, умуман, инсоният тарихида ўтган кўплаб давлатлар гуллаб-яшнаган даврда фалсафа фани риво-



жига алоҳида эътибор қаратилгани маълум. Ҳусусан, Амир Темур давлати довруғининг етти иқлимга ёйилишида Соҳибқироннинг ҳарбий куч-кудратидан ташқари ўз атрофиға оқилу фозилларни тўплагани, салтанат ишига доир машваратларда уларнинг фикрларини пухта ўрганиб, файласуфона қарорга келгани ҳам муҳим роль йўнаган. “Темур тузуклари”да қайд этилган “...тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг якунланиши тақдир пардаси ортида яширган бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгаш тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир”, деган фикр Соҳибқирон донишманд ҳам бўлганидан далолат беради (*Темур тузуклари. Тошкент, 1991. 15-бет*).

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ўтмишда Самарқанд фалсафа мактаби, Бухоро фалсафа мактаби, Мовароуннаҳр фалсафа мактаби, Туркистон фалсафа мактаби кабилар ҳам машҳур бўлган. Мазкур мактаблар турлича аталса-да, ўзбек ҳалқининг фалсафий тафаккур тараққиётига тегишли бўлган умумий жиҳатларни ўзида мужассам этгандир. Бу эса донишманд ҳалқимиз фалсафаси тарихимиз каби қадим, маънавиятимиз сингари теран демоққа асос бўлади. Истиқполга эришганимиздан сўнг бой фалсафий меросимиз “Ўзбек фалсафаси” деган ном билан янгича маъно-мазмун касб этиб, ривожланиш босқичига қадам кўйди.

Қай моделни танлаган маъқул?

Ўзбекистон мустақил бўлгач, Иккинчи жаҳон урушидан кейин қисқа давр ичida мислсиз муваффақиятлар келтирган “япон модели”, “олмон модели”, “корейс модели”, “турк модели” каби ҳорижий тараққиёт усулларидан бирортасини андаза сифатида танлаши мумкин эди. Аммо, назаримида,

ҳорижий моделларни Ўзбекистонга айнан кўчириш фалсафий мантиқа мос келмас эди. Чунки ҳар бир ҳалқнинг давлатчилик анъаналари, асрлар мобайнида шаклланган маънавий-руҳий қадриятлари мавжуд. Миллий тараққиёт йўлуни танлашда уларни эътибордан соқит қилиш ва ҳориж моделини кўр-кўрона қўллаш кутилган натижа бермас эди. Шу сабаб “ўзбек модели” деб аталган янги концепция ишлаб чиқилди. Мазкур концепция шунчаки тараққиёт йўли эмас, балки, таъбир жоиз кўрилса, ўзбек фалсафасининг мазмунан ўзига хос янги таълимоти бўлди.

Тараққиёт бобида мустақил йўл танлаш ҳар бир ҳалқ учун жаҳоншумул воқеа саналади. Янги даврда ўтмишга хос кўплаб тамоиллар ўз аҳамиятини йўқотади, узоқ муддат қадрият ҳисобланган моҳиятдан воз кечилади. Бусис изложи йўқ. Чунки янги давр барча соҳаларда туб ислоҳотларни тақозо қиласди. Орзудаги жамиятни барпо этиш эса ҳамма вақт ҳам осон кечмайди. Эскилик билан янгилик ўртасида муросасиз кураш юз беради. Янгилик тарафдорлари ўз мақсадларига эришмоқ учун оммани эзгу ғоялар атрофида бирлаштиришга интилса, эски “гвардия” жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни тан олмаслик, анъанавий турмуш тарзидан воз кечмаслик йўлуни тутади. Дарвоқе, ўта хатарли бўлган учинчи – бефарқ ва лоқайд тоифа ҳам пайдо бўлади. Ана шундай масъулиятли дамда миллий тараққиёт фалсафасини ишлаб чиқиш ва уни кенг омма онгига сингдириш фавқулодда катта аҳамият касб этади.

Мужодала эмас, муроса

Бугун ўзбек фалсафасининг сарчашмалари – ҳалқимизнинг бой илмий мероси, аждодларимиз тафаккур зиёси ила яратил-

ган дурдона асарларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар жаҳон фани ва маданияти ривожига шу қадар катта таъсир кўрсаттанки, буни машҳур инглиз олимаси Ҳилда Ҳукъемнинг “Амир Темур тарбия топган заминда X – XI асрларда ёқ фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, география, назм ва тарихнавислик борасида жаҳоншумул асарлар яратилган. Бу бекиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа Ўйғониш даврига турткি берди ва Европа илм-фани камол топишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди”, деган эътирофи ҳам тасдиқлайди.

Бироқ шунга қарамай, мозийнинг турли даврларида яшаган аллома боболаримизнинг дунёвий ва диний илм соҳаларидағи мероси бор бўй-басти билан, тугал ўрганилган дея олмаймиз. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистонда ҳозирга қадар ўрганилмаган нодир қўлёзмалар 80 мингдан зиёдни ташкил этади. Уларни дақиқлик билан тадқиқ қилиш ва ҳалқимизга тақдим этиш наинки манбашунослик ёки шарқшунослик, балки ўзбек фалсафасининг ҳам кечикириб бўлмас вазифаларидандир. Зеро, қарийб уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган ҳалқимиз дунёқарашининг шаклланиши ва такомиллашув босқичларини ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганиш миллатнинг ўзлигини англашида муҳим ўрин тутади.

Гарчи инсоният тарихи бир-биридан фарқ қиласидиган турли-туман даврлардан иборат бўлса-да, асл мазмун-моҳиятига кўра у бирбутун умумий қадриятдир. Шундай экан, ҳалқимиз яратган бебаҳо мерос “европацентризм”, “осиёцентризм” сингари маҳдудлик ёки этник тарафкашлик даъволари асосида эмас, балки одамзод тафак-

курининг умрбоқий маҳсулни ва таркибий қисми сифатида холисона ўрганилиши кепрак. Бизнингча, ушбу муносабатларда Ғарб ҳам, Шарқ ҳам мутлақ етакчилик даъвосини қиласлиги, бунда ҳар икки цивилизациянинг бир-бирига катта таъсири бўлганини таъкидламоқ лозим. Зеро, Шарқ олимлари юон фани ва фалсафасидан қанча баҳраманд бўлган эса, минг йил жаҳолат зулматига ботган Ғарб фани Шарқда кўтарилган илм-фан қуёши нурлари таъсирида кўз очиб ўйонди. Ҳатто Шарқ фани ва фалсафасига беписандроқ муносабатда бўлган буюк олмон файласуфи Георг Ҳегель ҳам “Нур – Шарқданdir” дегани Машриқзамин салоҳиятинг жаҳоний эътирофига ишорадир.

Ортга суриб бўлмас вазифалар

Миллий фалсафамиз тадрижи хусусида сўз борар экан, соҳа вакиллари олдида турган вазифаларга ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Ўзбек фалсафасининг туб илдизлари, назарий-методологик манбалари, ривожланиш хусусиятлари батафсил баён қилинган фундаментал тадқиқотлар, ўқув адабиётлари етарли эмас. Бинобарин, бунинг учун салоҳиятли интеллектуал кучларни саралаб, ушбу вазифалар ижорасига сафарбар этмоқ лозим. Қолаверса, мамлакатимиздаги барча олий таълим даргоҳларида ўзбек фалсафаси кафедралари фаолиятини йўлга қўйиш ва шу бўйича дарсликлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Буюк Британияда инглиз фалсафаси билан бирга Бэкон фалсафаси, Юм фалсафаси, Германияда олмон фалсафаси билан бирга Кант фалсафаси, Ҳегель фалсафаси каби маҳсус курслар ўқитилади. Француздар, испанларда, юон ва итальянларда ҳам шундай. Ҳар бир миллат ўз

фалсафасини биринчи навбатда ўзи чуқур билиши, ҳурмат қилиши, дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириши лозим, сўнгра эса бошқаларга ҳам тарғиб-ташвиқ этгани маъқул. Форобий фалсафаси, Хоразмий фалсафаси, Фарғоний фалсафаси, Беруний фалсафаси, Ибн Сино фалсафаси, Улуғбек фалсафаси сингари маҳсус курсларни йўлга кўйишга эҳтиёж ҳам, имконият ҳам бор.

Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда ана шу эҳтиёж ва заруриятни инобатга олмоқ лозим. Ижтимоий-гуманитар фанларни қисқартириш, фалсафа фанини ўқитишга нисбатан беписандлик тайёрланаётган кадрларнинг мағкуравий иммунитети сустлашуви сингари салбий иллатларни келтириб чиқаради. Бу ҳол мутасадди ташкилотларни жиддий ташвишга солмоғи даркор.

Юқоридаги мулоҳазалар миллий фалсафамизни янада юксак босқичга кўтариш ҳақида тинмай қайғуриш кераклигини эслатади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, мазкур ишни миллий манбаатлар қобигида амалга ошириб бўлмайди. Жаҳон фалсафасини чуқур ўрганиш, сайёрамизнинг ўзга худудларида умргузаронлик қилган файласуфлар таълимотлари билан яқиндан танишиш, уларни қиёсий таҳлил қилиш, замонавий фалсафий қарашлар ривожига хос бўлган умумий ва жузъий тенденциялардан оқилона хуласа чиқариш, дунё алломалирининг мумтоз асарларини она тилимизга таржима қилиш кабилар бугунги куннинг долзарб юмушларидир. Афсуски, миллий фалсафамида “мураккаб, тиш ўтмайди” деган баҳона билан жаҳон фалсафасининг Афлотун, Арасту, Беркли, Кант, Ҳегель каби мумтоз вакиллари қарашларини ўрганиш,

гносеология ва онтология, фан ва фалсафа тарихи, фанларнинг фалсафий масалалари сингари жиддий мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш ўрнига ижтимоий-тарихий воқеелигимиздаги сийқаси чиқсан енгил-елпи мавзулардан “фалсафа излаш” анъанаси тобора илдиз отаётир.

Фикримизча, бугунги кунда жаҳон фалсафаси олдида ҳозирги дунёнинг илмий-фалсафий манзарасини, ғоялар ва ёндашувларнинг замонавий тараққиётга таъсирини теранроқ тасаввур этишдек залварли вазифа турганини ҳам ёдда тутмоқ даркор. Сираси, бу масала ўзбек миллий фалсафасига ҳам бегона эмас.

XX аср дунёда буюк ўзгаришлар ва кашфиётлар аспи бўлиши билан бирга, мағкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ тус олгани или тарих саҳифаларидан жой эгаллади. Файласуфларимиз XXI аср бундан-да мураккаб кечишини эсдан чиқармаслиги лозим. Негаки, инсон қалби ва онги учун кураш авж олган ҳозирги даврда бир ҳудуд ё мамлакатда пайдо бўлаётган ғоя, мағкуралар қисқа муддатда бутун ер юзига ёйилмоқда. Халқаро терроризм, оммавий маданият, нигилизм, космополитизм, тажовузкор миллатчилик, шовинизм, экстремизм каби мағкуралар дунёдаги тинчлик ва барқарорликка раЖна солаётир, қабиҳ кучлар ғаразли мақсадлари йўлида ана шундай вайронкор мағкуралардан ғоявий курол сифатида фойдаланаётир. Бундай шароитда геостратегик мақсадлар ва давлатларнинг мағкуравий сиёсатини ўрганиш мухим аҳамиятга эга.

Дунёнинг мағкуравий манзараси тез ўзгараётгани, ахборот алмашинуви жараёнининг глобал тусга киргани, универсал технологияларнинг жаҳон ҳалқлари ҳаёти

ва турмушидан кенг ўрин эгаллаётгани ҳар томонлама чуқур таҳлилни талаб этаётир. Айниқса, ахборот майдонида кун сайн авж олаётган хуружлар алоҳида ёндашувни тақозо қиласди. Хоҳлаймизми-йўқми, барчамиз ахборот оқими таъсири остида дунёга ўзгалар кўзи билан ҳам боқаётганимизни инкор этиб бўлмайди. Бас, шундай экан, инсоннинг ўзлигини йўқотмаслик чораларини кўриш асосан фалсафа фани вазифаси эканини чуқур англамоқ шарт ва зарур.


Бугунги бекарор даврда миллий ўзликни сақлаш, ҳалқимизнинг азалий қадриятларини асрар-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказиш; ахборот уммонида ғарқ бўлиб кетмаслик учун кишиларда, айниқса, ёш авлод вакилларида оқни қорадан, чинни ёлғондан, ростни бўхтондан ажратা олиш кўнижмасини шакллантириш ниҳоятда дол зарб. Боз устига, дунёнинг ахборотлашуви унинг технократлашуви билан ҳам мувозий тарзда юз бермоқда. Бунинг оқибатида эса, баъзи мутахассисларнинг фикрича, замонавий одам технократ роботга айланеётир. У кўпроқ виртуал дунёда яшашни маъқул кўрмокда, аста-секин реал дунё кишиларидан узоқлашиб, жамиятдан бегоналашиб бормоқда. У учун қаерда яхши яшаса – ўша ер ватан. Бизнингча, бундай ёндашувни оқлаб бўлмайди. Бинобарин, миллий фалсафамиз соғлом фикрли, хушёр ва огоҳ инсонларни тарбиялашга ҳисса қўшмаса, зиммасидаги тарихий вазифани бажаролмайди.

Миллий фалсафамиз шиддаткор даврдан орқада қолаётгани, баъзи олимларнинг замон билан ҳамнафас бўлолмаётгани, давлат ва жамият талабларига жавоб беролмаётганини ҳам тан олиш керак. Фалсафа бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда муқобиллик асосидаги рақобат

муҳити ҳали-ҳануз яратилмаган, муаллифлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш тизими ҳам мукаммал эмас. Бу борада аҳвол ижобий томонга ўзгармаса, фалсафа асл моҳияти ва қиёфасини, фан сифатидаги қадри ва аҳамиятини, ҳаёт ва таълимдаги ўрнини йўқотиб кўйиши мумкин. Шундай экан, бу борада зудлик билан туб ўзгаришларни амалга ошириш, илмий парадигмаларни янгилаш, мутахассисларнинг фан ва жамиятдаги қадри, ўрнини муносиб баҳолаш лозим.

Бугунги воқелик фалсафий адабиётларнинг ҳалқчиллигини таъминлаш, дарслик ва қўлланмаларнинг тили, ифода усулларини миллий руҳимизга яқинлаштиришни ҳам талаб этаётир. Фалсафа мавзуларини қандай ёритиш, қай тариқа асослаш ва тушунтириб бериши ўрганмоқчи бўлсак, жаҳонда илғор намуналар бор. Энг мураккаб, серқирра фалсафий категория ва тушунчаларнинг таъриф ва изоҳларини ҳам сода, равон тилда, маҳорат билан ифода этиш тажрибаси мавжуд. Демак, ўзбек фалсафасининг эволюцияси ва динамикаси, умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама кенг ва чуқур ифодаланган асарлар яратиш, уларда замонавий фалсафанинг тушунча ва тамойилларини яхлит тизимга келтириш, ривожланиш йўллари ва имкониятларини атрофлича кўрсатиб бериш замондош файласуфларимиз олдида турган вазифалар сирасига киради.

Модомики шундай экан, илдизлари минг ийилликлар қатъридан куч оладиган миллий фалсафамизни янги босқичга кўтариш, уни замонавийлаштириш, қолаверса, Учинчи Ренессанс пойdevорини яратиш файласуфларимиз зиммасига катта масъулият юклётганини янада теран хис этмоғимиз даркор.



INSONGA QULLUQ QILADURMEN

Севимли муаллимим Иброҳим Мўминов хотирасига

Дилларни ёқ сўзинг ила, пайгамбар!

А. Пушкин

Х Қуёш субҳ ёқасини чок этиб, кўк майдонида жилва кўргузгач,
и Соҳибқирон Қуръони каримни лавҳ устига қўйдилар. Кун сара-
ктон буржида эди, шиддати беадад. Ўрда саҳнида давлатпаноҳнинг
оқ чодирлари шукуҳу асъаса ила чарақлаб кунга юз тутди. Шу
я

МУАЛЛИФДАН

Бу ҳикоя анча илгари, олтмишинчى үйларда битилган. Унинг ёзи-
лиш тарихи хусусида ва нима учун қадрдан домламиз хотирасига ба-
ғишилаганим тўғрисида икки оғиз гапирай.

Ҳурматли домламиз Иброҳим Мўминов (охиратлари обод бўлғай)
Самарқанд дорилфунунида талабаларнинг энг севимли муаллими
эдилар. Чуқур билимли, хушмуомала, ҳаммамизнинг меҳримизни қо-
зонган бу самимий инсоннинг дарсларига ёпирилиб кирадик. У ки-
шининг нутқлари равон ва мароқлу, каттакон аудиторияда ўзбек
ва рус группаларини қўшиб, минбар ёнида оёқларини кенг қўйиб, ҳеч

маҳал хиргоҳнинг кўринишона йўлагида соч-соқоли ўсиқ, дар-
вешона хирқа устидан кумуш фўта боғлаб, унга эса туғро безаги
таққан бир кимса пайдо бўлиб, мунгли кўзларини ердан олмай,
шоҳона оstonага қараб ўтаверди. Чодирнинг давлатхона қано-
тида Соҳибқиронга кўриниш бермоқ учун мунтазир ўлтирган ка-
зо-казо салтанат устунлари, фузалою уламо, сипоҳсолору нўён-
лар, хосу раъиядан келган калонтару кадхудолар – бири ҳайратда,
бири ғазабда, ноилож қараб қолдилар. Белидаги дархону туғро
нишонлари бунинг учун хуқуқ берадирким, ул зот нақшинкор
эшикни беижозат очиб, ичкарига юз тутди.

– Шул нопок девона била маҳрами асрор бўлибдурлар давлат-
пеноҳ, – деб надомат қилди кимдир.

Яна бирор мазах ила кулди:

– Бир маҳрамлари кал Иноқ, бир маҳрамлари бул рўдапоким,
боши кесилиб кетмаганидан ҳоло мамнун эмас...

“Девона” кирганида Соҳибқирон жиғали саллани бошларидан
олиб, меҳмонга жой кўрсатдилар. У ўлтиргач:

– Ниятларимиз, илоҳо, мустажоб бўлғай, – деб Оллоҳга такбир
айтдилар. Соҳибқирон чорпоядаги нардни ҳам четга суриб, му-
боҳасага кирмоқ учун шаймиз дегандек эътимод билдиридилар.

Ул зот ҳамон кўзини ердан олмай тааммулда қолгани учун,
Соҳибқирон унинг ёдига солдилар:

– Мубоҳаса Исо алайҳиссалом хусусида эрди...

– Бале... Алҳол Биби Марям вазъ тўлғоқида афтода эрди, –
дея фасоҳат билан бошлади “девона”, товуши ажаб оҳангдор,

қандай қоғоз-китобсиз, баланд овоз билан дадил дарс ўтишлари ҳа-
мон кўз ўнгимда.

У вактларда талабаларни амалий-ижодий машғулотлар билан
банд қилиш усууллари кўп бўлиб, Абрамов хиёбонининг сўлим гўшала-
рида қизлар билан саир қилишига ҳам вактимиз етишимас эди. Мисол
учун айтсан, дарсдан ташқари машғулотлардан “курс иши” ёзиши ода-
ти бўларди. Бу бизнинг мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятлари-
мизни очиш имконини берарди.

Бир куни Иброҳим ака ўрта аср тарихидан курс иши ёзиши учун мав-
зулар тақлиф қилдилар. Мен “Темур даври” деган мавзуни танладим.

тиниқ эди, – қулоқлариға ваҳий келдиким, аё умминисо, бу кун сандин бир ўғлон таваллуд ўлғайким, бу оламда шоҳу гадо ва жамъи маликүссалотин анга тиз чўкиб тоат қилгай ва абадулабад атбоъ бўлурлар. Дарҳақ, ул сабий манглайида шуълаи гардиш или келдиким, то жониби Қуддуси шариф тамом мунаввар ўлди. Бу хабари ароғиф Исройл қавмининг Ирод отлиғ шаҳаншоҳига етиб, зулму фазиҳатда машҳур эрди, анинг ошуби ҳаддин ошди. Таҳликада қолган ул ғаддор амиру умаросиға, миришабу шабдонлариға, ҳатто жамъи яҳуда дояхонларигача амри дарғазаб қилдиким, ул кароматсаро сабийни топсунлар ва маҳв этсунлар. Илло гўдакни топмадилар. Алҳол, ул иблис алайҳулаъна: “Жамъи шаҳру кентни, тамоми Исройл мулкини жустижӯ қилиб, шул кеча таваллуд топган ўғлонки бор, барини қатли ом қилинг”, дея...

– Бас қил, муғаний... – дедилар Соҳибқирон. – Фаҳмладиким, бизнинг гўдаклигимиз афсоналариға шаъма қилурсен.

– Оре, – деди тинглагувчининг эътимодидан қулфи дили очилган сўзамол суҳбатдош. – Оре, сенинг чироғингни тангри ёндирибдур. Искандари Зулқарнайн түғилган мағорада Арасту ҳакимнинг лавҳаи номаси топилмиш, ани эшишиб билурсен. Ҳукамои Рум лавҳани ўқидилар: Мовароуннаҳрда бир ўғлон таваллуд топғайким, етти иқлим салотинин забун этгай, исми Искандари Соний аталур ва рубъи маскун анинг тасарруфида бўлур, деб. Алҳол, ваҳимага тушган етти салотининг жосуслари улус аро елиб-югуриб...

Вазифа бажарилганидан кейин домла “Сенинг ишинг маъқул”, деб мени дорилфунун кутубхонасининг “Кичик қироат залі”га бошлаб кирдилар. Бу ерда бизнинг адабий тўғарак машғулотларимиз ўтарди. Тўғарак юқори курс талабаси Шароғ Рашидов ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, машғулотларни домла Садриддин Айний, профессор Абдураҳмон Саъдий ўтказганликлари учун у анча эътибор қозонган эди. Дорилфунунда бир қур лекциялар ўқиш учун Тошкентдан келган Мақсад Шайхзода ҳам тўғарагимизда бир неча машғулотлар ўтказган, “Бунинг номи Навоий тўғараги бўлсин”, деб тақлиф қилган эдилар.

– Навоий тўғарагидансан-а? – деб сўрадилар Иброҳим ака “Кичик зал”га кириб ўтирганимиздан кейин. У киши менинг “иш”имда баъзи бадиий бўёқларни пайқаган эканлар чоғи, ижоддан гап очдилар. Ва

– Тўхта. Дарҳақ, биз кўп жангу заҳмат ила ул етти салтанатга музофару мансур бўлиб, алҳамдуллилоҳ, Мовароуннаҳрда ба-рини яксар этдик...

– Тамоми мулки Туронзамин, Ҳўқанду Ҳўжанд, Андижону Марғинон, Кошғару Туркистон жатта зулмидин омон топдилар. Итини инсон гўшти билан боқадирғон жатталардан Мовароуннаҳрни мосуво қилиб, парчину қирпичноқ бўлган Чифатой улусини давлати қавий айладинг...

– Илло сабийлиқдағи сеҳру асрори каромат – бари фасонадур. Арасту уламои юонон турур. Аларда асотиру фасона бисёр бўлур. Сен ҳам фасоначи эркансен, Айри. Ҳамд-сано Оллоҳга бўлсин, лоғ бандасиға нолойик. Ғиёсиддин Али Яздийким, жангномасида шаънимизга лоғни кўп айтибдур, бадиасини рад этдик. Юнонистонда дағи Ҳомер отлиғ асотирғўй ўтган. Ул-ку батамом сўқир эрмиш. Сен эса бизни аён кўриб турибсен.

– Барибир, эл, Амир Темур Оллоҳ таолонинг баргузидасидур, дерлар. Зоро, Зуҳал ила Муштари буржида таваллуд топибсенким, Оллоҳ таборак еру кўкни шул соатда яратмишdir. Нужумотнинг бу ҳолати ҳар саккиз юзлиқда бир келурким, аларнинг чеҳрасида нури илоҳий зуҳур ўлғай. Аввало Искандари Зулқарнайн, андин сўнгра Мұҳаммад алайҳиссалоту вассаллам ва дағи сен, қиблагоҳ...

Соҳибқирон одатларича лат еган чап елкаларига сал энгашганча силкиниб кулдилар:

– Абас бу, нағмасоз! Ҳисобда ғалат кетдинг. Аввало Искандари соҳибқирон калимаи шаҳодатдин бехабар мушриқдур, бизнинг

Амир Темур билан Айри Берди афсонасини ҳикоя қилиб бердилар, афсонанинг тарихий заминлари борлигини тушунтириб, баъзи адабиётларни тавсия этдилар. Хуллас, шу ҳақда ҳикоями, қиссами ёзиш мумкинлигига шама қилиб, далда учун мен ҳақимда бир неча оғиз яхши сўз айтдилар.

Қисқаси, ҳикоянинг сюжетини менга домла тухфа этганлар. Уни мен ўша вактда ёзолмадим, кўп ўйладим, кўп тараффуд қилдим, бир неча бор бошладим ҳам, аммо ёзолмадим, ҳозир ўйлашимча, ёзолмас эканман. Даъвоси катта, думбул бир талаба эдик-да у вактда.

Кейин уруш бошланиб, мени ҳарбий ўқув юртига олдилар, сўнгра дорилфунунимиз Ўрта Осиё дорилфунунига қўшилиб, Тошкентга кўчиб келди.

қаторимиздан эмас. Сен Исо алайхиссаломдан бошлаб эдинг, анинг таваллуди... – дея яна ўринларида тебраниб кулдилар. – Йўқ, бу бари тўқима, сен эса хизматимиздасен, номуносидур.

– Йўқ, мен сўз хизматидамен, деб айтдим. Сўз эса ҳақ хизматидадур.

– Бале, шеъру шоир илоҳдин. Демишларким, отамиз Тарағай баҳодирнинг тўғанг ўқидин ўлмаган рақиблари Қозоғон нўён ҳазрат Сайфиддин шайхул-аъламнинг бир рубойларидин телба бўлмиш. Сен ҳам бизни абётгўйлик или телба қилмағай эрдинг, – дея яна кулдилар, аммо кўрдиларким, ҳамсұҳбатлари юзида табассум йўқ. Шунинг учун жиддий давом этдилар: – Гўдак чехрамизда нури илоҳий зоҳир ўлғони лофдур, илло уламолар машварати жорий юэлиқда исломға ривож берган шу зот дея бизга фатво берганлари рост.

– Ҳа... Олам сеҳрлидур, Соҳибқирон. Унинг тарихи сенинг жанги жадалларингдангина иборат эмас. Анда руҳият, фусункор афсонаю илоҳий ҳикматлар...

– Сенинг тунги наволаринг...

– Оре, бари омуҳтадурким...

Хурматли китобхон, ижозатингиз билан, биз мубоҳасани шу ўринда бўлиб, диққатингизни ўзга бир нимарсага жалб этамиз.

Кимдир бул таптортмас шаддод?

Дунёда ҳеч ким, ҳатто ота-онаси ҳам сенламаган жаҳонгир ҳукмдорни сенлаб, у билан муроқаба қилур? Наҳот унинг жони ширин бўлмаса?!

Аммо домланинг рағбати сўнмади. 1967 йил эди шекилли, Карл Маркс кўчасининг (ҳозирги Сайилгоҳ – таҳр.) хиёбонга туташган жойида Иброҳим ака билан дучлашиб, ўша “Темур даври”ни ва афсона сюжетини эслашдик.

– Ёзганман, домла! – дедим мен.

Иброҳим ака ёзган нарсамга қизиқиб, учрашиш жойини тайинладилар. Сал нарида Олий партия мактаби жойлашган эди, “Шунда дарсим бор, индин шу ерга кел, директор хонасига”, дедилар.

Индинига бордим. Дириектор хонани бўшатиб, чой қуийб берди. Ўқидик.

Домла узоқ сукутда қолдилар. Анчадан кейин, “Маъқул, маъқул...” деб тақрорладилар-у, бош кўтармадилар.

Воқеа бундай бўлган эди. Мовароуннаҳр ҳукмдори Хуросону Сейистонни ўғилларига суюрғол қилиб, Шому Ажам орзулари билан Форс ҳудудларида қароргоҳ тортиб турганларида Мозандарон доруғасидан шикоят етди. Шероз улуси музafferийларнинг зулму мусаллатидан додини кимга айтишни билмай, қон йиғлаб, Соҳибқирондан имдод кутар эмиш. Бу паёмдан саркарданинг ташвишлари чандон ортдики, тоқату ҳаловатлари йўқ эди. Ё раб, бу мумсик волию ҳокимлар сўқирмики, на Худо қаҳрини, на раият касрини кўрадир!

Шерозга лашкар тортиш сардори муаллонинг мўлжалларида йўқ эди, хаёллари бесари-пой бўлиб, оромлари қочди.

Маломат икки келур, нақлидан бўлиб, устига устак, шу кеча ватандан ялавоч чопар етиб, яна бир шумхабар айтди. Ялавоч аққим отидан бемажол йиқилиб, улар ҳолатда шивир бердиким, Даشت қипчоқдан Тўхтамишон етовида келган жатта сипоҳлари Мовароуннаҳрни яғмо-ғорат қилиб, Соҳибқироннинг она бешиги Занжирсаройни оташзада, Бухорои шарифни эса қамал қилибдурлар. Бухорода толиби илму аҳли фузалонинг қатлиға жазм этмишлар...

Давлатпаноҳ юзларига қон қалқиб, у ён-бу ён юргач, қўллари-даги жўжи чўқморини уриб синдириб, жаҳл отидан тушган бўлиб тошга ўтиридилар.

– Эй фосиди фузуҳ! – дедилар Тўхтамишни эслаб. – Ўғлимиз тенги, “нури айн” деган эдик муртадни. Хожа Шамс мозорида Қуръони мажидни дастига олиб, “Сизга наузанбиллоҳ жиҳод қилмагаймен”, дея онт ичган эди, қасамхўр! Ғаддор!

– Лекин... – дедилар яна ўйлаб туриб, – сен буни ҳозир бирон жойга бермай қўяқол. Менинг куним сенинг ҳам бошингга тушиб ўтирасин...

Ҳанг-манг бўлиб уйга қайтдими қўллэзмани ташлаб қўйдим. Домланинг бошига нима иш тушганини кейинроқ билдик.*

Яқинда архивларимни Қўллэзмалар институти учун олгани келганларидан эски қўллэзмалар орасидан ана шу ҳикоя чиқиб қолди. Мен уни севимли домламиз хотирасига бағишилаб нашр этишга қарор қилдим.

Албатта, анча жойларини қайта кўришига, қалам тегизисига тўғри келди. Ёшлиқда меъёрини ололмай, тилни жимжимадор қилиб юборган жойларимиз ҳам анчагина экан, уларга кўп ҳам тегинмадим. Ижоднинг тадрижий жараёни ўзича қолақолсин...

Соҳибқирон шу кеча биринчи маротаба ҳорғин қариядек оромга ётдиilar. Қасри Орифонда безовта тунадилар. Тушларидан Баҳоуддин Нақшбандни кўрдиларким, қаландарсифат эмиш, айтдиilar: "Аё ўғлон, жамъи кавкаб ҳут буржига келибдур, қирон бўлур. Нуҳ тўғонида ҳам мундоқ эрди, жатта ҳукамолари буни билмас. Бухорои шарифга лашкар тортгил", деб.

Эртасига давлатпеноҳ машварати умарога аён этдиilarким, "Мовароуннаҳрга дарҳол қайтурмиз, юртимиз мусулмонлари биздан нажот кутадир". Тасарруфларига олган яқин-ёвуқ шахру кентга волийлар тайинлаб, руҳи Расулуллоҳ алайҳиссаломга тиловат бағишилагач, эртасига бўз от миниб қарқарони дубулғага ўрнатдилар-да, найза-қалқон кўлларида, заррин фўта белларида, яроқ таққан минг тўғангчи даврасида, яшил туғ остида саф бойлаган икки туман лашкарни шимол томонга силжитдилар.

Бундай пайтда Соҳибқирон марқаби қажавада эмас, узоқ йўлга от минар эдиларким, аққим отнинг ёбон йўлларида елиши дилларидаги ғазаб чўғини андак совитар деган умидда. Илло, йўқ, билъакс, ҳориб-толғанларида ҳам осоийш тополмай яна Тўхтамишни эслаб кетдиilar. Ул нобакор бир неча йил муқаддам Урусхоннинг қасди қатлидан қочиб, Соҳибқиронни қиблагоҳ дея паноҳларига сиғиниб келган эди. Самарқандда уни илтифот ва сийлов билан кутдиilar. Давлатпеноҳ унга Ўтрору Саброн улусларини пешкаш қилдилар. Дағи бир туман лашкар бошига қўйиб, "Бор, ёғийингни дафъ эт", дея фотиҳа бердилар. Мехр кўргузуб, насиҳат айтдиilarким, "Нури айним, зафарга кўзинг етса, ёғийға омон бергил, боғ-бўстонни вайрон қилма, бача-бағилни асир олма, аврот қўлға келса, асокирға айт – фасод қилмағайлар", деб.

Ул нонкўр эса, барининг аксини қилиб, Даشتி Қипчоқдан бефатҳу зафар, мулзам қайтиб келди. Соҳибқирон бу ношукрни отасининг қотили Урусхондан гина қилиб, унинг хунхор ўғиллари Кутлуғ Буға ва Тўхтақия қасидидан уч тобқир қутқаздилар. Тўртинчи бор ҳам неча туман лашкар бериб, Мамайхонни маҳв этишига, Олтин Ўрда таҳтига ўлтиришига, Жўчи улусининг нуфузи ортишига ҳамият қилдилар. Энди эса ул густоҳнинг кўзларини фазиҳат пардаси босиб...

Қирқ кун дегандан Жайхуннинг Хоразм соҳилларида Амир Темур лашкарларининг тўзон булувлари ва "сурон" садолари

осмонни тутди. Кокил қўйган Темур сипоҳийларининг муборизлик важоҳатини кўргач, келгинди жатта сафларига ғулув тушиб, пароканда қоча бошладилар. Соҳибқироннинг Худодод Ҳусайн, Шайх Али отлиқ туманбегилари Тўхтамишни Сариғув ва Зарнуқ ёқаларигача қувиб бориб, Анбар тепалигида тамом мусаҳжал этдилар...

Бу жанглар тинганда ҳамал кирган эди. Соҳибқирон қароргоҳ кўтарган Хўжанд суйининг Акар туманида наврӯзи ажам, хушбўй субҳи сабода қизғалдоқлар тебранар, тундаёқ қўприк қуришга чиққан пулсоз сипоҳий тўдаларнинг тарақ-туруқи олисдан эшитилар эди. Соҳибқирон аслаҳасиз, енгил хилъатда хос чодирларидан чиқиб, тонг нафасини олмоқ учун дарё сариға йўл тутдилар. Изларида, русумга кўра, содиқ кутволлари Иноқ борар эдиким, мулозимотларида сидқидил, ўлимдан тап тортмайдиган қавий жўша ва далер мубориз эди, иков соҳил устига дохил бўлдилар. Кўрдиларки, қуида бир тўда жулдуру нотавон жўчи асирлар юзбоши амир Қатағон посбонлиғида ўтиб борадир. Соҳибқирон кўзларида аломати савол зуҳур этди.

"Маҳкум ёғийлар, Соҳибқирон, қатли ом этилур", деди Иноқ. Давлатпеноҳ андак тааммулга толдилар ва сафдан бирини кўрсатдиларки, "Ани ҳузуримизға чорлағил", деб.

Иноқ ул асирни олдига солиб олиб келди. Соч-соқоли ўсиқ, дарвешсифат бу зот, белбоғида қадусимон қўбузки, кўхналигидан сайқалланиб кетмиш эди, кўзини ердан олмади.

Ўтган кечаси Соҳибқирон дарё жонибидан шул қўбузнинг дардли нағмасини эшитиб, уйқу ва оромлари қочиб, ҳушлари паноранда бўлиб эди.

- Насабу ҳасабингни айт, – дедилар Соҳибқирон.
- Маҳкум бандамен, – деди асир беҳадик.
- Биз сени ўлимдан холис қилдик.
- Йўқ, мен алар билан ўлимга борурмен, – деди ул зот. Жавоби дағал эшитилди.

Соҳибқиронга "Йўқ" дегувчи бўлмасди. "Бир девона экан", деган андишага бордилар.

- Ихтиёр ила ўлмоқ бандасига гуноҳ.
- Ўз улусингни қатлиом этмоқ ундан ортиқ гуноҳдур, – деди дарвешсифат асир.

– Булар, хусусан, сен ҳам, беҳаё ғанимлар, босқинчи жатталар-
сиз! – дедилар Соҳибқирон ғазаб хуружини босиб.

– Йўқ, мен турк фарзандимен, булар ҳам зоти-буни билан тур-
ку тожик!

– Нечук?

– Тўхтамишхоннинг одати борки, жанг сафларида ўзи қўнган
манзил атрофиға Туронзамин фарзандларидин, қари-қури фуқа-
рони тизиб қўйиб, ишрат қиласидур. Булар ўшал бегуноҳ шўрлик-
лардан. Амир Қатағон асир олиб ҳайдаб келди.

Соҳибқирон ҳанг-манг бўлдилар, қонлари чехраларига тош-
ди. Илло бу “девона” ўзига ярашмаган бир фасоҳат билан гапи-
радирки, айтганлари талбис ё макрга ўхшамасди. Уни хиргоҳга
бошлидилар. Иноқقا амр қилдиларким, “Бу можаро тафтиш қи-
линсин, агарчанди гап ҳақ бўлса, “асирлар” эмас, амир Қатағон
қатл этилгай”.

“Дарвеш” Мовароуннаҳр хоқонининг тоқи-равоқига ҳар куни
кириб юрган одамдек, на маснаду мақомига, на ҳашаму аслоҳига
ҳайрат кўргузди. Ўлтур, десалар – ўтири, гапур, десалар – гапирди.

– Тунда абёт айтиб нағма қилған сенми эдинг?

– Мен.

– Отинг нимадур?

– Айри Қўбуз дерлар.

Соҳибқирон, ҳазил қилур дея, жилмайдилар.

– Нечун “Айри”?

– Термиз саййидлари етакида мурид эканмен, йўқлиқдан ай-
рига сим тортиб чертар эдим... асли исмим Мұхаммад.

– Бор. Либос ёпурлар, хизматимизда бўлурсен.

– ...Мен сўз хизматидамен, – деди Айри Қўбуз тап тортмай, – сўз
эса ҳақиқат хизматидадур. Соҳибимни сенга ҳам алмашмасмен.

Соҳибқирон лол қолдилар. Бу нағмакаш сўзида олампаноҳни
бирон марта улуғламади, энди эса бетга чопиб...

Соҳибқирон ғазабданми, ҳайратданми вужудларида андак
титроқ сездилар.

Ҳозир бу қулбаччани дарҳол чопиб ташласалар ҳақлари ҳам,
ҳадлари ҳам бор эди. Аммо бу девонаи бенавонинг кўзими, сўзи-
ми – нимасидир бундай сайъидан тийди, қулоқларида унинг тун-
ги сирли навоси янграб кетгандай бўлди.

– Бу ҳаётда улуғ пирамидиз ва қайнотамиз раҳматли Убайдуллоҳ
Садр аш-шариатдин ўзга ҳеч кимса бизни сенлаб айтмаган. Сен
иккиламчисисен, – дедилар қайгадир, чет бир нуқтага тикилиб.

– Жасорат эгасига қўл кўтармаслигингни билурмен, Соҳибқи-
роннинг мардлигини яна бир бор имтиҳон қилишга жазм этдим.
Зотан, менинг учун бунинг эвази баланд эмас, умримнинг бу ёғи
текинга қолди, шоҳидсан.

– Унда жасур эмас, таваккалчи тентак экансен.

– Эшитган эдимки, Соҳибқиронга табъи маҳзул бир сўзамол
созанда манзур бўлмиш, машшоқлар ичра даврада кўнгул очар
эрди. Ўзи эса сўқир экан. Бир куни давлатпаноҳ андин “Отинг ни-
мадур?” дея сўрадинг. “Отим Давлат”, деди созанда. “Давлатнинг
кўзи кўр бўлурми?” дединг. Созанда айтди: “Давлат кўр бўлмаса,
оксоқнинг қошиға келурму?!”

Соҳибқирон беихтиёр кулиб, нохуш совиган вужудлари яйради.

– Бу ривоятдур... – дедилар.

– Менинг Искандари Сонийни сенлаб гапиришим ҳам бир кун
келиб афсона бўлур... – деди Айри Қўбуз.

Шундан сўнг бу тунги муғанний Соҳибқирон кўзларига гўё
бошқа бир қиёфада намоён бўла бошлиди. Ногоҳ унинг кеча тун-
да куйлаган навои ноласи бутунича ёдларига келди. У сўзлар гўё
мусиқа бирла эскир мавжларида сайронга эди:

“Барги сабз ёз бўйи кун нурин эмди.
Куч ийғиб, деди: “Бас, кун – ўзим энди”.
Ҳасаддин сарғариб, чирт узилдию
Пилдираб-шилдираб қаброға инди.
Кузнинг қаро туни, момақалдириқ,
Йиғоч теграсинда тенитирап япроқ.
Барқ қилич сермаб, ёқар гулханлар,
Саросар тутанқиб биқсир гулшанлар.
Ўшал гумроҳ баргидин туташиб олов,
Ул дуркун ҳам ўртанур лов-лов...
Барг енгил, енгилтак мулҳиди зардушт,
Она мулкин ёқиб бўлур модаркуш,
Макруҳдир ким кечса ухувватидин,
Алҳазар ёмоннинг мазамматидин...”

Тунда дарё соҳилидан етган бу оҳанглар Соҳибқироннинг ором-
ларини олган эди, энди эса бор маъноки фикрастি била уқувлари-

га келди. Соҳибқирон бу навода аввал гүё тамоми ўз умрларини, кейин сарбасар ўт туташган дунёни, Мовароуннахри кўрдилар. Агар гумроҳ япроқ Тўхтамиш тимсоли бўлса, бу бандай бенавонинг сеҳрли қўбузи бизнинг саъй-кўшишимизга ишорат қилмасму?

– Айри Қўбуз... кўнглимизға келурким, навои абётинг ила эртанги жанги зафаримизни башорат қилурсен. Айт, қувиб борсак, нобакор Тўхтамишни маҳв этурмизму?

– Асрори ғойибни билмам, Соҳибқирон, фолу таъбир ҳам очмам, қуръа ҳам солмам, vale Оллоҳ дилимға солса, чертиб, кўйлағаймен...

Бу жавоб мужмал бўлса ҳамки, Тўхтамиш дафъ этилмаса хонадонда ёнғин ўчмағай, деган фикр Соҳибқироннинг дилларидан кетмай қолди. Кечалари Айри Қўбуз абётидан ҳикмату каромат излаб тонг отдирап, шаддод қўбузчини жулусларига чорлаб, яна муроқаба қураг әдилар. Бу мубоҳасалар одат бўлиб қолди. Шоирнинг сирли, мавҳум суҳбатлари манзур бўлар, фаросату басиратиға ботинан таҳсин айтур әдилар. Шуйла Айри Қўбуз чапдаст Иноқ қатори Соҳибқироннинг ўзгалар учун ҳайратомуз, расамад мантиқидан ғайри бир маҳрамлари бўлиб қолди. Бахши ўзини ортиқ эркин тутиши билан гоҳ Соҳибқироннинг ғазабларини оширас, аммо ул зот бу шаддодға негадир “Бор, озодсен!” деб айтолмас әдилар.

Энди, азиз китобхон, тушундингизки, ҳикоямизнинг ибтиодисида улар ўртасида тўсатдан бошланган мубоҳаса ҳам шул жумладан эди. Соҳибқирон бу ғалати шоир билан гоҳи хаёлан ҳам олишар, аслида эса ёлғизликда ўзлари билан ўзлари зиддиятга кирап әдилар. Баъзан эса унда ўзларини кўраг әдилар. Шиддатли воқеалар асири бўлиб, ўлимдан тап тортмай, бетўхтов қонли жангларда минглаб асиirlарни кўриб дийдалари қотган Соҳибқирон ўзларини гоҳи шу одамга, гоҳи дилларини босим чирмаётган бир мавҳум руҳиятга асиридек сезар әдилар.

Дашти Қипчоққа қочиб дараксиз кетган Тўхтамиш ҳаловатларини ўғирлади. Ул қаёнда, тинчиди кетдими? Ё қувиб бориш лозимми? Оқ Ўрдага лашкар тортиш хусусида машварати ҳарб чорлашга ҳам иккиланиб, безовта бир қийноқда юрганларида ул доғулидан элчи келиб, нома тутдиким, мазмуни ва услуби чунон дабдабалиқдир:

“Нома етиб Соҳибқирон қиблагоҳимға маълум бўлғайким, аввал ҳамду сано Тангри табораккаким, кўкни муаллақ, ерни мутаббақ яратибдир, дуои дуруд Мухаммад саллоллоҳу алай-ҳиссаломгаким, Оллоҳ таоло анинг туфайлидин ўн саккиз минг оламни вужудға келтирибдур, шариат андин жорий бўлиб, залолат чўлида қолғонларни ҳидоят ўйлиға солибдур. Алқисса, бизнинг ҳам шу ўйлға киришимиз вожиб, орамиздағи беҳуда низоъ мухорибада кўп аҳдоллоҳи бегуноҳ забун бўлди. Мусулмонни мусулмонға мухолиғ эттмай, шариат тақозоси била жанобимдин сулҳи ҳайр умид қилурмен. Қиёматнинг андешасини қиласайлик, деб муҳр босдим. Нома тамом – вассалом”.

Буни ўқигач, Соҳибқирон руҳларида енгиллик сезиб, Худога шукронда айтдилар: “Иншооллоҳ, энди даштни бежанги жадал, бехуну ажал мусаххар этурмиз”, деб. Хушхабар суюнчиси учун уламои фузалоға икки қалқон зар инъом бердиларким, Тўхтамиш табоҳ қилған Самарқанд мадрасаси таъмириға мусарриф этилғай.

Кўнгиллари тинчиди, кўп тунлар сирасида илк бор жону танроҳатида уйқу олар әдилар, аммо субҳидамда ёбондаги қўй қўраларидан бир нағмаи ажиг оғоз этди. Бешак, Айри Қўбузнинг навозиши эрди, эътимодларини тортди:

“Тонг кавкабин уйғотган сабо,
Дала-тузда мавжлан, марҳабо,
Қўйчибоннинг нафаси ёки
Най навоси, сўлим, дилрабо...
Ўтарингни тундан қўриқла,
Оғилларни, чўпон, қулфла.
Ёю ҳадангингни унумтма.
Совимасин гулханнинг қўри.
Ҳид олади ўқ еган бўри.
Қон ҳидидан масту маккор у,
Қайтиб келса – чўпоннинг шўри.
Қўйругини қисиб келадур,
Тулки янглиғ писиб келадур.
Тун фирибгар сокин ғафлатки,
Шарпасини тўсиб келадур..”

Буни эшитгач, Соҳибқироннинг кўз ўнгидага Қипчоқ даштида яраланган бўридай тентираб юрган Тўхтамиш гавдаланди. Сап-

чиб, шабгоҳ ҳижобини йириб, оёққа турдилар. Ул қасамхўрнинг баландпарвозда номасига лаққа тушаёзган эканлар, ҳозир тун ўртасида оёқяланг қалтираб турган бу бегона зотга нафратлари тошиди. У номанинг тазвир эканлиги аён эди-ку! Қани у зобити музазифар?!

Соҳибқирон гоҳида ўзларига бир дам четдан назар солиб, илло бағирларини кўп олуда қила билмай, бу ҳолатдан тезда чиқар эдилар. Асфарий саллани бошга олгач, ҳулла қабо устидан шоҳона фўта боғлаб, исфаҳоний қилични саланглатиб давлатхонага чиқдилар. Соҳибқирон ҳолатидан ҳамиша воқиф Иноқ зумда пайдо бўлиб, амирларни машварати ҳарбга чорлади. Шаҳзодалар тасарруфидаги улуслардан қўшин талаб қилиб ёрлиғлар юборилди, барлос, арғин, жалойир, дўлдој, тўғай, арлот каби қирқ аймоққа чопарлар, элатларга товачилар кетдиким, борича лашкар юборсинлар.

Икки ҳафта ўтмай, салкам бир лак лашкар Қўрғон остида Соҳибқироннинг кўрикларига дохил бўлди. Раҳтироҳ бут бўлиб, тиловати Қуръондан кейин "табла" деган довул ногоранинг садоси фалакни тутди. Чор тарафдин элу улус келиб, навозишлар айтиб, қиблагоҳнинг мулоzиматларида бўлдилар, дуои фотиҳа билан фатҳу зафар тилаб қолдилар. Аламбардорлар ичидаги Соҳибқироннинг олтин зирҳли дубулғалари йилтиллаганда "сурон" нидолари эшитилиб, қоровул тўдаси кетидан ҳировул ва чоповул қисмлари силжиди. Чап ва ўнг қанотлар эса Сиғноқнинг яйдоқ ялангликларига чиққандагина бемалол ёйилиб ўз ўринларини олдилар. Туман-туман отлиғ-пиёда лашкар ларзасидан осмон гувлар, найзаю қалқон чақмоқдай чақнар, бийдек Қипчоқ даштларида сийрак ўлғун тебранар эди.

Кун оққанда уфқда ғубор кўринди. Кўп ўтмай қоровул тўдасидан хабар етдиким, жатта лашкари етти байроқ илингизаде келадир, чигирткадан зиёда, деб.

Ҳақиқат Соҳибқироннинг бошларига найзадек келиб урилди: "Ана, Айри Қўбузнинг ярадор бўри макри ҳақидаги тунги қўшиғи айни каромат экан! "Сулҳи хайр" дея нома битиб, ўзича бизни ғафлатга қўйиб, орқасиданоқ лашкар солибдур, ғаддор! Майли, ул бизни бу ерларда кутмас, қанотларни ёйиб "қучоғимиз"га олурмиз!.."

Ёғийга икки фарсанг қолганида Соҳибқирон тизгин тортдилар. Жувонғор ва баронғор тўдаларни икки қанотга кенг ёйиш учун дашт кенгликлари қўл келди. Алҳол, қоровулдан чопар етдиким, қипчоқлар ҳар отға икки боғ ўтни сургатиб, сиёсат бирла тўзон тўзғитиб келурлар.

Соҳибқирон мўғул жангарилалининг бу кўхнаю жўн дастурини фаҳмлаб жилмайдилар ва тўсатдан босқин қилғувчи чоповул тўдасини шабихунга, яъни, тунги ҳужумга йўлладилар. Шабихун мудҳиш чопқин билан бошланди. Фириби фош бўлганини пайқаган ғаним орқага юз тутди. Ва қанот тўдалари ичра аросатда қолиб, қолган-қутганлари пароканда ҳолатда қочдилар. Соҳибқирон лашкарлари дашт тунининг жаҳаннамидан чиқиб, ёғийни тонгдин шомгача, сўнгра яна бир тонгдин яна бир шомгача қувиб бордилар. Энди фақат ҳировул тўдалари олдинда, жанговар ҳолатда эди. Қолган черик аслаҳаю ризқи-озиқ захираси билан, ҳар бир аскар тўрт хил яроғи, дўрдиғу қозони билан орқада борар, оддий сафар тирикчилиги давом этар, капалақдай қўниб учадиган чодирлар орасида гулхан яллиғланар, қумғон қайнар, мол сўйилиб, чангакларда гўшт қоқланар эди.

Икки ҳафта ўтиб, раббиул-аввал кирганида ҳировул тўдалари бир кичик кент қўргонининг мустаҳкам истеҳкомларига йўлиқдилар. Жосуснинг хабарича, истеҳкомлар доира-доира бўлиб, уларнинг неча қатлам эканлиги номаълум. Ҳар истеҳком забт этилганда ёғий ҳимоятининг бари жонини фидо қилас, асло қайтмас эди. Кўп қон тўкилди, Соҳибқироннинг чопқинчи тўдалари ҳам гоҳ жанглардан совути ушалиб, ўпчину қалқонлари қилич зарбидан пора бўлиб, талафот илингизаде келадир. Соҳибқиронни талафотлардан ҳам кўра ул қўрғон элатининг жонғидолиғи, беҳад курбонлари, қонли талотўплар чарчатди. Бу тош ёнғоқни айланаб ўтиб, садқаи сар, дея сафарни давом эттиришни маслаҳат кўрувчилар ҳам бўлди. Аммо Соҳибқироннинг босган изига ўз маъмури – волийларини тайинламай, орқада забт этилмаган ёғий алботисини қолдириш одатлари йўқ эди.

Етти истеҳкомни қон билан олгач, тўхтадилар. Бу қўрғонни янчиб ўтиш асли ҳеч гап эмас эди. Илло, тинмай қирилаётган бу фидойи элатнинг не асрори бор? Оллоҳ, бу не ҳикматким, бу хил қону қирондин кўра соғу омон таслим бўлмоқ кичик қўрғон учун

минг аъло эмасму? Бу гилкүрғоннинг нимасини асрайдур? "Ҳай, шабихун қилиб беталафот олурмиз", дея, Соҳибқирон шомда бу азобли ўйлар билан беҳаловат, хобгоҳларига кирдилар. Сафар чарчоғида қароргоҳ ҳам тез тинди. Бедору дилхун сокинликда жанг суронидан қутулган ёбонлар бир маромдаги мунглиғ чирилдоқ садоларига тўлди. Бунинг устига, қайдадир Айри Қўбуз ноҳун чертиб нола қиласи эди. Уйқуни бой берган Соҳибқиронни ёлғизлик, чексизлик, айрилиқ ва дарбадарлик оҳанглари чулғади. Бахшининг эса бундан узоқ ўз дунёси, ўз эртаклари...

"Пири комил раҳт юклаб ҳарифа,
Юрат эрди мулки Ажам сарифа,
Йўлтўсарлар чиқуб аниг ўйлидин,
Хуржунини юлқиб олди қўлидин.
Сўрдилар: "Не хуржунингда, эй бобо?"
Деди: "Бунда бордур дуррри бебаҳо".
Шунда йиртиб матосини отдиilar.
Дуржи бекунж – иғоч қути топдиilar.
Андин дағи ҳарсанг қути топдиilar,
Иғочини болта билан чопдиilar,
Ҳарсангини янчиб-туйиб отдиilar,
Андин битта қумалоқ мум топдиilar...
Йўлтўсарлар дур қўдирар эдилар,
Бул мум экан, ўтга ташла, дедилар.
Пири комил тиз чўкди шу ондаёқ:
"Ёлғон дедим, мен гуноҳкор, мени ёқ!"
Мум тўғон мавжларида ушибдур,
Нуҳнинг нажот кемасидин тушибдур.
Анда пинҳон эрди буғдой донаси
Ки, ҳаботот – набототнинг онаси.
Алқисса, пир ўтга бериб жонини,
Асраб қолди бани башар нонини..."

Ҳорғин Соҳибқирон, муғанийнинг нимасидир ҳикматомуз бўлса ҳам, бундай узоқ ва беғам ривоятига мийиқда жилмайиб пинакка кетдилар.

Ярим тунда шабихунга сурон тортилиб, Гилкүрғон забт этилди. Қон қўп тўқилиб, муҳофизадаги элатдин кам киши омон қолди. Тонгда қўрғон ўртасидан бир қур қариялар Соҳибқиронга пешвоз чиқдиларки, уларнинг қуршовида бир юсуфжамол ўсмир бор эди.

– Бу норасида кимдур? – дедилар Соҳибқирон.
– Бу бизнинг, Оллоҳ муруввати ва шаҳодати билан, бўлғуси шоиримиз, – дедилар мўйсафидлар, – шу ёшидан илоҳий сўзлар ва гўзал ашъор айтадур. Шояд истиқболда элатимиздан авлиё чиқар, деган умиддан ўзга ҳеч нарсамиз қолмади. Хонумонимиз куйди, фақат умиднинг жони қаттиқ, барчадан кейин ўладир. Бу сабийни ҳимоя қилиб, кўп фидокор фарзандларимизнинг оҳони-жонини қурбон қилдик. Уни сиз Соҳибқиронга ҳам бермагаймиз.

– Биз... биз... – деб Соҳибқирон ҳайратда анчагача сўз тополмай, бу вайрона ичидаги нуроний қарияларга қараб узоқ турдилар, – ул сизнингдур, биз олмаймиз... Илло, бизга ашъоридин айтсин.

– Айтмайдур, – дейишиди чоллар. – Қўрғонимиз атрофида ер қучиб нигун бўлган ярим элатимиз ҳурмати, ҳозир Оллоҳ аниг дилиға ҳикмат каломини солмағай...

Соҳибқирон, балки умрларида биринчи мартадир, сўзни суҳбатдошида қолдириб, мусаллам орқага қайтдилар.

Хиргоҳ дарборига етмай Айри бахшининг тунги нолиши хотираларига тушиб, жунжикиб кетдилар. Нағмани биратўла эслаб, манглайларига муштлаб афсус тортдилар: "Ўшанда шабихунни тўхтатиб, эсни йиғиб олиш айни муддао эди-ку, қартайдикму, нима бало?! Оллоҳ бахшининг дилига соладур, нечук бизнинг дилимизға солмайдур?"

Узоқ ўлтириб, ич-этларини еб, яна надомат чекдилар. Шу маҳал Айри Қўбуз, бамисоли рух, одатича беижозат пайдо бўлди.

– Норасидани қўрдингму? – дедилар Соҳибқирон бош кўтармай.

– Ўзимни қўрдим... Элнинг орзу-умидини қўрдим, Соҳибқирон.

– "Бани башарнинг ризқи...", "Ҳабототдин наботот"! – дея нағма байтларини эсладилар Соҳибқирон товушларида андак қаҳр ила.

– Абётни эшитибу эрдинг? Бу ривоят, дарҳақиқат, элнинг эртаниги маоний ва руҳоний ризқи хусусида. Эл ани жон баробар билиб, ўзини ўтга ташлаб, асраб қолибдур...

– Қирғин ҳисобиға... Имо-ишоратни қўйиб, бизга келиб ошкора айтсанг бўлмасму эди?

– Устозим шайх Сайид Ваққос айтур эдиларким, "Үқилган чала бўлур, уқилган бўла бўлур", деб.

– Ишорат башорат эмас.

– Ундай даъвом йўклигини айтиб эдим қиблиагоҳга. Мен Худонинг осий бандаси, дилимга солғонидин ўзгани билмасмен.

– Биз...

– Сен сипоҳларингиз Соҳибқирон эмассен. Сипоҳларинг эса – давлатнинг бандалари.

– Алар Худонинг бандалари.

– Алар дунё ишлари ила тамом банд. Мен аларга илоҳий сеҳрият борлигини эслатиб, дилларини тиканак сим янглиғ чирмаган дунё ишларидин сал чалғитишга урунамен.

– Сен ўтган гал ҳам "Оlam сеҳрлидур, тарих жаҳонгирнинг жанги жадалларидангина иборат эмас, ул афсунгар афсонаю илоҳий ҳикматлар ила ҳам бутун бўлур", дединг, бу хотиримизда.

– Сирру асрор, кўнгил давлати, илоҳий сўз, эл умиди, норасиданинг абёти-каломи...

– Бас... сенга не керак?! – Соҳибқирон бу сўзларининг ўринисиз эканини билар, жаҳларини босишига уринар, аммо бу шаддодни қувиб чиқаролмас эдилар. Сезар эдиларки, ундан ғайри янада афтодаҳол бўлғайлар.

– Мана, сен жанг олдидан Қуръони мажиддин варақ очиб, оят ўқурсен, – деб давом этди Айри Қўбуз, – менинг абётим сени тааммулга солур. Қариялар сўзидин бу ҳолга тушдинг. Инчунин, бағритош эрмассен. Менга шу керак...

Бир умр жони ҳузур-ҳаловат кўрмай, жанги жадал, қонли қиронларда дийдаю бағри тош қотган бу инсоннинг кўнглини сал бўлса ҳам юмшатиш ният эди бу девонага.

– Жаҳонгирларга бош эгмадим, инсонга қуллуқ қиладурмен, – деди шоир. Умрида илк бор эшитаётган бундай шаддод сўзлардан вужудлари қизиб, узоқ бош солиб ўтирган Соҳибқирон аста дедилар:

– Дайрда кўп савобу гуноҳ ишларни қилдик. Ҳар неки бўлса, Оллоҳнинг мадади, бандасининг тадбири биландур. Тадбиримиз тақдирга мос тушиб, фатҳу зафар ила шу кунга келдик. Илло биз Тўхтамишдек ғаниму фазиҳга бераҳм бўлдик.

Шоирга Соҳибқироннинг сокин товушлари хуш келди.

– Тасбех дея қўйнингга соганинг илон чиқибдур, ани янчмоқ вожиб, – деди Айри Қўбуз...

Биёбонда тонг оқариб, шабнам ҳовурида кўтарилигган қўға, юлғун ҳидлари ҳавода кулу дуд билан қоришиқ эди. Соҳибқирон аркони ақрабони чорлаб амр этдиларким, таслим бўлган улусга шоҳона марҳамат кўргузилғай. Баковуллар югуриб-елиб элга оғият бердилар, улус амирларига совға-соврун улашиб, икки кун навозиш қилдилар. Улуснинг барча элатларида шикваю шикоят тингланиб, барига хирож, жизъя, қўналға, бож, шилон солиқларидан холислик эълон қилинди. Соҳибқирон кечаги қарияларга малуқона хилъатлар пешкаш қилиб, бирини улусга волий тайин этгач, тиловати Қуръондан сўнг яна юришга табла қоқтиридилар. Амир ноиблари чортуғу бурғилар билан чиқиши, мағлублар ҳам эл тутиниб, улардан кўп ўқчилар, чопқичилар, наизадорлар Амир лашкарига келиб қўшилди.

Тўхтамишхон тўдалари Ҳўжанд суйидан кечганидан сўнг, неча кун қочиб, Гилқўрғон улусидек бегуноҳ элатлар панасида, поёнсиз Қипчоқ ёбонларида пусган эди. Қоровуллар ғаним сафлари рафторини олиб келгач, икки қанот тўдалари ёғийни ғафлатда босиб, яна чопқин қилдилар, жатта яна ортга юз тутди. Соҳибқирон амирлари ҳировул тўдасини пистирмага жойлаб, чоповул билан от солиб, яна қувдилар. От дупуридан биёбон тебранар эди, лак-лак лашкар ғубор ичида мағрибга силжир экан, кунми-тунми ўтгани билинмас, фақат сабоҳнинг намчил салқинларида ароба ғирчию қўйчибон "қурр-эй"лари, той кишини тую пишқириқлари қулоққа чалинап эди. Темурбек лашкарининг маҳобатли юриши ҳақидаги овозаси ўзидан уч кун олдинда юрар, ёғийни йўлда боғ-роғни ёқиб, тирик жонни чирқи-ратиб, хонумонини совуриб, дала-тузни чигирткадай қийратиб, яйловларни тап-тақирип қиртишлаб, жонҳолатда қочишга мажбур этар эди.

Қувишнинг ўн еттинчи куни отлар ўла бошлади. Бу ўлат эмас, қўним керак эди, қўнимга эса гиёҳ йўқ, бутун оғирлик тевалар ўркачига тушадиган бўлди. Қаёнга қочаётир, қаёнга бошлаб кетаётир бу чиябўри?! Қайтсанг – босиб келади, қувсанг – қочади, тикка жангга хуши йўқ номарднинг. Иноқнинг хабарига қараганда, бир гуруҳ амиру нўён саросимада гап қилишибдур: "Тўхтамиш

биёбонлар ичкарисига атай бошлаб, борса-келмас манзилларда очлик ва ўлатдан тамом толиқтириб, тиз чўқтиromoқчи экан". Чап қанот қанбулида терс мунақашалар сезилар эмиш. Лашкар тўдаларида бу саросимани Соҳибқироннинг салобатигина босиб турарди. Кўп ўтмай захираларнинг таги кўринди, ўқдонлар бўша-ди. Юришнинг иккинчи ойида сипоҳлар дала паррандаларининг юмуртқаси билан кун кўриб, кейинроқ дашт ўти ва турли илдиз-ларни тановул қиласидиган бўлдилар.

Итил суйига етмиш фарсанг қолганда Соҳибқирон тизгин тортиб, бир қиялика қароргоҳ ёйдилар. Сафи бузуқ лашкар ҳорғин ва оч эди. Тунда жабдуғу тер ҳиди анқиган жолиси ҳарб суронли бўлди: ҳалиги бир гуруҳ амиру нўёнлар найзаю қиличларини қумга санчиб "Ул юҳо домига тортиб фириб берадур, бизни забун этадур, тобора ичкарига бошлаб, очу ҳорғинлиқдан йиқилгани-мизда келиб чопқин қиласидур. Илло Соҳибқирон амр этсалар, биз ўлимга борурмиз!" деб шовқин солдилар.

Иноқ бошлиқ амирлар ва Соҳибқироннинг фарзандлари эса... давлатпаноҳ олдиларида тиз чўкиб, "Йўқ, ул иблисни тирик қўйиб бўлмас, қувиб етиш зарур, токи байроғини тубан қилсун, ул улусни талонга ташлаб қочаётган номард билан яkkataloш қиласидик, илонни янчмасак яна бош кўтарадур, ҳужумга амр этинг!" дедилар.

Соҳибқирон чорпояда ўтириб оғирлик билан тингладилар: юзларидан у ёнга-бу ёнга оғланлари билинмади.

Кейин хос чодирларида ёлғиз тўлғаниб, ҳорғинлиқдан иккакат намозга ҳам ҳоллари келмай, ёбонга қапишиб қолган қароргоҳнинг гўристондагидек сукунатига қулоқ осдилар. Азобли ўйлардан юзлари тош қотган, қарашлари қўрғошиндек зил, мижжак қоқмас эдилар. Соҳибқирон ҳарбий сафарда ҳали бундай бекарор бўлганлари йўқ эди, ёбонда сочилиб ётган лак-лак лашкаринга эмас, гўё бутун дунё буюк ҳукмдорнинг тонгги ҳукмини кутар, аммо у зотнинг хаёлларида зидлик тарозусининг шайини муаллақ эди...

Оғир хаёллар қийноғида кўз кетиб қолган экан, тонгда ҳарир бир эпкиндан уйғониб, тиник идрок оғушида роҳат топдилар: узоқда юлғунзор кенгликларга қўбуз навоси таралар эди. Соҳибқироннинг қулоқларига етди:

"Ортда ёбону кенглик,
Ёғиў бўлмай юзтубан,
От сол тонгги эпкинде,
Омадингни топ, топ!
Ёғиў бўлмай юзтубан,
Кўзи қонга тўлмиши-ов.
Юҳо макрин тумтибон,
Форга дохил бўлмиши-ов.
Фор совуғи қаҳрли,
Ўз қаърига тортадур.
Ул мўлтони соҳирни
Босиши хавғи ортадур.
Ёғиўга ҳам ёғиў бор,
Йўлининг адоги бор.
Истиқболида зулмат,
Ваҳму рихлат доғи бор.
Ўзи топган мағора
Лаҳад бўлур ўзига.
Ўнирилиб, тоғ аро
Тупроқ тўйлур кўзига.
Гул очилсин ўйлингда,
Елканг узра офтоб,
Байзо қилич қўлингда,
Ёвуз бошин чоп, чоп!"

Иноқ ҳам бедор экан, эшик очилиб қуллуқ қилди. Сабоҳга пешвоз чиқдилар. Ёйилиб ётган қароргоҳ уйғоқ эди. Амиру амирзодалар, туманбегилару юзбошилар, сипоҳсолор баҳодирлар, яна яқин-ёвуқдан озиқ-овқат, совға-соврун билан тунда етиб келган кент саййидлари, улус амирлари ва амалдорлар давлатпаноҳнинг даргоҳборида интизор эдилар: "Буюринг, Соҳибқирон, нима қиласидик?" Раият вакиллари тиз чўқдилар: "Талонга ташлаб кетманг, қиблагоҳ!"

Ҳукмфармо Соҳибқироннинг бесабр жўшиб туришларидан ниятлари аён эди. Кўзлари билан оломонда Айри Кўбузни излаб, тополмагандан кейин, жиловдорга имо қилдилар. "Ё ҳазрати Баҳовуддин!" деб узангига оёқ қўйиб, кумуш қошли эгарга отланганларида қанотлар саф тортган эди. От йўртиб, қанот қанбуллари, манглай қисм лашкарларига бир-бир назар солиб, сафлар салоҳиятини кўрувдан ўтказиб келгач, марқаб мешидан

узоқ-узоқ совуқ сув ичдилар. Бу соҳибифармонинг барқарор хо-тиржамлклари белгиси эди. Демак, қароргоҳда жанговар кай-фият шай. Уламо фатво бериб: “Ёғийнинг юзи қаро бўлсин!” дея ғаним томонга бир сиқим тупроқ сочдилар, кейин сипоҳу раи-ятдан розилик бўлгач, довул ноғоранинг садоси келдию ҳар бир навкарни ғайратга киргизувчи машҳур “Сурон!” хитоблари икки қитъа даштларини туташтириб узоқ янгради. Аламбардорлар қў-лида ҳилпираган яшил байроқ ўртасидаги учта тўлиной мушкул сафарнинг янги кунига пешвоз чиққандай, тонг нурида нуқрадек йилтиллаб юксакларда сузар эди.

Амирзодалар бошлиқ қоровул илғорлари сарин ҳавони ёриб, тоғдан тушган баҳор тошқинларида олға юрадилар. Ортда – ҳар қанотига уч туман лашкар қовжироқ саҳро ёнғинларидан қўк-ка ўрлаган тутундай, неча юз фарсанг масофани қоплаб, уфқдан уфқача ғубор кўтарди. Ўртада, захира қўшинлар, далер баҳодир-лар қуршовида бош қўмондон қароргоҳи уммондаги буюк бир оролдай силжиб боради. Шотиру жиловдорлар Соҳибқироннинг ипакдай майнин қадами билан қарийб ярим куррани босиб ўт-ган севимли оқёл тулпорларини боладай эркалаб, сал терласа ювиб-тараб алмаштириб турар эдилар. Иноқ эса бу отлар ҳақида бундай дер эди: “Соҳибқироннинг қўнғир тулпорлари ўлимнинг йўқлиғига кафил бўла оладур!”

Ҳафта ўтмай ғажарчилар хабар етқиздиким, ёғий ёйиқнинг Туратур деган кечувида пистирма қурмиш. Пистирмаларни қора тунда босиш амир Шайх Нуриддиннинг хунари эди. Чап қанотда ғанимнинг Қозончи етовидаги чериги Кайсув бўйида қўним топ-миш эдиким, шу кеча сафлари бузилиб тор-мор этилди. Уммони Қулзум соҳилида мўғулий қайнағаларнинг кўп жангари тўдалари жойлашган эди, хунрезлик кўп бўлди, катта талафот Соҳибқирон-нинг қонларини чеҳраларига тоширди. Бир кечаси сара қўшин олдига чоҳ қазитиб, бу ёнини арабалар билан тўсиб, гулханларни сўндиришни буюрди, захира кучлар олдида ғул билан ўзлари от сурдилар. Соҳибқироннинг салобатлари ёғийнинг Бек Ёрлиқ ўғлон, Худодод Оқтов, Кунчи ўғлон каби машҳур мубориз баҳо-дирларини қочишга маҳқум этди. Шундан кейин зобит лашкар икки қанотини ростлаб яна юрдию Итил бўйидаги Увак деган жойда қаттиқ савашдан кейин Тўхтамишнинг байроғи тубан бўл-

ди. Хоиннинг ўзи эса ўғлонлари, амиру нўёнлари билан саваш майдонини тарқ этиб, Булғор чакалакзорларида жон сақлаш учун кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейин у ўзини ўнглай олмай, хонлик мартабасини тамом бой берди.

Энди шимолий даштлар соҳиби йўқ эди. Олтин Ўрда улусла-рида Соҳибқироннинг номлари хутбага қўшиб ўқилди, у зотнинг исми шарифлари битилган тилла тангалар зарб этилди. Соҳибқи-рон ўз жасур баҳодирларини тархон унвонлари, кумуш камарлар, силовсин мўйналари билан, яна юз минг кепакий динор укулка ҳамда яхши отлар билан рағбатлантирилар, навкарларга саховат билан улуфа улашдилар. Дарбанд, Сарой ва Ҳожитархон қалъала-рини қайта тикламоққа фармон бердилар. Иброҳим Дарбандий қасрида сайёди хоснинг ов гўштидан зиёфат егач, Мовароуннаҳр сultonининг музаффар лашкарлари “сайқали замин” сарига асъа-саю нусрат ила йўл олдилар...

Соҳибқирон билан Айри Қўбузнинг сўнгги мубоҳасалари шундан кўп йиллар ўтиб, Шому Рум фатҳидан кейин Кешда бўл-ган эди. Бу пайтга келиб иккалалари ҳам қадди дол пирисафед, бир-бирларидан нечун ажралолмасликлари хусусида, дайру охи-рат, гуноҳу савоб хусусида кўп ўйлайдиган, Соҳибқирон эса, ай-ниқса, ҳорғин ва кўп асабий бўлиб қолган эдилар...

Оппоқ сочи елкасига, оқ соқоли кўксига тушган бахши “Султо-ни рубъи маскун!” дея таъзим билан оstonада пайдо бўлганида Соҳибқирон одатларича маснад мақомларидан тушиб, ўнг қўлла-ридан жой қўрсатдилар. “Бандалик ниятларимиз мустажоб бўлғай”, дея соқол силаб омин тутгач, жим бўлиб қолдилар. Ўтириб Оллоҳ-га такбир айтиш ҳамиша андак сукут тақозо этади, аммо Соҳибқи-роннинг ўйчанликлари нечукдур тўзимсизроқ туюлар эди.

- Бу кеч мизроб чертмадинг, Қўбуз?
- Қаридим, давлатпаноҳ,
- Сендин дағи сўрмоқчи эдик: нечун абётингни тунлари таъ-лиф этурсен?
- Тунлари осмони фалак яқин, давлатпаноҳ,
- Соҳибқирон ҳорғин жилмайдилар.
- Шеърни Оллоҳ дилингга соладур... айтган эдинг. Илло, қўй бу мавҳумотни, Қўбуз. Ани сабийларга де. Маълумким, фақат Қуръо-ни карим Оллоҳдин нозил бўлмишдур.

– Куръони карим ҳам назмий каломдур, давлатпенох. Калом – Оллоҳнинг иродаси. Лавҳи Оллоҳ, ақли кулл ва ақли аввалдур. Илло, аз вақтеки шоир жонини асраб қолдинг, мен каломни қиличға зид қўймадим.

– Худо олдида шоҳу гадо баробар, қолаверса, сен бизнинг виждонимиз бўлдинг.

– Шоирнинг вижданни эса сўз, алҳол, сўз – ҳақиқатдур, деб айтган эдим.

– Кимнинг ҳақиқати, Қўбуз? – деб кескин сўрадилар Соҳибқирон.

– Ҳақиқатни бўлишдан уруш чиқодур.

Соҳибқироннинг қошлари чимирилиб, қоралғон кенг яноқлагира ажин йигилди. Афтидан, қалқиб келган жаҳлни тийиб, айтар сўзларини айтмадилар. Бахши буни пайқади, ўйчан узоқ тикилишиб ўтирдилар. Кейин совиб, "Ҳа, қариб қолдик..." дегандай, бошларини оҳиста сарак-сарак қилдилар.

– Аё, Айри Қўбуз... – дедилар Соҳибқирон бош эгиб ўтирганларича, – фаросоту башоратингға таҳсин кўп айтдик, эмди... бизнинг қазомизни башорат қила олурмусен?

– ...Наузанбilloҳ... – деб сапчиб тушган кекса бахши нурсиз кўзларини катта очиб, серрайиб қолди.

– Рубъи маскунга фотиҳи музaffer бўлиб, салтанат қуриб, исмимиз Исқандари Соний, жамъи малик ул-мulkни илгимизға олдик. Кимсаки, бизга юрак бермайдур, бир ўлимдин ғайри. Ер юзида бизга бош эгмаган шу қолди. Андин бизга омон бўлурму, қачон бизга дуч келғай, айт?

Ўша кезлари – ўтган асрнинг 70 – 80-йиллари бизларни ҳамма "Асқад Мухторнинг болалари" деб атарди: чиндан ҳам бола эдик-да. Бугун энди иягимизга отасоқол эмас, бобосоқол битганида ҳам кўпчилик бизни ҳануз Асқад Мухтор мактабидан чиқкан, Асқад Мухторнинг шогирдлари сифатида билади. Биз, бир гуруҳ шоир-ёзувчи бундан қоп-қоп семирамиз, шундай мўътабар, олижаноб зотга дахлдорлигимиздан фурурланамиз, ғурурланамиз.

Фурурланамизки, устозимиз кўплаб номдору доеврукдор сафдошлиари сингари янги замон тўзонида ўйқолиб, унтутилиб кетмади, билъакс, асл адабиёт шинаевандалари назарида тобора ализланиб, ардоқланиб

Соҳибқироннинг қора булатдек босиб келган бу хунук кайфиятидан астойдил чўчиган бахши бу даргоҳда илк бор ўзини йўқотди.

– Бандаси меҳмон... – деди овози қалтираб. – Қазои қадар ваҳдати вужуднинг лавҳи маҳфузида, яъни дафтари аъмолида қайд этилмишдирким, андин қутулиб бўлмас, Соҳибқирон.

– Йўқ, айт, қачон дуч келгай? Биз билишимиз керак. Етти иқлимининг ошуби гарданимизда, улгуришимиз керак.

– Фақир авлиё эмасмен, башорат қилмам, агарчандиким, маликул-мавт юз кўргузса, айтиб йиғлагаймен.

– Йўқ, ҷалғитма, айт, қачон?!

Ё Раб! "Кулли явмин баттар..."

Соҳибқироннинг чеҳралари қорайиб, кўзлари ёнди.

Наҳотки, моуманлик азиятидин вос-вос бўлиб, нафсил аввомадин пушаймонлик етиб, ваҳимада қолғон бўлсалар? Алҳол, юзлариға сўз айтмоқ ҳам хавфли эди. Аммо Айри "Йўқ"ка яна "Йўқ" деди. Соҳибқирон вужудларини ўт олгандай, ўринларидан турдилар.

– "Калом" дерсен, "меҳмон" дерсен, дағи "ваҳдати вужуд..." Саройимизда исқиҳт жандангни тарқ этмай неча йил юрдинг, индамадик, сўфий! Устозинг шоҳ Мансурнинг терисини шилган эдилар, ё сени ҳам...

Айрининг шу жандадан бўлак йўқотадиган шайъи йўқ, сўз эса унинг соҳиби эди, айтди:

– Бу хирқани муршидим елкамға ёпганлар, ул зотнинг рамзи ҳоллари дурким, ечилмағай. Сўфийларнинг шайхул машойи-

бораётир. Мустабид давр тутумларидан тамоман узилиб кетолмаган ҳолда, чинакам бадиият мўъжизаларини яратса олган доно, донишманд адаб. Яна бир устозимиз Саид Аҳмад "Орамизда мулламиз шу – Асқад" дебя бежиз эътироф этмасди.

Куни кеча устозининг садоқатли шогирдларидан бўлмиш ёзувчи Хайриддин Султон таҳририятимизга қўнғироқ қилди. Интернет пучмоқларида иттифоқо Асқад аканинг "Инсонга қуллуқ қиладурмен" номли ҳикоясига дуч келибди, ўз вақтида шов-шув бўлган бир наср жавоҳири. Барака топкур дўстимизнинг эътирофича, бу асарни у дастлаб кепаккогозга босилган уволгина тўпламчада ўқиган экан, бу-

хи Хожа Аҳмадга эса Яссида муҳташам мақбара иншо этган сен әдинг, давлатпаноҳ. Мен сўфий эмасмен, илмим ғариб.

– Бас! Ҳар икки сўз аро бизни мот қилмоқ дилингда иддаодур... Қўланканг кўринса ўлим ёдимға тушар, нега айтмайдур, нега айтмайдур, деб шивирлайдур шайтони лаъин. Тунлари нағманг ҳаловатимизни оладур, илло... айтмайдур, айтмайдур... Сен шоир эмас, шумқадамсен!

Айри Қўбуз англадиким, асаб таранглиги тобига етди, энди гап қайтириш у ёнда турсин, тасалли сўзи ҳам кор қилмас. У сўзиз, таъзимкорона бош эгароқ, орқаси билан юриб, остона томон чекинди. Эшикка етай деганда ҳалиги таранг асаб узилди чоғи, гапни бўлиб берухсат чиқиб кетаётган хирқапўшни кўрган Соҳибқироннинг жаҳл хуружига кучлари етмай, “Мирғазаб!” деб юборганилари эшитилди.

Бўлар иш бўлган эди. Мардуд шоир шу совуқ товушдан сурингандек, шартта орқа ўгириб саройдан чиқиб кетди. Сўнгги пайтлар Соҳибқиронда бундай ногаҳоний ҳолатлар бўлиб турарди. Совуқ тер босган манглайларини ушлаб, эгилиб қолдилар. Нима бўлди? Нима қилиб қўйдик? Бу даргоҳга беижозат кириб, беижозат чиқиб кетадирган биттаю битта девонаи диловар шу эди...

Беихтиёр эшикка қайрилиб қарадилар. Остонада қизил гарданпўш ёпинган, юзи мурдадай оқ, лекин соқоли қоп-қора мирғазаб қўлини кўксига қовуштирганча икки букилиб турарди.

гун эса яна ўқиб ҳайрату ҳаяжонда, ижтимоий тармоқларда илашган “чанг-чунгини қокиб”, шоғирдона бир эҳтиром ила қайта кўриб чиқибди ва қоғозга кўчириб, кўлёzmани бизга йўллабди. “Сиз ҳам ўқинг, бундай дурдонани яна қайтиб бирор жойда чиқармасак гуноҳ бўлар”.

Беихтиёр, унутилмас устознинг ўша машҳур “Тундаликлар” илк бор “Тафаккур”да эълон қилингани хайлдан ўтади: “Ўзимиз чиқарамиз!”

Ҳажман ва мазмунан салмоқли, аммо устозга хос камтаринлик билан “ҳикоя” деб аталган бу асар Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида. “Ёв қочгач” потирлаб чиқкан том-том битиклардан фарқли ўлароқ, буюк жаҳонгирнинг номини тилга олиш ҳам кўп кулфат келтирадиган

– Йўқол! – деб қаттиқ товуш билан жеркидилар Соҳибқирон титраб. Шарпасиз кириб келган жаллод худди шундай шарпасиз ғойиб бўлди. Соҳибқирон беадад изтиробда тўлғанар эдилар. Хонадан хонага шаҳд билан юриб дару даричаларни ланг очтиридилар, гўё ҳаво етишмас, дунё тор эди. Бундай пайтда жонларига ора кирадиган, таскин сўзини ё ҳақиқат сўзини топиб айтадиган, гоҳ беозор, гоҳ дилозор маҳрамлари қани?! Бормиди у ёки тушларига индими? Йўқ, у ҳали, мумкинки, кириб келади. Ижозатсиз, айни маврудида кириб келади... Худо хоҳласа!

...Аммо Айри Қўбуз қайтиб келмади. Унинг ўрнига шундай хабар етдиким, шоири девона тун ухламай, шу тонг олдидан рихлат топибдур. Худо раҳмат қилғай. Қандоқ? Шундоқ. Тинч ва беозор. Ўз ҳужрасида чўзилиб ётиб, гап-сўзиз жон таслим қилибдур, тонгда кирсалар, оқ соқоли энгагида тарашадай тиккайиб турганиш. Такя баковулининг айтишича, марҳум туни билан ухламай, ювиниб-покланиб, сарипой оқ кийибди. Ва айтибди эмишким, “Иншооллоҳ, текинга қолган бу жон ҳам асқатди: ул буюк зотни бир гуноҳдан асраб қолишга яради”, деб...

Бу хабар Соҳибқироннинг ичларини лағча чўғдай ўртаб ўтди. Оғир яралардан сиктамаган, ёлғизлиқда ноилож инграб юбордилар. Совуқ эди, баданлари совуқ, арк совуқ, олам совуқ...

Хутнинг аввалида Чин-мочиндан ялавоч чопар келиб, яна бир совуқ хабар етказди. Кошғарга қалмиқ қайтағалари оралаб, мусулмонларни қақшатиб талон қилаётган эмиш. Жаттанинг бу элати ёвқур бўлади, нима қилмоқ керак? Бундай савол туғилган-

нозик замонларда – 1963 йилда дунёга келган фавқулодда бир асар. Тасаевур қилинг, бу – 1973 ёки 1983, ё бўлмаса дориломон 1993 йил эмас, ҳали минглаб сиёсий қатагон қурбонлари Сталиннинг мудҳиш бандиҳоналаридан қайтиб улгурмаган қалтис, мураккаб давр эди.

“Муаллифдан” деб номланган мўъжаз сўзбоши орқали биз раҳматли устозимизнинг бу бетакрор асарни қачон, қандай шароитда, кимларнинг даъвати ва далдаси билан яратганидан воқиф бўламиз.

Азалий мавзу – ҳокимият ва адолат, шоҳ ва шоир, ҳукмдор ва ижодкор муносабатига бағишиланган ушбу ҳикояда Соҳибқирон образи якранг, ҳаётда асло хато қилмайдиган доноларнинг доноси, буюклар-

да Соҳибқирон ҳамиша жолиси ҳарб чорлаб, мусолаҳат қилар эдилар. Бу гал аркони ашрафу умаро Шаҳрисабзда машварат қурди: юриш керакми-йўқми? Соҳибқирон турли фикрларни, гоҳ жўшқин, гоҳ сўлғин нутқларни узоқ тингладилар-у, аммо зоҳиран нечукдир лоқайд қолдилар. Кейин Конигил тепалигида чодир қуриб, Хитой элчисини қабул қилганларида, унинг чинний совғаларини олиб раиятга улашганларида ҳам, зиёфат бериб амирзодаларга малуқона хилъат ёпгандарида ҳам юриш хусусида маълум қарори қатъиятлари билинмади. Ниманидир йўқотгандай, бўшанг, ҳамон лоқайд ва паришон эдилар. У зотнинг бекарор иккиланишлари амиру сипоҳлар кўнглини ҳам иккига бўлди. Иноқ баҳодир Чин-мочинга юришнинг қизғин тарафдори эдиким, унинг атрофида бир сипоҳий гурӯҳ жолис қилар, “Ёвнинг яғмосини кутмасдан сафларини бузиб ғорат қилурмиз!” дер эди.

Кошғардан келган чолар кўп сергап экан, зиёфатда кайфи ошиб, лоф урдиким, тушкун кайфиятдаги сипоҳларнинг қулоғи унинг оғзида эди:

– ...Уч фил устида темир дарахтидин бир ҳужра, – дер эди чопар ҳовлиқиб, – андин сиёсат билан овоз чиқарадиким: “Эй турк, бу филлар ҳар бири неча шаҳру кентни вайрон қилғон беш юз ёшар жангарилардур, ким муқобил бўлса рахтини елкага олур, тахти-бахтини барбод урур” деб.

Қароргоҳда ғовур тинмади, олампаноҳ эса сукутда эдилар... Ахийри, Соҳибқирон лашкару аркони давлат билан Ўтрор мавзеига кўчишга амр-фармон бердилар. Ул мавзеда юриш олдиндан лашкарларнинг уч ойлик кўрги бўлиши лозим эди. Аммо бу

нинг буюги сифатида эмас, ботини изтиробу иштибоҳларга тўла кўнгил одами – тирик инсон бўлиб гавдаланади.

Дарвоҷе, шу ҳикояга қадар биз, адабиёттимиздаги битта-яримта ҳақоратомуз ёзмани айтмаса, Сергей Бородиннинг Соҳибқирон сиймоси бирёклама талқин этилган “Самарқанд осмонида юлдузлар” романидан бошқа бирон асарни билмасдик...

Қарангки, ҳикояни камина ҳам ҳаттм қиласан, ҳатто давраларда таърифлаб-тавсифлаб юарканман-у, уни асли қаердан ўқиганим эсда йўқ экан...

сафарга барибир Соҳибқироннинг оёқлари тортмас, шаштлари паст, тунлари дилларида зафар умидини порлатгувчи Айри Қўбуз абёти ҳам янграмас эди! У зот бундай сўнук паллаларда лашкар тортиб ўрганмаганлар.

Сарём шаҳри яқинидан Арас суйи оқиб ўтар эди. Бу ернинг осмони сокин, қишининг аёз тунлари узун ва беҳаловат. Бедор кечаларда Соҳибқироннинг қулоқларига қўбуз оҳанглари келиб урилар, сайдир соатлари гўё Айрининг арвоҳи таъқиб этар эди: “Гуноҳимиздан кеч, эй шоири девона, зафаримизни каромат қилғил...”

Шундай беҳаловат аёз тунларнинг бирида Соҳибқирон ўрдаравоқидан ҳорғин юриб чиқиб, соҳилдаги сой тошига келиб ўлтиридилар. Тўқсон эди. Узоқ ва маъюс ўй сурдилар, хотиралар оғушида қолдилар. Бу вақт улуғ зотнинг ўғиллари Шоҳруҳ Ҳиротда ҳоким, Мироншоҳ тўра Бағдодда сulton, набиралари Султон Муҳаммад Қандаҳорда валиҳад – барини ёдладилар. Машриқдан Мағрибгача ҳукмлари юрар, етти юз мўътабар бекзодалар хизматларида қойим, барини ёд этдилар. Хирқапўш, нағмакашнинг сўзларини хотирладилар: “Жаҳонгирларга бўйин эгмадим, инсонга қуллуқ қиладурмен...” Йўқ, Айри, афсус, жаҳонгирдан ҳайиқар эдинг. Шунинг учун ниманидир айтмадинг, ниманидир яшириб олиб кетдинг. Нега?..

Узоқ ва маъюс ўй сурдилар Соҳибқирон. Шунда тонгги соҳилнинг бир боди бади мухолиф келиб, туслари тағайюр топиб... Фалакнинг юзи қорайди...

1963 йил

Бу йил Ўзбекистон халқ ёзувчisi, ардоқли мураббий Асқад Мұхтор таеваллудига 105 йил бўлади. Шуни-да ёдда тумтиб, чинакам бадиият намунаси, ноёб гавҳар дегулик ушбу асарни журналхонларимизга мамнуният ила тақдим этарканмиз, буюк аждодларимиз ҳаётидан асар битишидан олдин мана шундай дурдоналарни, таъбир жоиз кўрилса, тавоф қилиб, сўнгра иш бошласак кам бўлмаймиз дегингиз келади.

Э. А.



Эшқобил ШУКУР

Bedildan bir cho'g' oldim

* * *

Эй Дарё, ризқ тўла түгён ўзингсан,
Эй Тупроқ, башарга туз-нон ўзингсан,
Эй Шамол, ишқ тўла гирён ўзингсан,
Мен эса шоирга ўхшамасман ҳеч.
Эй Дараҳт, гулласанг шабнамлар кулди,
Эй Лола, додингда не гамлар кулди,
Эй Ёмғир, томчингда оламлар кулди,
Мен эса шоирга ўхшамасман ҳеч.
Хаддингга марсинма, эй абадият,
Кўнглимга дўқ қилма, қолип тарбият,
Сен асл шоирсан, она Табиат,
Мен эса шоирга ўхшамасман ҳеч.

СОФИНЧ

Уфқларга чўкмоқда туман,
Хомуш боқар оқшомги bogлар.
Сени бирдан эслаб кетаман
Кун ила шом учрашган чоглар.
Ёгдуларга чулганар ногоҳ
Кунчиқарда қорайган тоглар.

Eshqobil SHUKUR
Bedildan bir cho'g' oldim

Мени сендан этади огоҳ
Тун билан тонг учрашган чоглар.
Хотираҳлар, армонлар бари
Үйгоқ яшар қалбим юртида.
Ҳаёт кетди мендан илгари,
Севги қолди ўтмиши ортида.
Дуч келганда сахрона дарё,
Юз тутгандада хазонга bogлар,
Сени менга эслатар Худо
Бахт ва Кайгу учрашган чоглар.



* * *

Гўзаллик оламга ёймиши зарпарда,
Маъсума ялпизлар таратади бўй.
Ҳаёт кулиб турган шундай дамларда,
Кўй, ўлим ҳақида гаплашмайлик, қўй.
Мунаввар рангларга тўлмишидир кўзим,
Дилимни ром этар сабо чалган куй.
Бу азиз дамларда энди, азизим,
Кўй, ўлим ҳақида гаплашмайлик, қўй.
Богларда... тогларда... йўллар юрганда
Не кўрдик, барини яхшиликка йўй.
Ҳаёт бизга қараб кулиб турганда,
Кўй, ўлим ҳақида гаплашмайлик, қўй.

ИШОНЧ

Дунё бу... бошга не синовлар келар,
Гулчамбарлар келар, оловлар келар,
Бардош қил, гарчи кўп буровлар келар,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон.



Кўзингда ёш кўрсам зирқирап кўнглим,
Ҳаё ҳамшираси, мунисим, мунглим,
Йиглама, қувгинди кийикдай синглим,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон.

Тегрангда разиллар топсалар құнум,
Чох қазса чоҳдан-да пастлар бетиним,
Дарё бўл, шамол бўл, осмон бўл, иним,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон.

Йўлда кўланкадай хатар айланса,
Йиртқичлар тиши қайраб қонга шайланса,
Мард турғин, номардлар итдай тайланса,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон.

Қаршингдан чайқалиб дорлар келса ҳам,
Суюнчлар ўрнига зорлар келса ҳам,
Ўксима, карвонсиз норлар келса ҳам,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон.

Эй дилнинг оғриги, аччиқсан мунча,
Гулобдай янчилган виждонлар қанча,
Қанча золим келса дунёси, шунча –
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон,
Худо меҳрибондир, Худо меҳрибон.

БЎЗТЎРҒАЙ

Мунглуг бошим остидаги тошимниму дей,
Ё тоши устидаги гариб бошимниму дей?!

Алишер Навоий

Маглуб бўри кўзларидай кўзларимга бир қара,
Тўрда балиқ сўзларидай сўзларимга бир қара.

Номард бўлиб юрмайин, номард бўлиб ўлмайин,
Жон чиқар чоғ букилган тизларимга бир қара.

Бу дунёни кезмишам, богу сахро юрмишам,
Қизгалдоқдай қон сочган изларимга бир қара.

Какликмидим ё тўти, бўлбул даъво эмасман,
Бўзтўргайдай саҳарлар бўзларимга бир қара.

Бошимга қорлар ёғди, сочимга зорлар ёзди,
Қишлиарим, баҳорларим, кузларимга бир қара.

Мен аёз оташиман, қаҳратон бардошиман,
Ўчогда лов-лов чўгдай музларимга бир қара.

Бошим тоши устидадир, тошим боши устидадир,
Ё дўист, энди кўпимгамас, озларимга бир қара.

Бедилдан бир чўг олдим, дилимга туташди ўт,
Бўзтўргайдай саҳарлар бўзларимга бир қара.

БУ КУНЛАР

Эшқобил баҳшига Эшқобил шоирнинг багишлови

Кўнгли яримлару бағри бутунлар,
Ёш ниҳоллар, қари-қартанг ўтунлар,
Алп эркаклар, барчинкелбат хотунлар,
Оҳ десам, оғзимдан чиқар тутунлар,
Бошимиздан ўтиб борар бу кунлар,
Алвон-алвон, карвон-карвон бу кунлар.

Ҳазрат Сулаймоннинг шамолин миниб,
Исо кўзларидай гоҳ чақнаб-сўниб,
Мусо ҳассасининг сирига дўниб,
Исрофил сурининг товшидай синиб,
Лочин каби учиб, каштардай қўниб,
Кўкламдай товланиб, ҳазондай ёниб,
Устимиздан ўтиб борар бу кунлар,
Ҳайрон-ҳайрон кетиб борар бу кунлар.




Эл устидан ўтаётир отли зотлар,
Хар бирининг остида зўр зотли отлар,
Арз элидан аруздайин ҳазин хатлар,
Бир ён шодлар, бир ён додлар, бир ён мотлар,
Бўлар сўзни айтарга ҳеч борми мардлар?..
Бошимиздан ўтиб борар бу кунлар,
Гирён-гирён кетиб борар бу кунлар.

Бунда кимдир номус учун жон талашар,
Кимдир молдай мол оғзидан нон талашар,
Яна бири итдай ҳуриб шон талашар,
Шоқоллардай эт талашар, қон талашар.
Устимиздан ўтиб борар бу кунлар,
Урён-урён кетиб борар бу кунлар.

Одам сел измида сарсон тошиимиdir,
Кўздаги бир томчи мунчоқ ёшиимиdir,
Мехроб излаб юрган далли бошиимиdir,
Ўткинч шамолларга хас талошиимиdir?
Умримизни нетиб борар бу кунлар,
Тезигир шомдай ўтиб борар бу кунлар.

Алқисса дейман-у, алхиссалар йўқ,
Энди дил уйготар алпқиссалар йўқ,
Кон йўқ, шоҳтомирни шарт кессалар, йўқ,
Ор деб қоялардай тик жуссалар йўқ.
Устимиздан ўтиб борар бу кунлар,
Шафақларга ботиб борар бу кунлар.

Тиг устида юрар мардларга салом,
Кўнглим титраётир... дардларга салом,
Худодан келётган шартларга салом,
Орни байроқ қилган юртларга салом,
Бошимиздан ўтиб борар бу кунлар,
Карвон-карвон кетиб борар бу кунлар,
Билмам, қайга кетиб борар бу кунлар.



АНДИША

Мунчалар маъюссан, синглим Андиша,
Фамгин кўзларингда маржон-маржон ёш.
Лабларинг пирпираб турар ҳамиша,
Ўнг ёнингда тошу сўл ёнингда тоши.
Шамолдаги шамдай титраб турсан,
Маъсума кўнглингда оташин оҳлар.
Билмам, қай меҳробга бошинг урасан,
Ортингда таъқиблар, олдингда чоҳлар.
Тегрангда ириллар тишларин қайраб
Замон бўрилари, нафс тўлкилари.
Бошингда ёйилар қаргадай сайраб
Разил кимсаларнинг кўр кулкилари.
Талотумлар ичра қалбга йўл олган
Қайгули йўлдоши Ҳаёнинг сенсан.
Сўнгги илинж каби дунёда қолган
Маъюс фариштаси Худонинг сенсан.
Ай, кўнглим синглиси, виждон оғриги,
Ўзи ҳимоясиз ҳимоям сенсан.
Кўлингда титрайди имон ёрлиги,
Дунё англай олмас ҳикоям сенсан.

ОҚАРСУВ

Хофизнинг арзин эт адo янги ва янги...
Хўжа Ҳофиз

Йўлингда не тўсиқ, не бир илмаклар,
Сен шодон чуладираб оқасан кун-кеч.
Ўзин кўзкўзлаган ўлик кўлмаклар
Битта қадамингга арзимайди ҳеч.
Мен сени қутлайман, эй гўдак ҳаёт,
Эй, қабрлар узра майса жаранг.
Кундага бош қўйма, эй руҳи озод,
Хар қадаминг янги, ҳар сўзинг янги.
Ернинг боласисан, осмонлар чорлар,
Кўзингда сув билан оловнинг жанги.
Шаштингдан поинингга қулаиди дорлар,
Сен мудом янги бўл, янги ва янги!

QORGA KOMILGAN SHOLG'OM

СОБИҚ ЧУМЧУҚ

У чумчук эди. Тонг маҳали қанотлари бор эди. Бироз кўзи илинганми, намозшомда инсонга айланниб қолибди! Бундан

у шунчалар қўрқиб кетдик, бақувват бу-
тоқдан жилғага қулаб тушаёзди.

Дараҳтдаги ноқулайлиқдан кутулган янги инсон гавжум бир жойга борди. Бу

Бир вақтлар таҳририят эшигидა қоғоз папка қўлтиқлаган нотаниш йигитча пайдо бўлар эди, энди эса телефонингизга илтиноснома келади: “Устоз, мана шу машқларимни ўқиб фикр билдирансангиз”.

Бунақа ўтинчнамо битиклар кам эмас. Ҳаммасини ҳам ўқиш имкони йўқ. Гоҳо ётади ҳафталаб, ойлаб. Юз юзга, кўз кўзга тушмандан кейин шу-да. Ниҳоят бир куни худо инсоф бериб, қўллэзмани ўқий бошлайсиз... Уларнинг барчаси ҳам бухоролик Обид Қўлдош бўлиб чиқмайди, албатта...



Обид Қўлдош



Obid QO'LDOSSH
Qo'rga ko'milgan sholgom

ер ишхона дейиларкан. Бошлиқ деганлари меҳмонни қабулхонасида ўзгача тавозе билан қаршилади. Шунчалар мулозамат кўрсатдик, бундан инсон ўзини ўнгайсиз сезди. Устига-устак, бошлиқ эркак бўлса-да, аёлларча майдакаш, эзма эди. Бошлиқнинг сохта мулозаматлари, содда-муғомбирлигини англаш учун чумчук бўлиш ҳам етарли эди, аслида.

Латтабўй келадиган сұхбатдан маълум бўлдики, инсон яшashi учун албатта ана шу ишхонада бошлиққа хизмат қилиши керак экан. Вассалом.

Ишхонада бошлиққа энг манзур кимса чаласавод котиба эди. У ҳеч нимани тушунмаса ҳам, бошлиқнинг сўзларини маъкуллаб туришни қойиллатарди. Иккалласи майший мавзуларда соатлаб сұхбатлашади. Собиқ чумчукнинг таъбири билан айтганда, бу қиз бошлиққа думини ликиллатишга жуда уста экан.

– Бўшлик, узр, бошлиқ бўшмилар?

– Йўқ. Ёнларига шогирдлари Тулкихон Таннозова келган, – деди котиба.

– Соат 11 да келган эди-ку, уч бўляпти. Ахир, у коллеж талабаси бўлса... Мана-

ви қоғозларни ўқиб чиқиб, имзо қўйишлари керак. Маълумотларни вилоятга қачон топшириб келаман? Қолаверса, бу ёқда бошқа ишларим қалашиб ётиди.

– Ишингиз бўлганидан кейин улгурасизда. Асосийси, бўшлиғимиз Таннозовани ишга олмоқилар.

– Таннозовани-я?! Ё тавба! Ахир, у исмашарифини ёзишда бешта хато қилган эдику. Тулкини кулки деб ёзганига ўлайми...

– Қўйинг-э!.. Биз ҳозир бошлиқ билан уйимга гилам олгани кетамиз. Мен у кишининг уйларидағи гиламдан олмоқиман.

– Ундан кўра уйларидаги ўша гиламнинг ўзини олсангиз бўлмайдими?..

Обид Қўлдош дөганимиз бирордан фикр ўтингаса ҳам бўлар экан. Тайёргина ёзуви. Малака, маҳорат жойида. Воқеликка ўзгача назар билан, мажозий, файласуфона мушоҳадалар дарчаси орқали қарамоққа ишқибоз. Унга одатдаги воқеа-ҳодисалардан, характерлардан кўра муайян бир фикр, тоя мухимдек. Буниси ҳам адабиётда бир йўл, майли. Лекин ана шу ҳикматлар жонли воқеликдан келиб чиқса, бизнингча, янада яхши бўларди.

Ўқиб кўринг-чи.

Э. А.

У ой деганда собиқ чумчуқнинг миясида кучли оғриқ пайдо бўлди. У ишхонадан кетиб, туман ветеринарининг клиникасида обдан даволанмоқчи бўлди. Лекин... афсуски, унинг нияти амалга ошмади. Чунки бўшлиқ, ҳа, бўшлиқ ишхонада парвоз қилишни тақиқлаб қўйган эди. Собиқ чумчуқ ҳар қанча истаса ҳам, осмонга қайта кўтарилилмади.

бечора

Ёлғиз яшарди. Бандага эҳтиёжи йўқ эди. Жулдур кийимда, ўзи билан ўзи гаплашиб юргани учун у ҳеч кимни қизиқтирамасди. Оролда фақат угина ҳукумат хизматидан фойдаланмасди. Тоқقا ёндош кулбаси эгаллаган тўрт метр тошлоқни ва унга тўлаши керак бўлган йиллик солиқни инобатга олмаса, албатта.

Бечорада мусодара қилинадиган буюннинг ўзи йўқ. Орол ҳукумати қозон-товоқ ва устарасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган кимсанинг тақдирига қизиқмасди. Ҳатто шунча йилдан буён электр токию табиий газсиз қандай яшяпти – бирор сўрамаган.

Қўшни Оролдан бадарға қилинган Юксак иқтидор эгаси келгунича ҳаёт тинч ва бехавотир эди. Ўша келгиндига яшами учун хоҳлаган жойини танлаш имкони берилди. Катта миқдорда маош тайинланди.

У кулбани танлади. бечора эса кун бўйи кулбасига бормасликни ихтиёр қилди. Бир уйда яшасалар-да, кечкурунгина кўришардилар. Бу орада Юксак иқтидор эгаси юқори унумли технологияларни ихтиро қилди.

Оролдаги ўрикзор ва атиргул плантациялари тугатилди. Ўрнини улкан заводлар эгаллади. Тинч гўшани шовқин-сурон ва қора тутун макон қилди. Ер, ҳатто сув остини қазиш бошлаб юборилди. Орол рамзи бўлган оқ амур балиқлари қирилиб кетди. Ҳукуматга эса тўрт томондан пул оқиб келди.

Бечора кулбасига кечкурунлари ҳам бормайдиган одат чиқарди. Шунда Юксак иқтидор эгаси ички бир сезги билан бечора ундан узоқлашишга уринаётганини сезиб қолди.

У кун бўйи изғиб, намозшом маҳали бечорани ёввойи ҳайвонлар макони бўлгани сабаб маданийлаштирилмаган чакалакзордан топди. Тавба. У ўзига ўрик ёғочлари ва қамишдан чайла курибди.

Бечора куриган тараашаларни тўплади. Ўша томон қўлларини чўзди, кўзларини юмиб, бир нималар деб пичирлади. Панжалари орасидан олов ҳосил бўлди. Сахарда серенада овозидан уйғониб кетди. Кўчада ҳукумат машинаси, олдида эса икки барзангি. бечоранинг саволомуз нигоҳига жавобан уларнинг дарози “Сени Ҳукумат уйига чақиришяпти. Кийиниб чиқ”, деди. “Бошқа либосим йўқ”, деди бечора.

Ҳукумат уйидаги хона тўрида қориндор, тепакал, биткўз кимса гавдасига ярашмаган улкан бошини ликиллатиб ўтирибди. Ўнг томонида ўта озғин ва дароз киши бир қўлида ёндафтар, иккинчисида ручка ушлаганча имога маҳтал турибди. Чап томонда эса Юксак иқтидор эгаси. У ҳар доимгидай дид билан кийинган, соқолини

қиритишлайверганидан юз терисида қорамтирип дөғ пайдо бўлган.

– Шунча йилдан буён еримизда яшаганингиз учун бирор марта солик тўламаганлиз, тўғрими?

Бечора қориндорнинг мақсадини билмоқ учунгина бош иргади.

– Солиқларни ҳисоблаб чиқдик. Каттагина пул. Аммо сизда бунча маблағ йўқ.

Бечора яна бошини эгиб семизнинг гапини маъқуллади.

– Ҳукумат учун битта хизмат қилишни таклиф этаман, эвазига қарзингиздан возкечамиз. Ҳукумат уйларидан бирини совға қилишим ҳам мумкин. Сизда танлаш имкони йўқлигини эслатиб қўйиш шарт эмасди?..

Кулба. Юксак иқтидор эгаси бечорага ватани бўлмиш қўшни Оролга ўғринча бориши йўлларини ўргатди.

– Нима қилишим керак?

– Менинг қадримга етмаган лаънати Оролнинг ривожланиш асоси бўлган Статистика ва меҳнат бандлиги ташкилотини ёқиб юборасан. Бас. Менга унақа қарама, илтимос. Агар ўша ифлосларга раҳминг келса, буни жума – дам олиш куни қил.

Бечора топшириқни бажариб қайтди. Қориндор ҳашаматли уй совға қилди. У рад этди. “Олмасангиз ҳам кўл қўйинг, қоидаси шунақа”, деди хўппасемиз.

Уч ойдан сўнг кулбага бақалоқ серенадали машинада келди: “Сенинг “иш”ингдан кейин ўша лаънати Оролда тараққиёт икки баробарга ошди. Сенга уч кун муҳлат, Оролни тарк эт, акс ҳолда...”

Бечора қўшни Оролга йўл олди. Меҳмонни ҳукумат одамларидан бири кутиб олди ва мулозамат билан деди:

– Яшаш учун ўзингиз хоҳлаган жойни танланг. Ҳа, дарвоқе, маошингиз ҳақида умуман қайғурмасангиз ҳам бўлади.

ЁЛҒИЗЛИК

Орадан анча йил ўтди, бироқ ўша одамни, унинг меҳр ва изтироб, мен англаб етмаган аллақандай орзу исканжасида беғубор термилишлари, доим ёшланиб турадиган кўзларини соғинаман. Одамнинг озод руҳи, исён ва итоат ичиди яшаётган қалби ҳақида ўйлайман. Унинг табиат билан ўйғулиги, мискин ва айни пайтда шоҳона ҳаёти руҳимни безовта қилиб келади.

Үн беш ёшда эдим. Тенгдошларим билан чекка бир қишлоққа, балиқ овига – захкашнинг энг овлоқ ерига бордик. Хаёл қўйнида анча йўл босиб қўйибман. Тифиз ўсган дарахтлар ва уларнинг гулга кўмилган шоҳлари, ер бағирлаб ёйилиб кетган йўнгичқаю майсалардан баҳор ифори анқирди. Асалари ва капалакларнинг гулдан-гулга қўниши завқимни келтирди. Йиғирма-уттиз метрлар нарида осмонга тутун ўрляяпти.

Хайрият. Пастқам пахса уйнинг олдида бир одам чўққа шолғом кўмияти. Эгнидаги кийимидан чўпон ё қоровулга ўхшайди. Ким бўлса ҳам Яратганинг менга етказган мұждаси эди.

– Ассалому алайкум.

У синовчан тикилиб қолди. Одамнинг кўзидағи мунг, изтироб ва катталарда деярли учрамайдиган беғуборлик ҳайратимни ошириди.

– Ваалайкум ассалом.

Негадир унинг сўз оҳангидан ачинганнамо эди.

– Узр, адашиб қолдим. Жўраларим билан балиқ овига чиққандик. Табиатга маҳлиё бўлиб...

– Биз табиатнинг бир қисмимиз. Аммо моҳиятини унутиб бораётган инсон табиатнинг фарзанди эмас, жаллоди.

Ёпирай, бу одам чўпонми ёки...

Нима бўлганда ҳам, майший мавзулардан безган инсонни учратдим-ку!

Одам қуруқ шох билан чўғни ковлади ва буғи чиқиб турган шолғомларни сопол идишга солди. Уйдан бир коса сув, ранги унниқиб кетган сочиқ, ихчамгина дастурхон ҳамда бир бўлак қотган нон олиб чиқди.

– Шаҳарликмисан? – У бошмоқни пайпоқсиз кийиб юрганимга шама қилди...

– Жамият қонун-қоидалари билан келишолмаганингиз учун узлатга чекинганмисиз?

Одам “йўқ” деган маънода бошини тебратди.

– Нафсимни енголмаяпман. Ҳар йили меҳнат таътилига чиққач, шу ерда руҳан покланаман. Манфаатлар жангидан йироқда, табиат қўйнида яшайман. Балки ишонмассан, дараҳтлар билан гаплашаман. Мана, тўрт йилдирки, жониворлар билан оға-ини тутиндим. Ҳар куни соат ўн бирда, радиода мумтоз ашуласар янграйди. Тинглайман. Айнан шу соатда бир чипор илон манови тўнка устига чиқиб, ашула эшитади. Ҳар куни фақат бир пайтда келади. Ашула тугагач кетади. Жониворларда ҳам кўнгил бор. Табиатни кузатиш, қалбинг билан ёлғиз қолиш... Шундай кун келади, сен ҳам ёлғизликни тусайсан.

Бу – кимсасизлик эмас, шартли равишдаги ёлғизлик, холос.

Дўстларимнинг овози эшитила бошлиди. Улар етиб келгунича чақирикларига жавоб қайтармадим.

ИХТИРО

Професорнинг орзуси ўн беш йилда ушалди. У инсонлар фикрини ўқийдиган ускуна ихтиро қилди. Уч кун оғзи қулоғида юрди. Бу падарлаънатини бировга кўрсатиб мақтаниб ҳам бўлмайди.

Професор кўшнисининг хаёлидан ўтэтган фикрларни эшитиб ҳайрон қолди. Раиснинг ёди-хаёли – бола пули, моддий ёрдам сўраб маҳалла эшигини қоқадиганлардан чўтал ундирища. Ногироннинг ҳақими, бойваччага эҳтиёжмандлик нафақаси тайинлаши, фарқи нима, пулини тўласин-да! Тепадагиларга ҳам нимадир ялатиб тuriш керак-ку!

Професор шу ихтирони деб узлатнишин бўлган эди. Энди эса одамлар миясидаги фикрлар уни тинч қўймаётir. Боши асалари уясига айланди-қолди.

Ҳайрияtkи, университетда таътил...

Умрининг йигирма тўрт йили ўқиш, ўттиз йили ўқитиш билан ўтган. Бу орада асосий эътибор кашфиётга қаратилган эди-ку, шунча вақт аслида нимага сарф қилинди? Яна хонага қамалиб олиб, шу ҳақда ўйлай бошлади. Бироқ кўп ўтмай зерикар, одамлар нимани ўйлаётганига қизиқар, кўчага чиқар, мияси ғовлаб, уйига базўр етиб келар эди.

Кунлар рангиз, бири биридан баттар. Профессор уйида илондек гужанак бўлиб

олганида бирор марта табиат қўйнига чиқмагани, бировга яхшилик қилмагани ҳақида ўйлаб қолди. Агар кўчада ёзувчини учратмаганида унинг бирор тук қолмаган бошига бунақа фикр юз йилда ҳам келмасди.

Професор ғалати бўлиб қолди.

У маърузаларида яхшилик ҳақида кўп гапирган, аммо амалда кимгадир ёрдамлашишим керак деб ўйламаган.

Ҳеч ким бир чақага олмайдиган, оғзи оби ёвғонга гоҳ тегиб, гоҳ тегмайдиган ёзувчи нимага бунақа фикрлайди-а? Уни ҳаётда нима тутиб турибди? Ёзганлари марказий нашрларда босилмаса... асосий даромад манбаи – этикдўзлик. Эгни иккича-уч йилда янги либос ё кўради, ё йўқ. Лекин тақдиридан рози!

Професор ташаккurnома, диплому фахрий ёрликларга тўлиб кетган хонасида тентираркан, бу саволга жавоб тополмаслигини тушунди. Аммо саволлар уни тинч қўймасди. Ёзувчининг ҳаёти палағда. Лекин нима учун ҳаёллари, орзу-ўйлари гўзал? Нимасига, кимига ишонади? Жозиб ҳаёллар суриши сири не?

Одамларнинг шахсий манфаат йўлида бир-бирига қарама-карши бўлган фикрларини ўқийверганидан профессорнинг кунлари тобора зулматга чўкиб борарди. Тун ярмидан оққанда, тинчлантирувчи дорилар сал бўлса-да таъсирини ўтказганда, ҳорғин руҳи ва вужудини курсига ташлаганча, яна ёзувчи ва унинг гўзал ҳаёллари ҳақида ўйлар, шунда ажин босган нурсиз юзи бир оз ёришгандек бўлар эди.

У одамларнинг фикрини ўқиш ва шунга кўра яшаш лойиҳасини синашга шунчалар муқкасидан кетди, бошқа нарсалар ҳақида ўйламай кўйди. Кўча болалари унинг кўнгилни беҳузур этадиган турқини кўриб, ижирғанғандаридан роса дўппослаши.

Професор уйига базўр етиб келди. Ҳаммаёғи зирқирарди. Боши доимгидек ғувиллаб, ияги чидаб бўлмас даражада оғримоқда эди.

Професор чанг босиб, хира тортган кўзгуни енги билан артди. Ойнага қарадио кўркиб кетди.

Эртаси куни уни кўзгу қаршисидан ўлик ҳолда топишиди.

МАХЛУҚ

Бешикни ёдимга тушириди тобут.
Аъзам ўқтам

Махлуқ жуда жирканч кўринишда, айниқса, ундан келаётган қўланса ҳидга чида бўлмас эди. Кўзларида очлик жазаваси ёниб турарди.

У қишлоқдан шаҳарга қочиб келган фоҳишани еди. Кейин наша кайфидан дунёга келмоқдан асл муддао нима экани ҳақидаги муқаддас таълимотни унугланган бир тўда бангини пақкос тушириди.

Одамлар Махлуқдан телбаларча қочар, аммо шаҳардан чиқиб кетишнинг имкони йўқлигини билишмас эди. Чўнтагимдаги детектив ҳикоя учун “Хиёбон газетаси”дан олинган қаламҳақини маҳкам сиқканча дир-дир титраб, шоирга юзландим.

– Махлуқка қарши биргалашиб курашганда, уни енгган бўлармидик... – деди кўшним илтижоли термилиб. Унинг нигоҳи-

да кўркув, даҳшат эмас, мен англаб етол-маётган хавотир бор эди.

– Болаларини ташлаб бўлса-да, ўзга шаҳарларга қочаётганлар биланми?

Ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, у ўзи билан савол-жавоб қилаётган экан.

Шаҳарнинг ярми остин-устун бўлди. Қий-чув, йифи-сиғи, шовқин-сурон қулоқни қоматга келтириди. Бироқ ҳеч ким Махлуқка қурол у ёқда турсин, хода ҳам ўқталмас, у эса кимнидир тилидан, бошқа бирини кўзидан ея бошлар, пақкос тушириб бўлганидан кейин оғзидан нохуш ҳид таратганча кекирап эди. Унинг вайронкор ҳаракатлари ўн учинчи китобимда тасвириланган “Мафия сардори” билан ўхшашлиги мени ҳайрон қолдирди.

Махлуқ шаҳар аҳлини деярли еб ту-гатди. Энди биз томон бостириб келмоқда. Хавотирланиб қўшнимга қара-дим. У асабийлашар, лекин ҳали ҳам Махлуқдан кўркмасди. Мен эса сүякларим шиқиrlаётганини эшитдим. Махлуқ шитоб билан яқинлашганда сонларим ораси қизигани, сўнг ялтироқ шимим ҳўлланганини сездим.

Махлуқ менинг қонсиз юзимга қараб қаҳқаҳа отди. Унинг оғзидан отилиб чиқкан қолғиндиilar юзимга тегди. Бадбўй хид-дан кўнглим беҳузур бўлди. Махлуқ шо-ирга маҳзунона тикилиб қолди. Мени эса қўшнимнинг заррача кўркув туймаётгани ажаблантиради.

Вайронага айланган шаҳар тинчib қолди. Махлуқ омон қолган биттаю битта уй олдига борди. Биз ҳам унинг ортидан эргашдик.

Кўркинчдан деярли қутулган бўлсам-да, оёғимга илашаётган ҳўл кўнглимни яна беҳузур қила бошлади.

Уйдан аллақандай сеҳрли овоз эшитиларди. Аввалига англомадим. Шоир мен-га маъноли термилди. Очиги, уни тушунол-мадим.

Махлуқ деразага яқин борди. У паст-қамгина уйдан тараляётган аллани тинг-ларкан, баҳайбат, бесўнақай гавдаси кичрайиб борди. Шоирга қарадим. Қўш-нимнинг маъюс қўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Махлуқ секин-аста инсонга айланди. У яшариб, беғуборлашди. Она қўшиғи туга-ганида, у уч-тўрт ёшдаги болага айланиб қолган эди.

Болакайнинг юзига боқишга юрагим дов бермади. У биз томон ўғирилди. Ё Раб! Бун-чалар таниш чехра! Қаерда кўрганман уни?!

Шоир қулоғимга пицирлади: “Болали-гинг”.

Рўпарамда – ўзим, менга илтижоли термилиб турарди.

ҚАЙТИШ

Сув – ҳаёт ижодкори.

Йоҳани Вольфганг ГЁТЕ

Балиқ ахён-ахёнда қирғоққа чиқиб, ов-чиларни кузатар, қалбини ғам-алам, ар-мон, ёлғизлик азоби ўртай бошласа, сув тубига шўнғиб кетар эди...

Шу чоққача кит каби сув пуркагани, акула сингари йиртқичлик қилгани йўқ. Бахтга қарши балиқнинг тангачалари ҳам олтин эмас. Ўзи ҳам сув тубида яшайдиган, узлатнишин балиқлардай мулойим, ўтхўр.

У одамларга ўхшаб маржонларни бой-лик деб эмас, балки Яратганинг беназир асарларидан бири деб биларди.

Ўтмишни эслашни унча хуш кўрмайди, аммо биладиганларнинг айтишича, бир вақтлар одамлар орасида яшаган.

Унинг ҳозирги макони бўлмиш Зараф-шон ҳам авваллари ҳақиқий дарё бўлган. Ҳайқириб оқкан. Орол денгизи ҳам туз эмас, Зарафшонга ўхшаб зар сочган. Шубҳасиз, одамзод олтин деса, дарёю денгизларни сипкоради, бир-бирини ўлдиради.

Қизиқ томони – дастлаб дарёга келганда балиқлар ҳақидаги тасаввuri бутунлай ўзгача эди. Уларни энг покиза жониворлар деб биларди. Одамларнинг кўпчилиги шундай фикрлайди-да! Улар орасида гўштхўрлари ҳам бўлиши етти ухлаб тушига кирган эмас. Бизнинг мўмин-қобил, ботини исёнга тўла қаҳрамонимиз ана шундай балиқлар билан мавсумий мажлисларга ҳам қатнаб кўрди, бироқ кўнгли тўлмади. Қарадики, гўштхўр балиқлар кўлмагида марвариди кўп балиқларга тавозе қиладилар, думларидан ўпадилар, унчалик тош босмайдиган балиқларнинг машварати куни эса уларнинг йўқ ердан ишлари чиқиб қолади. Бу ҳолат балиқларга ихлоси баланд қаҳра-

монимизга одамлар орасида яшаганидан кўра қаттиқ таъсир қилди. Қалбida мунг, алам янада ортди. Айтганча, эшитган эди-ки, қанчалик кўп илминг бўлса, яшашинг шунчалик қийинлашаркан...

Алҳол, дўстимиз қалбини чангу ғубор-лардан асрароқ учун дарёning туб-тубларига саёҳат қилди. Сув тубига қанча шўнғиса, ҳайрати шунча ошди. Сув юзи-даги кўпик билан тубдаги маржонларнинг фарқини теран англай бошлади. Сездики, бу обиҳаёт бутун умри давомида ўзига ҳамроҳ бўлган. Лекин дўстимиз буни қалби нурга тўлгачгина ҳис қилди.

Мени иш юзасидан дарёning нариги қирғогига юборишиди. У ёқдагилар ҳам бу ёқдагиларга ўхшаган одамлар, фақат бошқа тилда гаплашар экан. Кейин “чегара” сўзи кашф қилинди. Ортимга қайтай десам, катта симтўсик. Энди қайтишим учун ҳам бирорга пулқоғоз беришим ке-рак экан.

Булар-ку, ўз йўлига. Яқинда бир янгилик эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Балиқ яна одамлар орасига қайтиби. Айт-тишларича, бу қайтиш мендек одамнинг тасаввuriга сифмайдиган, сўз билан тас-виrlаб бўлмайдиган қайтиш экан...





YOLG'ONNING YONIDA TURMAYLIK

Арzon ташвиқот, гўр инкор

Шарқни улуғлаш баҳонасида Ғарб адабиётини, маданиятини ерга урадиганларга, “Сўфи Оллоёр олдида Толстой ким бўпти?”, “Машраб киму Камю ким?” қабилидаги жўн таққосларга кўп дуч келамиз. Донишманд Шарқ бунақа арzon ташвиқотга муҳтож эмас. Мутафаккир Ғарб ҳам чира ниш оҳангидаги ғўр инкорларга қилт этмайди. Шарқ маънавияти – хазина. Инсонни тадқиқ этадиган Ғарб, хусусан, рус адабиёти хазинага элтувчи йўлларни кўрсатади. Мутолаа асносида мингларга бўлиниб кетган Ўзинг билан юзма-юз келаверасан. Бора-бора руҳингдаги тўсиқлар қулай бошлияди: дунёни кенгроқ, инсонни ичкинроқ идрок эта бошлайсан, бағри-кенгроқ бўласан. Иккиси ҳам “Ваҳ, менга Машириқ надир, Мағриб надир, / Балки кўкларга учармен, бари бир...” деган умуминсоний ғояга келмоқ учун бир сулуқдир.

Мақсад на эди жаҳона келдинг...

Ўзимга савол бераман: собиқ Иттифоқ даврида грузинлар қандай қилиб грузин совет киносини эмас, ГРУЗИН миллий киносини яратса олди? Бизга “Басмачфильм” ёрлиги ёпиширилган кезларда улар Худо ҳақида, дин

ҳақида, эътиқоду маслак, одамзоднинг заминдаги ўрни, шоир миссияси ҳақида космик кўламдаги “Илтижо” фильмни билан дунёга чиқди. Ваҳоланки, тарихчиларнинг ёзишича, Сталин қатағони Грузияда ҳам аёвсиз кечган. Бадиий адабиётдан ҳам биламизки, Кавказ чор Русияси даврида ёк рус амалдорларининг далаҳовлисига айланиб қолган. Қандай қилиб улар ўзлигини асрар қола билди?

Яна савол бераман: нега охирги йигирма-уттиз йилда ўзбек эстрадасида шлягерлар – дурдоналар яралмади? Ҳолбуки, бугун ҳам тили грузинча, оҳангি кавказона, таъсир кучи эса умуминсоний, туйғуларни коинот, борлиқ ила олий уйғунлик қадар кўтарадиган янги-янги қўшиқлар яратилмоқда. Жўшқин нолалар руҳингизни чунон эркалади, нотавон кўнглингиз қандай қилиб арзанда кўнгилга айланганини билмай қоласиз. Грузин – жигарингизга, Тифлис – иккинчи юртингизга айланади... “Мақсад на эди жаҳона келдинг, / Кайфиятини баён этиб кет!” – Отар Иоселиани, Вахтанг Кикабидзе, Тамара Гвердцители, Валерий Меладзе каби грузин фарзандлари мисолида кўярпмизки, улар доим буни эплаган ва эплаяпти. Шунинг учун ҳам бу халқ катта санъат яратса олади.

Кайфиятингники баён эта олмадингми, сен ҳеч кимсан, ҳеч нарсасан!..

Коса тагида нимкоса

“Телба” романида Афанасиј Тоцкий образи бор – ҳали расидалик чегарасига ҳам бормаган қизалоқнинг бокиралигини топтаган кибор. Кимсасиз етим қизчани кимсан Настасья Филипповна хонимга айлантиргани учун ўзидан ғоят миннатдор. Ҳеч қачон бир аёлни бадбахт қилдим, маъсум болалигини ўлдирдим-ку, демайди. Йўқ-йўқ, бу фикр хаёлининг кўчасига яқин ҳам йўламайди. Аксинча, мен унга мурувват кўрсатдим, марҳамат этдим, саводини чиқардим, у менсиз ҳеч ким эмасди, деб ишонади.

Ўйлаб қаралса, Тоцкий ўз босқинчилигини “халоскорлик” деб биладиган, жиноятини маданиятни тарғиб этиш никобида амалга оширадиган тажовузкор давлат моҳиятини ўзида мужассам этгандек. Бугунги қонли “постановка”нинг кўр ижрочилари ўтган аср инқилобидан бус-бутун, омон чиқан такаббур тоцкийларнинг, курагинларнинг зурриёдлари эмасмикан? Нега Достоевский Россиянинг аҳли аркони сифинадиган, манаман деган хонимлар изига зор турадиган тўрани қалби кўр, молу давлатидан гуноҳи улкан зодагон қилиб гавдалантириди? Нега Толстой туғишганидан ҳам парҳез этмайдиган фахш қулининг отасини ордендор сарой мулозими си-



фатида тақдим этди? Василий Курагин – Наполеонни мағлуб этган күдратли империянинг вазири! Вазир бўлатуриб, ўлим тўшагидаги қариянинг бойлигини ўзлаштириш учун ҳар қандай тубанликка тайёр. Адабиётнинг буюк адопати бадиј асарни тарихий қийматга ҳам эга ҳодисага айлантира олди. Бунда фақат ўтмиш солномасини эмас, мангуликка муҳрланган миллат руҳиятини, халқ қалбини кўрамиз.

Юраги саҳнага айланган санъаткор

Вахтанг Кикабидзе ярим бўғиқ, бироз хирилдоқ овозда қўшиқ айтса ҳам нега танангизга титроқ югурди? Сизга буткул нотаниш гуржи тилида айтилган нолалар нега бунча таниш туюлади?.. Мен Кикабидзени тинглаб дард билан дарднинг фарқига етгандайман, аникроғи, шу сирга изоҳ топгандайман: Буба амаки катта ижтимоий-инсоний дардларни шахсий дардига айлантирган, илло шахсий дардини зинҳор ижтимоий кўламга кўтартмаган.

Уни Россия саҳнаси дунёга танитди. Айнан шу диёрда Вахтанг Кикабидзе номи билан машҳур бўлди. Лекин мисқоллаб йиққан шон-шуҳратни, ўзини кутаётган “юксак” марҳаматни грузин тупроғига кирган рус танки оёқлари остига сочиб юборди. На юбилейини ўтказиш учун қадрдан Москвасига борди, на улар тортиқ этган “Дўстлик” орденини қабул қилди!

У куч-күдратга ҳисоб бермади, аксинча, ундан ҲИСОБ сўраб ўтди. У меросини Ватанини ҳимоя этаётган мазлум миллат қўлларига топширмасдан тинчгина кетолмасди. Сиёсий дидиёларнинг у учун заррача қиймати қолмаган эди. Инсоний бурчини бажарса бас...

Асл эранга хос қадамларни ташлаган шахснинг ўй-хаёлидан қандай кечинмалар ўтган? Юрагини қандай ҳиссиётлар кемирган? Булар беиз кетадими? Йўқ. Айнан ўша ҳил-ҳил пишган ҳиссиётлару тобланган кечинмалар унинг кўшиқлари оҳангидга юз хил жилвада сизиб чиқади. Чехрасига истара баҳш этган ажинларнинг изоҳи куй бўлиб воқеланади. Шунинг учун ҳам уни тинглагандан кибор ва забун Кавказ тарихини ўқигандек бўлаверамиз. Қўшиқлари инсон драмасини, унинг қувончию андухини дардчил ва ўқтам овозда тушуниради.

Санъаткор дунёни ўз саҳнасига айлантира олиши керак, деган гап бор. Лекин ижодкор юраги ҳам дунё саҳнасига, инсоният истиғфорига айланмоғи шарт!

Иқрор

Мактаб иншоларида Алишер Навоийни “ғазал мулкининг сultonни” деб ёзиши одат қилган эдим. Аслида, ҳазрат дунёсидан буткул узоқ эдим,

ҳали у ҳақда ўз айтар сўзим йўқ эди. Ҳозир ҳам Навоий ижодини яхши биламан деб айттолмайман, лекин нуқул Шайхзода ибораси ортига беркиниш яхши эмаслигини биламан. Ул зот ҳақида қай даражададир ўз тасаввурим, муносабатим бор.

Ҳа, айнан муносабат йўқ жойда, фикр тўхтаган жойда ҳашамдор гапларга ружу кўйилади. Қалам кимдир ҳақида қофоз қоралай бошладими, ўз-ўзидан ошириб-тошириб, идеалпаштириб ташлайди. Чунки мияда қаҳрамонни фақат мақташ керак, деган “дастур” ишлайди, холос. Худди туғилган кунда қутлов айтаётган одам ҳолига тушасиз.

Баҳодир Йўлдошев, Ҳалима Ҳудойбердиева, Римма Аҳмедова, Гулбаҳор Йўлдошева, Жамшид Зокиров, Ҳожиакбар Нурматов, Иброҳим Ҳаққул, Омон Мухтор, Маҳмуд Саъдий, Мурод Абдуллаев, Луқмон Бўриҳон ва Ҳулкар Олимжонова билан боғлиқ хотиралар мени тинимсиз таъқиб этади. Лекин улар ҳақида ёзмоқ учун мен ўзимга тик қарай олишим, ҳақиқий истиғфор, чин иқрор босқичига кўтарилишим шарт. Ўшандагина у инсонларни мендан ҳам яхши биладиган одамлар кўзига тик қарай оламан. Улар орасида имон асиrlари, Ҳақнинг тутқунлари бор. Менга ўша инсонларнинг ўткир нигоҳи халал бераётир...

Уч улуг сиймо

Кўпдан бери уч буюк ижодкор ҳақида ўйлайман: Бобур, Толстой ва Абдулла Орипов. Улардаги умумийлик нимада, биласизми? Учови ҳам ўз ҳолини борича баён этиб кетди.

Акс таъсир

Йигирма йиллар олдин бир олимдан негадир кўп кўринмаётган, лекин ғоят истеъодди аёл ҳақида сўраганимда у киши рўйхушлик бермай гапирган эди. Қизиги, сұхбатдошимнинг гаплари акс таъсир этиб, иштиёқимни кучайтиргандан кучайтириди. Ўшанда таъналарни ақлим қабул қилгандек бўлди-ю, юрагим кескин инкор этаверди. Ниҳоят, у аёл остонасига бордим. Домланинг гапига кўр-кўрона итоат этмай, юракка бўйсунганим ҳаётимдаги энг тўғри қарор бўлганини кўп ўтмай тушундим... Айнан ўша кескин эътироz учун ҳам бугун ўша олимга раҳмат айтаман.

Инсонни фош этар овоз

Овоз – нигоҳ, кулги ва ийғи каби одамнинг кимлиги, ички дунёсини фош этади. У, таъбир жоиз бўлса, бизнинг юрагимизга ўрнатилган микроскоп. Асаб саси асабга тегади. Кибрнинг товуши кўқрақдан тепада турди, томоқдан чиқаётгандек таассурот уйғотади. Шанғи оҳанг, хунук овоз

юракнинг ғадир-будир чизгиларини юрсатади, ўргимчак тўри чангалидаги фикр ва қалбнинг маҳдудиятидан сўзлайди. Мингирашга мойил бир ма-ромдаги овоз эса соҳибининг қанчалар зерикарли эканидан, илмилиқли-гидан дарак беради. Хоҳ диний, хоҳ сиёсий ёки маърифий ташвиқотни касб қилган одам оҳангида таъкид устун туради. Бир танада ақлли-аҳмоқ қоришиб кетади.

Маддоҳ ва лаганбардор кимсалар овози қанчалик чиройли бўлмасин, гапи бетаъсир. Гўё гапирмаяпти, алжираяпти, гўё сувқувурдан шовқин чиқяпти дейсиз. Қон йиғлаб гапирса ҳам, сўзи ёдингизда қолмайди. Чунки улар соҳтакор кимсалар. Шунинг учун ҳам уларнинг овозини асл оҳанглар, хос товушлар, табиий титроқлар тарқ этади. Шахсияти илмилиқ одамнинг овозида ўзгачалик бўлмайди. Ҳатто унинг овози-да “ҳаммалашган” бўлади.

“Яраси очик” ижодкор

Римма Аҳмедова билан Ҳожиакбар Нурматов кўнглига чўккан, ўзини тинглай олган нодир шахсиятлар эди. Ўзига нима керагу нима керак эмаслигини аниқ биларди. Ҳар ишни ўзига эп кўрмас, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини муносиб тутарди. Ҳалқчиллик ва аслзодалик ўртасидаги олтин ҳалқага ўхшарди улар. Шеъриятда Рауф Парфи “яраси очик” ижодкор бўлган эса, актёрлар орасида Римма опа ва Ҳожиакбар aka шундай эди...

Сўзсиз фарёд, сассиз қувонч

Туркияning собиқ бош вазири Аднан Мендерес ҳақида гап кетса, пол-як кинорежиссёри Кшиштоф Кесльёвский ёдимга тушади. Ёки аксинча – санъаткорни ўйласам, вазир жанобларининг нимтабассумли қиёфа-си хаёлимда гавдаланади. Булар ўртасида қандай умумийлик бор, деб сўрарсиз. Дор остидаги Мендерес билан Венеция кинофестивалида бош совринни қабул қилаётган пан Кесльёвскийнинг руҳий ҳолати, кайфияти уйқаш туюлади менга. Мендерес афанди ўз қатlinи қанчалар хотиржам, нурли маъюслик или қаршиласа, Кесльёвский ҳам ғалабасини худди шундай қабул қилади. Гўё рўй берәётган воқеаларнинг унга ҳеч алоқаси йўқ. “Дунёнинг тагига етганлар” деб шодлигу қайғуни бирдек қарши оладиган, донишмандлик босқичига кўтарилганларга айтилса керак.

Рӯҳ бу даражада юксалиши учун қандай чириқлардан, сўқмоқлардан ўтмоғи керак? “Агарда имкон бўлса, нариги дунёга Нозим кўзидаги мунгни олиб кетардим”, деган экан Миртемир домла. Мен эса юрагимда нақш бўлиб чизилган шу икки ҳазрати инсоннинг муваффақият ва ҳалокат қаршисидаги кечинмалари моҳиятига етишни, юрак тубидаги жавоҳирларни англашни шу қадар истайманки!..

Нафақат бахт, баҳтсизликка ҳам сокинлик ярашади. Гоҳ шодлигиниз билан ўзга юракка озор бериб қўясиз, гоҳ қайғунгиз билан кимнингдир қувончига соя соласиз. Сўзсиз фарёд, сассиз қувончга қандай эришмоқ мумкин? “Олтин шер” ҳайкалчасини ушлаб турган ғолиб билан дор оғочига салом бераётган мағлуб ўртасидаги масофа қанча? Ичингида шунаңги харсангтош бўлсаю ютуқда ҳам, ютқизиқда ҳам сизни қилт эттирмаса, руҳнинг чайқалишига йўл қўймаса... Балки ўзгага маломат, ўзидан мамнунлик, дунёсидан манфаату умидворлик ҳиссисидан буткул фориғ бўлган одам озодликка эришар? Назаримда, айнан шу ҳасбу ҳолда баланд, завқли парвоз бордек...

Хомхаёлга эргашиб

Гоҳида ўйлайман: нега фалончи кўп ўқиган, узоқ йиллардан бери қалам тебратиб келаётган ва катта адабиётга мансублик иддаоси бўлса-да, ҳаминқадар ёзувчи даражасида қолиб кетган? Нега?..

Етти-саккиз йил олдин муҳаббат мавзусида чучмалгина қисса ўқиб қолдим. Қаҳрамонлар сал депсиниб кетай деса, оёқ остидан ўлгур бир тошча ҳам чиқмайди. Назаримда, бу каби ғариб қиссаларнинг муаллифлари ҳаёт қонуниятларидан, муҳаббатнинг зиддиятли моҳияти, инсон тийнатидан кўра ўзининг тор тутумларини устун кўради. Ўз ҳақиқатини инсоният ҳақиқатида кўргиси келади. Бутун бир воқеликни, қаҳрамонлари тақдирини мана шу хомхаёлга бўйсундирмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам бундай асарлар ўз ўқувчисини, ҳасратдошини топиши душвор.

Сўз интиқоми

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида иш бошлаган кезларим Гулчехра Умарова бир мақолани қўлимга тутқаздилар. Бор-йўғи икки ярим бет. Мақоланинг охирига қарайман: “Фалончи Фалончиев, филология фанлари доктори, театршунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Давлат мукофоти совриндори, фалон орден соҳиби...” Таассуфки, шунча ваҳимага арзирли биттаям тирик сўз топилмаса денг! Узр-у, фақат расмий некрологга ярайдиган ўлик нимарсалар. Гулчехра опа ўзига ярашган қув табассум билан деди: “Ака бир умр шунаقا ёзди. Ҳеч ким ундан ортиғини кутмайди. Лекин мақолани чиқартирмай қўймайди”.

Дарҳол тушундим: у муаллиф “сўнгги рицарь” эмас. Ҳа, айттар гапининг тайини йўқ “ёзғувчи”лар исм-шарифини ҳеч ёлғизлатиб қўймас экан. Илми ҳаминқадар бўлиши мумкин, лекин унвонларининг қаторидан хато ўтишини хоҳламас, кейин билсан, бу ҳам бир ҳимоя усули экан. Кимнинг ўзига,

сўзига ишончи қанчалик суст бўлса, тиргакка, суюнчиқа шунча кучли эҳтиёж сезар экан. Ваҳоланки, ғўддайиб турган ўша "савлат" мақоланинг ҳам, эгасининг ҳам ғариблигини янада қабартириб кўрсатади.

Хўш, давлатлар-чи? Улама сифатларга муҳтож мамлакат ҳам ўша ожиз олим аҳволидами? Исроф этилган сўз интиқоми оғир келаркан. Йиғирма беш йил давомида "мустақил юртимиз" деган таърифни нақорат қилганимиз сари, шахс сифатидаги эркимизни анор суви каби сиқиб-сиқиб чиқардик. Энди бу сира хатолардан сабоқ чиқарайлик.

"Покдомон" жодугар

Илон Маск ҳақида бир пост ўқидим. Эътиқод борасида баҳслироқ фикр айтган экан. Ижтимоий тармоқларда одамлар яйраб-яйраб шунақангиз изоҳлар қолдирганки, гўё Маск тушолмайдиган жаннат улар учун нақдек! Одамзод – таскинлар ижодкори. Ҳатто ёвузлик тимсоли бўлмиш ялмогиз кампир ҳам аччиқина тилини икки қарич қилишга важ топармиш: ҳалигача қўлимни ҳеч кимга ушлатмаганман, менинг покдомонлигим олдида сенларнинг шуҳратингу кашфиётларинг бир тийин!..

Ўтда ёнимас, сувда чўкмас

Юрий Живаго Комаровскийдан "Сен қандай қилиб ҳар қандай тузумдан бус-бутун чиқасан? Ҳар қандай ҳокимиятнинг керакли одамига айланасан, бунинг сири нимада?" деб сўрайди. Жавоб бундай: "Чунки мен Худога ишонмайман".

Смоктуновский надомати

1980-йилларнинг бошида бир фильмни суратга олиш ишлари "ватангадолар шаҳарчаси" Горькийда кечади. Атоқли актёр Иннокентий Смоктуновский яқин атрофда диссидент олим Андрей Сахаров яшаётганини эшитиб, уни зиёрат қилмоқчи бўлади. Йўлга отланаётганида ҳушёр дўстлари унга бормасликни маслаҳат беради. Лекин у Горькийга келиб, Сахаровни кўрмай кетолмаслигини айтади. Манзилга яқинлашиб, уй атрофидаги икки нафар махсус хизмат ходими юрганини кўради. Оний қўрқувга енгилган актёр ортга қайтади.

Сўнгги нафасида эса санъаткор аччиқ афсус-надомат қилади: "Ўша шармандали кунни эсласам, ҳануз ўзимдан уяламан. Хўп, Сахаровнига кирсам нима бўларди – мен иштирок этган фильмлар токчада чанг босиб ётиши, ўзим имтиёзлардан мосуво бўлишим мумкин эди... Хўш, нима бўпти?! Лекин ўзимга ҳурматим йўқолмасди-ку!"

Нега моҳиятдан қўрқамиз?!

Улуғ актёр Наби Раҳимов айтган экан: "Мен ўлганимда фалончи одам майитим тепасида гапирмасин. Буни васият деб билинглар!"

Баъзида устоз журналистлару ҳамкасларнинг ёдномаларини ўқиганда ўша васият ёдга тушади. Ҳақиқат шуки, ёлғон мадҳлару дилетантча ҳамдардликлар, носамимий битиклар анъанавий журналистикани адо қиласади. "Бўл тайёр – доим тайёр!" шиори самимиятни ўлдиради. Ҳар қанча титкиласак-да, бисотимиздан соф истиғфорга йўғрилган фикрлар чиқмайди. "У истеъоддининг бор бўй-бастини кўрсата олмади, жавоҳири ўзи билан кетди. Саҳнабоп қиёфаси, аслзодаларга хос виқорига қарамай, саҳнада бир он ҳам нафас олмади. Ҳаётидаги йўқотишлар, шахсий драмалари уни қадрдан театрдан айирди. Кинода ҳам ундан фойдалана олишмади. У ўзбекнинг Нодирабегими ёки Ўзбекойими бўлиши мумкин эди..." каби рост гаплар гўё марҳум обрўйини туширадигандек. Нега моҳиятга мўралашдан чўчиймиз? Нега бунчалар шаклбозмиз?! Саёзлик қачон савлатга айланишга улгурди? Ўзини заррача ҳурмат қилган одам ўтганлар бизнинг ясама ҳамду саномизга муҳтож эмаслигини тушунади. Ҳали ором топмаган руҳни безовта этмайлик. Бас, у ёлғон дунёни – бизни тарк этаётир. Рост гапингиз бўлмаса, тинч қўйинг марҳумни!

Риё шаккокликни түгдирар

XX аср 50-йиллари иккинчи ярмидан 70-йиллар бошигача совет киносида оилали аёл муҳаббати мавзусига кўп мурожаат этилди: "Жамила", "Уч терак қаҳвахонаси", "Анна Каренина", "Ваня тоға", "Сурайё", "Лайлак келди – ёз бўлди", "Инсон қалби ҳақида қисса"... Нега киночилар бу қалтис мавзуга айнан аёл кўксини қалқон қилдилар? Сталин вафотидан сўнг мамлакатда эрк эпкини енгил эсгаңдай бўлди. Эркка ташналиқ одам қонида бор. Ўшанда темир тақиқларга, инсон иродасини букиб турган рутубатга исён ифодаси сифатида аёл ишқи танланди.

Бугун ҳам ёшлар даъво қилаётган "жинсий эркинлик" тушунчасини "буюк келажак" утопияси туғдирмадимикан? Тушунайлик ва тан олайлик: биз айтиб келган ва айтиётган чўпчаклар мурод-мақсадига ета олмай, юонон трагедиясига айланди. Катта риёкорлик катта шаккокликни туғдирди.

Ҳаёт ҳақиқати

Асл адабиётсиз, соф санъатсиз, ҳақиқий тарихсиз ясалган ҳар қандай ғоя ва мафкура қумдан қурилган уй каби омонатдир.



BOBUR NEGA NAVOIYGA ETIROZ QILGAN?

Илк навоийшунос

Заҳириддин Муҳаммад Бобур – Алишер Навоийнинг кичик замондоши, ёшлари ўртасидаги фарқ 42 йил. Демак, улар ўзаро ота-ўғил ёшида бўлган, лекин ҳаётда кўришмоқ насиб этмаган.

Професор Абдуқодир Ҳайитметов илк навоийшунослар сафида Бобурни ҳам сабаб, “Бобурнома” асарида Навоий ва у яшаган ижтимоий-сиёсий, маданий муҳит янгича қарашлар билан ёритиб берилди” деб ёзади (Ҳайитметов А. Илк навоийшунослар. “Нақшбандия” журнали, 2012 йил, 2-сон. 9-бет).

Бу икки сиймо муносабатлари озми-кўпми ўрганилган. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”даги мақоланинг бир фасли айнан шу масалага багишлан-

ган (Сирожиддинов Ш., Аъзам А. Навоий.

Амир Низомиддин Алишер. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент, “Sharq”, 2014. 386 – 388-бетлар). Жумладан, уларнинг шахс сифатидаги ўхшаш жиҳатлари, Бобур лирикасига Навоий таъсирининг айрим қирралари, “Аруз” рисоласининг биринчи қисмida Навоийдан 26, иккинчи қисмida эса 264 байт мисол ўла-роқ олингани, асарда фақат Навоийдангина бир неча ғазал тўлиқ келтирилгани, Бобур “эди” радифли ғазалини Навоийнинг бир воқеабанд ғазалидан таъсирланиб ёзгани баён этилади. Айни чоқда кичик замондошининг Навоийга танқидий муносабати ҳам эслаб ўтилади: “Бобурнома”да бундай юксак баҳолар билан бир қаторда Навоий ижодидининг айрим жиҳатлари: “Мезон ул-авzon”,

Sultonmurod OLIM
Bobur nega Navoiyga e'tiroz qilgan?

“Муншаот” асарлари ва форсий девонига нисбатан салбий баҳолар мавжуд. Бундай мuloҳазаларнинг туғилиши, бир томондан, Бобурнинг қўлига тушган қўллэзмаларнинг хатолар билан кўчирилгани (С. Ҳасанов) ёки Навоий ижоди билан тўлиқ танишиб улгурмаган пайтда айтилгани билан изоҳланади”. Мақола муаллифлари Бобурнинг Навоийга муносабатини белгилашда фақат “Бобурнома” билан чекланиш хатолигини қайд этиб, “Бобурнома”даги фикрларни муаллиф умренинг охирларида битган “Аруз” рисоласи ва Навоий шеъриятининг Бобур “Девон”ига таъсири билан бирга қараш лозим” дейдилар ва исбот тариқасида мазкур мисолни келтирадилар: Бобур “Аруз” рисоласида Навоий томонидан “Дарёи аброр” (Хусрав Дехлавий) қасидасига жавобан ёзилган “Тухфат ул-афкор” қасидасидаги каби матлаъ кам воқе бўлганини қайд этган экан. Хуллас, бу олимларимиз фикрича, “Бобур Навоийнинг ижоди ва сиёсий фаолияти билан яқинроқ танишиб борар экан, унга эътиқоди ҳам юксала борган”.

Бизнингча, бу далиллар Бобурнинг Навоийга танқидий муносабати буткул ўзгарганини тўлиқ исботлай олмайди.

Таникли адабиётшунос Отабек Жўрабоев “Бобур – навоийшунос” (“Жадид” газетаси, 2024 йил, 9 февраль) мақоласида икки улуғ зот муносабатларига оид қатор факт ва маълумотларни келтиради. Мақола муаллифи “Аруз рисоласи”да Навоийдан 215 та парча келтирилиб, биттасидагина унинг муаллифи очиқ айтилмаганини қайд этади, “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи девонидан 88, иккинчи девонидан 38, учинчи

девонидан 26, тўртингчи девонидан 24 шеърий парча келтирилганини аниқлайди. Бу жами 186 тани ташкил этади. “Қолган 37 та шеър (байт ва рубоийлар) эса

“Хазойин ул-маоний” таркибида йўқ асарлардир. Албатта, уларнинг ҳам айнан Алишер Навоийники эканлигига хеч бир шубҳа йўқ” деб ёзади О. Жўрабоев. Келтирилган сонларни қўшсак, 215 эмас, 223 келиб чиқяпти, демак, бу ерда рақамларда озгина адашиш бор. Шунинг учун олимнинг ўзи таъкидлаган мана бу фикрга биз ҳам қўшиламиш: “Бобурнинг “Аруз рисоласи” устида ҳали илмий-қиёсий ва матний тадқиқлар давом этиши лозим”.

Жабҳалар

Бизнингча, Бобурнинг Навоийга муносабатини қуйидаги тўрт йўналишда ўрганиш зарур: Бобур лирикасига Навоийнинг таъсири; “Аруз рисоласи”да Навоий шеъриятага муносабат; “Бобурнома”да Навоий ижодига берилган ижобий баҳо; “Бобурнома”да Навоий ижодига нисбатан танқид.

Кўриб ўтилган тадқиқотларда буларнинг ҳар бирига оид озми-кўпми мuloҳазалар бор. Ҳеч бўлмаганда, улар илмий масала қилиб ўртага қўйилган. Келажакда шу тўрт жабҳа бўйича жиддий ва йирик тадқиқотлар ёзиш керак.



Танқид устига танқид

“Бобурнома”да муаллифнинг Навоийга юксак эҳтироми юқорида кўрсатилган ишларда, айниқса, Отабек Жўрабоев мақоласида баён этилган, аммо бир жиҳат – “Бобурнома”да Навоий ижодига танқидий муносабат очиқ қолган. Хўш, шунча юксак эҳтиромига қарамай, Бобур нега Навоийга баъзан беписандроқ муносабатда бўлади?

Одатда чин муҳлис ихлос қўйган инсонидан айб қидирмайди. Фарбона қарашда ифодаласак, “кумир” деб билган кишисида айб кўрса-да, уни кўрмасликка олади. “Бе-айб – Парвардигор” деб қўяқолади. Навоий Султон Ҳусайнда айб кўрмаган деб ўйлайсизми? Ахир, буюк мутафаккир умрининг ярмидан кўпи, аниқроғи, 31 йили бевосита ёки билвосита айнан шу хукмдор хизматида кечган-ку. Асарларидаги шоҳларга хос қанчадан-қанча иллатлар танқидида зимдан ўзи дохил бўлган саройда кўрган-кечирганинг таъсири йўқми? Бор. Ё Султон Ҳусайн шу даражада танқиддан холи, яъни фаришта зот эдими?..

Нега Бобур Навоийга нисбатан шундай дипломатик йўл тутмади?

Бу саволга жавоб бермоқ учун “Бобурнома”даги Навоий танқид қилинган барча парчаларни кўриб ўтишга тўғри келади. Аён бўладики, Бобур дастлабки навоий-шунослардан бири, шу билан бирга, унинг дастлабки ашаддий танқидчиси ҳамdir.

Навоий “таклидчи”ми?

Бобур “Хамса”, “Лисон ут-тайр” ҳамда “Хазойин ул-маоний”ни тилга олади. Албатта, булар ўзбек адабиётини жаҳон сўз

санъати даражасига олиб чиқкан асарлар. Шундан сўнг бирдан танқид бошланади: “Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларга боқа пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийға тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили қалом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатқим, битибтур, йиғиштирубтур” (*Бобурнома. Тошкент, “Фан”, 1960. 233-бет*).

Ахир, Навоийнинг мактублари ҳам юксак қалам соҳиби тарафидан битилган-ку! Қолаверса, улар улкан тарихий аҳамиятга эга: шу асосда китобхон шоир шахсининг кўп-кўп қирралари, жумладан, ижтимоий фаоллиги, замон кишиларига муносабати, ҳаётий позицияси, давлат ва жамият, дин ва тасаввух масалаларига аралашуви ва ҳоказоларни билиб олади. Хатга хат талаби билан ёндашиб керак, бадиий асар талаби билан эмас. Иккинчидан эса, мактубларини Жомий каби йигиб, тўплам ҳолига келтиришининг нимаси ёмон? Бир муаллифнинг ўз хатларини жамлашини анъана деб билсак, Навоий шуни давом эттирган, холос. Учинчидан, мабодо, бу камчилик бўлганида ҳам, Бобур айтмай кетиши мумкин эди-ку...

Навоий арузни Бобурчалик билмаганими?

“Яна “Мезон ул-авзон” отлиқ аруз битибтур, бисёр мадхулдур. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур. Баъзи буҳурнинг авзонида ҳам янгилибтур, арузға мутаважжих бўлғон кишига маълум бўлғусидур”.

Бу ерда “бисёр мадхулдур” дегани мақтов (мадхул – даҳлдор дегани). “Мезон ул-ав-

зон”да туркий аруз вазнлари тасниф қилинган. Бундай соғ туркий аруз илмий таҳлил этилган асар Навоийгача яратилмаган эди. Унда бирорта форс-тожик тилидаги шеърдан мисол йўқ. Хўш, нега Бобур шундай буюк тадқиқотда хатолар кўрди? Профессор Уммат Тўйчиев Бобур хато деб ҳисоблаган ўринларга тўхталиб, унинг қўлидаги асар хаттоллар хато кўчирган нусха бўлганини айтади. Аммо буни ўша қўллэzmани кўрмай туриб исботлаб бўлмайди. Чунки Бобур қайси қўллэzmани ўқигани маълум эмас. Бинонбарин, “Мезон ул-авzon” Бобурнинг танқиди асосида жиддий ўрганилиши зарур.

Жомий ва Бобур баҳоси нега зид?

“Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда “Фоний” таҳаллус қилибтур. Баъзи абёти ёмон эмастур, vale аксар суст ва фурудтур”. Бобур “Девони Фоний”даги шеърларни нега “бўш ва паст даражада” деб таърифлаган? Ё ҳақиқатан ҳам шундайми? Унда Мавлоно Абдураҳмон Жомийдек улуғдан улуғ зот “Хирадномайи Искандарий” достонида Навоий ҳақида мана бундай демаган бўлар эди:

*Ба туркӣ забон нақшे омад ачаб,
Ки ҷодудамонро бувад мӯҳри лаб.
...Бубахшид бар форс гавҳарон,
Ба назми дарӣ дурри назмоварон,
Ки гар будӣ он ҳам ба лафзи дарӣ,
Намондӣ мачоли сухангустарӣ.
Ба мизони он назми мӯъказнизом,
Низомӣ кӣ будиу Ҳисрав – қадом?*

Мазмуни: туркий тилда шундай бир ажойиб нашъ келдики, жодугару сеҳргарлар ҳам тилларини тийди... Ҳали ҳам у форсий

тилда гавҳар сочиб, форсийда дурларни назмга солувчиларни аяди. Бордию у ҳам форсийда ижод қилганида эди, уларнинг сўз айтишга мажоли қолмас эди. Унинг пухта-пишиқ, ихчам назми олдида Низомий ким бўлар эдию Дехлавий ким? (*Жомий ва Навоий. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашириёти, 1989. 20-бет*).

Нима, Жомий ёлғон ёзганми? Мубалағадан фойдаланганми? Навоийга хушомад қилганми? Йўқ. Бизнингча, униси ҳам, буниси ҳам эмас.

Биноий мудом Навоийни мот қилганми?

“Бобурнома”да Навоий ва Биноий муносабатлари, ўрталарида қаттиқ-курук ҳазил-мутойибалар нисбатан кенроқ баён этилади. Бир мисол келтирамиз: “Алишербекки, қалин нималар ихтироъ қилиб эди ва яхши нималар ихтироъ қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишга бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун “Алишерий” дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечукким, Алишербек кулоқ оғриғида ёғлиқ (рўмол) боғлагон учун хотунлар кўк ёғлиқни қийик боғлагонни “нози Алишерий” от қўйдилар. Бу жумладин, Биноий Ҳиридин азимат қилур вақт эшаги учун полондўзга (тўқимчига) ғайримуқаррар (ўзига хос, бошқача) полоне буюрур, отини “Алишерий” дер, “полони Алишерий” машхур бўлди”.

“Бобурнома”да келтирилган эпизодларда худди юқоридагидек ҳамма вақт Биноий Навоийни мот қилган бўлиб чиқади. Ҳолбуки, бу сира гап талашишларда Навоий жуда кўп ўринларда ютган ҳам.

Бобур бир қўпол ҳазилни битар экан, икки нарсани унутмайди: воқеа баёнидан кейин “ва-л-уҳдату ал-ар-ровий”, яъни “бунинг тўғри ёки хатолиги менга шу ривоятни айтган кишининг гарданида” деб ёзади. Демак, бу ҳазил-мутойибага Бобурнинг ўзи бевосита гувоҳ бўлмаган. Яна китобхон ҳузурида бир оз хижолат чекиб “Маъзур тутунг. Мунча зарофатким, бўлди, Тенгри учун хотирингизга кечурманг” дега кўшиб ҳам қўяди.

Танқид ҳукуқи

Хўш, нега Бобур Навоидек улуғ зотга беписандроқ муносабатда бўлди? Бизнингчча, бунинг уч сабаби бор: 1) Бобур табиатан ўта реалист шахс эди. Борини борича, ҳеч нарсани яширмасдан ёзиш унинг қатъий ақидасига айланган. Ҳатто ўз отаси ва амакилари, бошқа яқинларига баҳо берадётгандан ҳам шу жиҳатни сезиш қийин эмас; 2) Бобур темурий ҳукмдор эди. Ёзаетганида у Тангри таолодан бошқа ҳеч бир зот олдида ўзини бурчдор ёки жавобгар ҳис қилмас, Навоий мақом нуқтаи назаридан шоҳ олдида бир вазир эди. Унинг ҳаёти ва ижодига баҳо берадётганида Бобур айнан шу позициядан туриб ёндашибди; 3) Абусаид мурзо Бобурга ота томондан бобо бўлиб, 1451 йили Самарқанд таҳтига ўтиради. Абулқосим Бобур вафотидан кейин (1457 йил 21 январь) Ҳирот таҳти учун кураш бошланиб кетади ва бу курашда Абусаид мурзо ғолиб бўлади. Навоий Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган мулозим, бундан ташқари Ҳирот таҳти учун курашган Султон Ҳусайннинг яқин дўсти эди. Шунинг учун Абусаид Навоийни Ҳиротдан сургун қилди. Бу ҳақда “Билмон, не жарима била

Султон Абусаид мурзо Ҳиридин ихроj қилди” деб ёзади Бобур.

Дастлабки икки сабабни батафсил шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Аммо учинчи сабабни кенгроқ талқин этишга тўғри келади.

Наҳотки, Бобур ўз бобосининг Навоийни нима сабабдан сургун қилганини билмаса? Ахир, у Абусаид мурзо Навоийнинг икки тоғасини қатл эттирганини очиқ ёзади-ку. Ким икки тоғасини қатл эттирган подшоҳга эл бўла олади? Бобур Навоий тоғаларининг ўлдирилиши сабаб Султон Абусаидга душманга айланганини билган.

Икки тоғанинг қотили

Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг иккинчи мажлисига икки тоғасини ҳам киритган. Биринчи тоғаси Мир Сайд Кобулийнинг “туркчага майли кўпроқ” эканини қайд этиб, бир туюғини келтиради. Биз учун муҳими шуки, уни ким ўлдириганини ҳам айтади: “Султон Абусаид мурзо илгода Сарахс кўрғонида шахид бўлди”. Иккинчи тоғаси Муҳаммад Али Ғарифий янада истеъододлироқ, хушсуҳбат, хушхулқ экани, мусиқий илмидин ҳам хабардорлиги, хати чиройлилигини ёзади. Надоматлар бўлсинким, шундай йигитни ҳам Абусаид ўлдириради: “Султон соҳибқирон хизматидин ғарифлик ихтиёр қилиб, Самарқандда қолғонда оғасининг қотили шаҳодат марта-басиға еткурди”.

Мажлисийни ўлимдан сақлаган мукофот

Ҳасанхожа Нисорийнинг (XVI аср) “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) тазкирасидаги бир боб чигатой султонларига

багишиланган. Ҳолбуки, бу султонларнинг Чигатойхонга (1183 – 1241) бевосита авлодлиги йўқ. Гап шундаки, бизнинг юртимизни Чингизхон иккинчи ўғли Чигатойга берган, Мовароуннаҳрнинг қарлуқ-чиғиллаҳжасида сўзлашадиган ўтрок аҳолиси бора-бора “чигатойлар” деб аталган. Эски ўзбек адабий тили шу лаҳжага асослангани учун “чигатой тили” деб юритилган. Шу тариқа киши исми миллат номига айланниб кетган. Чигатой султонлари деганда эса ўша замонларда темурий ҳукмдорлар тушилган.

Хуллас, тазкирада қизиқ бир воқеа баён этилган: Мавлоно Мажлисий Захириддин Бобурга қасида ёзиб, ҳукмдор мажлисида ўқиб беради. Бобур шоирни 7 минг танга билан сийламоқчи бўлади. Қасида ҳали тугамай туриб, шоҳнинг хаёлига чигатой улуси таҳқирлаб ёзилган, Муҳаммад Солихга нисбат бериладиган бир рубой тушиб, шеърини тугатиши билан Мажлисийдан “Муҳаммад Солих бу рубойни не сабаб билан ёзган?” деб сўрайди. Мажлисий “Бу рубой подшоҳга ёқканга ўхшайди” деб ўйлаб, “У шеърни мен ёзганман, айримлар билмасдан Муҳаммад Солихга нисбат беришади” дейди. Бобур Мирзонинг авзойи бузилади, шоирни қатл эттирмоқчи бўлади. Лекин Худо кўнглига афв солиб “Қасида сийлови учун тайин этилган 7 минг танга унинг хун баҳоси бўлсин, аммо ўзини дарҳол бу ердан даф қилинглар!” деб буйруқ беради (Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Дўстлар ёдномаси. Тошкент, “Халқ мероси”, 1993. 80 – 81-бетлар).

Атоқли адабиётшунос Натан Маллаев Зайниддин Восифийнинг “Бадоев ул-вақо’еъ” асарида келтирилган, Муҳаммад Солих

Шайбонийхоннинг темурийларга ҳужумини мақтаб ёзган мана бу рубойни Бобурнинг ғазабини қўзғаган шеър деб тахмин қиласди:

Мискин чигатойки, кундузи тундур анга,
Аҳволи паришион-у, қаро тундур анга.
Мағрур бўлуб, сигмас эди Ер юзиға,
Сичқон тушуғи эмди минг олтундур анга

(Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. XVII асрларга. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1976. 634-бет).

Бобур она тарафдан Чигатойхоннинг авлоди эди. Шунинг учун чигатой улусига отилган тош унинг юрагига икки карра тегар эди. Узоқ аждодини ва ҳалқини таҳқирлаб ёзган шоирдан шундай ўч олган қайси невара кўнглида ота тарафдан бобоси Абусаид мирзони ёмонлаб, тарихда бадном қилиб кетган шоирга нисбатан кек сақламайди?..

Ҳар қанча кечиримли бўлмасин...

Бобур билар эдик, Навоий унинг бобосини аввал Самарқанддан устози Сайид Ҳасан Ардашерга йўллаган шеърий мактуби – “Маснавий”да, кейин эса “Садди Искандарий”да қаттиқ танқид қилган. Мактубда Ҳиротда аҳвол ниҳоятда оғирлашгани тасвирланади, Самарқанд эли Ҳирот аҳлини талагани, асир қилгани ёзилади – Самарқанд эли бошида эса Бобурнинг бобоси турган эди.

“Садди Искандарий”нинг 29-боби Абусаид ҳақида. Унда душман тараф Абусаид лашкарини етарли маош билан таъминлагани, лашкар шу боис ғаним тарафга ўтиб, мираннинг қатл этилишига ёрдам қилгани, Бобурнинг бобоси шармандаларча ҳалок бўлгани ёзилади. Мана, бобнинг сарлавҳаси: “Султон Абусаид Кўрагон наввара

марқадаҳу ҳикоятиким, ройи уқдакушои била кўп мамлакат олди ва тифи умрфарсойи била кўп элга ошуб солди ва лекин сипоҳи рози эмас эркандин иш вақти борча қўзғолди ва ўзи аъдо (душман) аро маҳлақага (таҳлиқага, хавфли вазиятга) қолди, балки ҳасм (душман) ул сарафрознинг тифи кин била бўйнин чолди" (*Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Тошкент, "Фан", 1993. 198-бет*).

Навоий Абусайд мирзода жаҳонгирлик даъвоси кучлилиги, унга ғайб олами кўп ҳунар берган бўлса ҳам, бир айби борлиги – эли ва лашкарини кўп танқис тутиши, яъни сипоҳига дуруст маош бермаслиги, шу тариқа бисёр ҳазина тўплашга майли борлиги, бундан ўзи хурсанд-у, ҳалқи эса қаттиқ норозилигини очиқ битади.

Султон суюгини хўрламас, деганларидек, ҳар қанча адолатли ва кечиримли бўлмасин, бу танқид Бобурга ёқмагани аниқ.

Жомий нега Ҳиротни тарк этди?

"Хамсат ул-мутаҳайирин"да йўл-йўлакай айтиб ўтилган, лекин жаҳон адабиёти тарихи учун муҳим бир маълумот бор: Абдураҳмон Жомий Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдорлигининг ўрталаридан то Абусайд Мирзо подшоҳлигининг аввалига қадар пойтахт Ҳиротда, кейин шаҳар четидаги Хиёбон деган жойда пири Саъдиддин Кошғарий қабри бошида яшаган. Навоий "Маснавий"-сидаги тасвиirlардан Жомий пойтахтни бекордан-бекорга тарк этмаган бўлса керак деган тахминга борамиз. Чунки Абусайд Мирзо бошчилигидаги Самарқанд лашкарининг Ҳиротдаги талон-торожи, босқинчилиги нақшбандий пирни бу нотинч жой-

ни тарк этишга мажбур қилган бўлса ажаб эмас. Навоий буни очиқламаган бўлса ҳам, ишора билан китобхонга билдириб ўтади.

Лаъл устунми ёки тош қозон?

Навоий замонасида форс-тоҷик тилидаги мана бу байт жуда машҳур бўлган: "Лаъл санг асту деги сангин санг, // Лек андар миён тафовутҳост" (мазмуни: лаъл ҳам, тош қозон ҳам тош, лекин ўртада фарқ бор).

"Хамсат ул-мутаҳайирин"да ёзилишича, бир қуни ҳазрат Жомий ҳузурида бирор шу сатрлардан, лаъл билан тош қозон ўртасидаги ўхшаш ва фарқли тарафлардан сўз очади. Шунда Жомий бир шайхнинг бу ҳақда айтган гапини келтиради: "Тош қозонда ҳар хил лазиз таомлар пиширилади, ундан каттаю кичик ҳамма манфаат кўради. Лаълдан эса ҳалойиққа турли заарлар етади". Юзаки қараганда, бу сухбат бир байт маъноларининг талқинидан бошқа нарса эмас. Шоҳга, замонга, сиёсатга ҳеч ҳам алоқаси йўқдек. Аммо Навоий бу кичик имкониятни ҳам қўлдан чиқармайди – алоқа топади ва буни Абусайд Мирзо сиёсатига боғлади: "Ўша кунлари Султон Абусайд Мирзо Ҳиротда ҳар кишида жавоҳир бўлса – олиб, бўлмаса – тинтуб ўтказиб, элга ҳар хил азоб ва зарар етказаётган ва бу байт ўқилган мажлисада эса тош қозонда ош пишаётган эди". Бу ерда ҳам Абусайд Мирзонинг зулмкорлиги, босқинчилиги ва адолатсизлиги қайд этиб ўтилган.

Қистириб ўтилган танқид

Ёзувчилик қизиқ қасб: ёзадиганингизни биринчи ва иккинчи даражалига ажратиб олишга мажбурсиз. Китобхонга кейингиси-

нинг ҳеч қизиги йўқ-да. Уни айтмаслик керак, вассалом. Хўш, Навоийдек буюқдан буюқ соҳиби қалам шу оддийдан-оддий қоидани билмайдими? Билганда қандоқ! Лекин...

"Хамсат ул-мутаҳайирин"да Жомийнинг авлиёлигига мисол сифатида бир воқеа баён этилади: Ҳожа Дехдор деган кишининг тушига ҳазрат Жомий кириб "Куръон ўқи!" дебди. Орадан етти-саккиз йил ўтиб, Ҳожа Дехдор буни Навоийга айтади. Улуғ шоир "Модомики, пири комилимиз тушингга кириб "Куръон ўқи!" деган бўлсалар, энди Каломуллоҳи ёд ол" дейди унга. Ҳожа Дехдор бу маслаҳатга кириб, кучли қори бўлиб етишади. Бу туш қўрилганидан ўттиз беш йил ўтганидан кейин Жомий жон узаётганида бошида Қуръон ўқиш учун қори топилмайди. Ҳожа Дехдорни Навоий Астрободга юборган эди, у Навоийнинг бу ердалигини билиб етиб келади ва Жомийнинг охирги нафасида бошида Қуръон тилловат этиб туради.

Бор гап шу, Абусайд мирзога даҳл қиласиган ҳеч ери йўқ. Лекин... масала шундаки, Ҳожа Дехдор бу тушни кўрган маҳалда Абусайд Мирзо хизматида эди. Навоий ўша йили "Султон Абусайд Мирзо аввал қатла Шоҳруҳия қўргонин бориб қабаб эрди, ул юрушта Ҳожа Дехдор билан эрди" дея султоннинг босқинчилигини қистириб ўтади.

Навоий нега Машҳадга борди?

"Холоти Паҳлавон Муҳаммад" маноқибидаги Навоий Машҳадга боргани, у ерда бетоб бўлгани, Паҳлавон Муҳаммад хабар топиб, уни даволашга ҳисса қўшгани ҳақида сўзлайди. Аммо баҳонада Ҳиротни тарк

этгани сабаби ҳам айтилади: "Султон Абусайд Мирзо замонидаким, Ҳоросон аҳли Самарқанд аҳлига асир эрдилар ва ҳар навъ зулм ва тааддики (тажовуз), алардин воқеъ бўлса, бу асирлар мутеъ ва фармонпазир. Бу факирни айни ифлосу фалокат ва сарнавишу ранжуриш Машҳад сори тортиб, элтти..." (*Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 15-том. 114-бет*). Маълум бўладики, Навоий Абусайд Мирзо дастидан Ҳиротдан чиқиб кетганда аввал Самарқандга эмас, Машҳадга борган.

Бобур нега Навоийнинг укасига иш бермади?

"Яна Дарвеш Алибек эди. Алишербекнинг түқған иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балҳда яхши бекликлар қилди. Тийра мағз ва бехунарроқ киши эди. Султон Ҳусайн Мирзо аввал Қундуз ва Ҳисор устига келганда тийра мағзлиғидин туттурдилар. Балҳ ҳукуматидин маъзул бўлди. Тарих тўқуз юз ўн олтида мен Қундуз келганда менинг қошимға келиб эди, масҳ (башараси ўзгарган) ва мабҳут (ҳайрон қоларли) эди. Беклик қобилиятидин дур (узоқ) ва ичкилик салоҳиятидин маҳжур (тушкун). Фолибо, Алишербек воситасидин мунча риоят топқандур" (*"Бобурнома", 235-бет*).

Хўш, Султон Ҳусайн Навоий хурматидан унинг укасини ҳоқим қилган экан, Бобур нега унга иш бермади? Бу ҳам майли. Навоийнинг хурматидан муаллиф Дарвеш Алибекнинг шу камчиликларини айтмай кетса ҳам бўлар эди-ку. Боз устига, Ҳусайн Мирзо Навоийнинг хурматидангина унга Балҳ беклигини берганини ҳам писандада қилиб ўтади...

Табрик мактуби

Бобур иккинчи бор Самарқандни олганда Навоийдан табрик мактуби келади. Самарқандда ким ҳукмдор бўлиши Султон Ҳусайн подшоҳлигидаги Хуросон давлати учун ҳаёт-мамот масаласи эди. Хуросон давлатида “муқарраби шоҳий” (шоҳнинг энг яқин кишиси) мартабасига эга, бошқача айтганда, давлатнинг бош мафқурачиси сифатида Навоийнинг Бобурни табриклиши табиий эди. Бобур ҳам унга жавоб мактуби йўллаган. Охирида бир туркий байт ҳам битган: “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тақриқа ва ғавғо бўлди” (“Бобурнома”, 142-бет). Чунки Бобур бунгача Самарқандни тарқ этишга мажбур бўлган. Шу тариқа бу икки ҳат матни ҳам қўлимизда ўйқ, Бобур битган мактубга жавоб ёзилган-ёзилмагани ҳам тарих жумбоги бўлиб қолган.

Шоҳ эшигидаги тиланчи

Навоий Абусайд Мирзо ҳукмронлигидан қаттиқ норози кайфиятда бўлгани ва буни у ҳукмрон бўлган кезларда ҳам яширганини замондошлари асарларидан ҳам билиб оламиз. Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”ида мавзуга дахлдор бир воқеа

тасвири бор. Навоий устози Паҳлавон Мухаммад билан Ҳиротдаги “Боги сафед”-ни кезиб юрган маҳали Юсуф деган кишига дуч келадилар. Паҳлавон Мұхаммаднинг таниши бўлган бу одам айрим вазирлар унинг сувини тортиб олганидан шикоят қила кетади. Подшоҳга арз қилмоқчи бўлса, ясовуллар ичкарига киритмабди. Аҳволи шу қадар ночор бўлибдики, ҳар куни одамлардан бир бурда нон тилаб, жон сақлаб юрган экан. Буни эшитган Навоий унга “Гадое, ки нон аз дари шоҳ ҷуст, // Бибояд зи оби худаш даст шуст” деган байтни айтади (мазмуни: шоҳ эшигидан нон тилаган тиланчи ўз сувига қўлини ювига, қўлтиғига урсин) (Ғиёсiddин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, “Akademnashr”, 2017. 180 – 181-бетлар).

Хондамир бу воқеа айнан Абусайд Мирзо ҳукмронлиги замонида юз берганини алоҳида қайд этиб ўтади. Демак, Навоий бу шеъри билан халқнинг Абусаиддан адолат талаб қилиши мутлақо бефойдалигини у ҳукмронлик қилиб турган замоннинг ўзида очиқдан очиқ айтган. 1501 йили ёзигб тугалланган “Макорим ул-ахлоқ”дан Бобур бехабар бўлмаган, албатта.

Кўринадики, Навоий ва Бобур ўртасидаги муносабатлар унчалик оддий бўлмаган. Бу мақолани тарих жумбогини ойдинлаштириш йўлидаги дастлабки урениш сифатида қабул қилгайсиз, азиз муштари.

Виктор АЛИМАСОВ



O'ZIDAN O'ZGAN – TUSHOVLARNI UZGAN

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қўра, 4,57 миллиард йил аввал Ер курраси вужудга келган, 3,9 миллиард йил аввал эса она заминда ҳаёт пайдо бўлган. Одамзоднинг пайдо бўлиш муддати борасида турли рақамлар келтирилади. Улар нисбий, баҳсли ва мавҳум, аммо бир нарса аниқ – одам ўзини ёввойи табиатдан ажратгандаёқ онгига “мен” тушунчаси илдиз отган.

Илмий фаразларга қўра, одамга ташқи, сирли кучнинг ёки трансцендентнинг; ёввойи табиатда одам тасаввурига сиғмаган, аммо ибтидоий кишини ўйлашга мажбур қилган табиий ҳодисаларнинг; туғилиш ва ўлим, ер ва осмон, онглилик ва онғизлилк каби қарама-қаршиликларнинг таъсирида

“мен” пайдо бўлган. Агар биринчи ва иккичи омилларда ташқи, ёввойи ва сирли куч таъсири (ёввойи табиатдан тўлиқ ажралмаган, инстинктив “мен”) етакчилик қилса, учинчисида онг, зиддиятларга бой борлиқни англашга интилиш (ёввойи табиатдан ўзини ажратган, онгли “мен”) пойдор саналади. Бу жуда мураккаб, “мен” билан бирга “меники”, “ўзим” ва “ўзимники”, “сен” ва “сеники”, “у” ва “уники”, “улар” ва “уларники” каби зиддийларга бой тафаккур босқичи эди.

Олмон мутафаккири Гётенинг қаҳрамони Фауст “Ҳаётим не, менинг ўзим кимман?” деган саволни кун тартибида қўйган эди. “Менинг учун олам жумбоқдир, / Тафаккурдан жуда йироқдир”, деб хитоб

қилади Фауст ожизлигини бўйнига олиб. Шунга қарамай, у одамзодга тааллуқли эканини исботламоқ учун ўзини Мефистофель ҳукми остидаги долғали ҳаётга топширади:

*Ол бағрингга, замон тўғони,
Саргузаштлар қучогига от.
Шавқу дардга тўла дунёни,
Шодликни ҳам, гаму жафони,
Висолни ҳам, ҳижрон балони
Берсин менга борича ҳаёт.
Элтса фақат шиддат карвони,
Ўзлигини топур одамзод.*

(Гёте И. В. Фауст. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 54-бет. Эркин Воҳидов таржимаси).

Шиддат карвони бетўхтов ҳаракатда. Хўш, одамзод ўзлигини, “мен”ини топдими, топурми?..

“Мен”га оид анимистик-тотемистик, теомифологик, трансцендентал-теологик, биоматериалистик, субъектив-идеалистик, социоантропологик каби фалсафий-антропологик ёндашувлар мавжуд. Бу сирада гносеологик, социологик, этнометодологик каби талқинларни ҳам санаш мумкин, бироқ тадқиқот объектининг ички тизимини ҳаддан зиёд майдалаштириш англаш методини чалкаштиради (қаранг: Декарт Р. Сочинения в 2 томах. Том 1. Москва, “Мыслъ”, 1989. Стр. 250 – 256).

Анимистик-тотемистик йўналиш Эдуард Тайлор, Эмиль Дюркхейм, Сергей Токарев, Сергей Толстов каби олимлар илмий изланишларида батафсил таърифланган. Жумладан, инглиз антропологи Э. Тайлор дунё халқлари ҳаёти ва тафаккурида анимизминг ўрни бўйича фундаментал тадқиқот ўтказган. Унинг фикрича, анимизм ибтидо-

ий одамларнинг ён-атрофидаги нарсаларда жон, рух мавжуд, улар яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаради, деган қарашини ифода этади (қаранг: Тайлор Э. Б. Первобытная культура. Москва, “Политиздат”, 1989). Мазкур қараш деярли барча динларда тажассум топган. Ҳинд файласуфи Нагаржuna (II – III асрлар) эса анимистик тасаввурни ўз турмуш тарзи ва ғоявий-назарий таълимотига айлантирган. У ва унинг издошлари ён-атрофимиз кўзга кўринмас жониворларга тўла деб ҳисобланган, уларни ютиб-ўлдириб кўймаслик учун оғзи-бурнига дока тутиб, босиб ўлдирмаслик учун эса йўлларини супириб юрганлар. Белга боғланган супурги нагаржуначиларнинг ўзига хос белгиси бўлган (қаранг: Радхакришнан С. Индийская философия. Том 1. Москва, “Иностранная литература”, 1957. Стр. 254 – 267).

Бошқа космологик қарашларда ҳам табиат, борлиқ билан муросада яшаш, ён-атрофидаги жонзор ва нарсаларга озор етказмаслик керак, шафқатсизлик жавобсиз қолмайди деган ақида учрайди. Шу тариқа икки “мен”, яъни анимистик тасаввурларга эга ибтидоий одам “мен” ва жони, руҳига эга ён-атрофидаги нарсаларнинг “мен”и пайдо бўлган. Ибтидоий киши ҳали ўзини табиий борлиқдан тўлиқ ажратмаган; анимизмда унинг “мен”и табиий борлиқнинг “мен”ига айнандир. Ушбу дуализм тотемизмда ҳам мавжуд, бироқ ундаги иккинчи “мен” тотемга (унинг уруғи) тааллуқли. Ибтидоий киши дуч келган нарсани эмас, ўз тасаввуридаги ҳайвонни тотем деб билган. Хуллас, илк одамларнинг ўзини табиий борлиқдан фарқлаши натижасида “мен” – объект = “мен” – объект антропологик модели

шаклланган. Ушбу модель концептуал ғоя сифатида бутун фалсафий тафаккур тарихида турли кўринишларда яшаб келади.

Онг, тафаккур ва ҳаётий тажрибанинг ошиши билан “мен”га бўлган муносабат, антропологик талқинлар ҳам ўзгарган. Жумладан, субъектив омилнинг аҳамияти ортган. Теомифологик ва трансцендентал-теологик йўналишларда тўпланган тажрибалар, шунингдек, инсоннинг “мен”и ҳамда “сен”, “у”, “улар” ҳақидаги дифференциал-антропологик қарашларнинг рашионал аҳамият касб эта бошлиши субъектив омиллар таъсиридан эди. “Мен” – объект энди “мен” – субъект тарзида ҳам намоён бўла бошлади. Натижада “мен” – объект = “мен” – объект модели ўртасида “мен” – субъект ҳам пайдо бўлади.

Янги моделга хос муносабатлар, зиддијатлар, тўқнашувлар фалсафий-антропологик таълимотлар негизида турли йўналиш ва оқимларни шакллантириди. “Мен” (Фауст) ва “у” (Мефистофель) ўртасидаги баҳслар онгни, идрокни объективизм ва субъективизм, материализм ва идеализм, рационализм ва иррационализм, модернизм ва традиционализм, цивилизм ва натурализм кабиларга ажратиб юборди. Мефистофель “Мен билан бирга юр, кезайлик жаҳон” деб Фаустни саёҳатга чорлаган эди. Юқоридағи “изм”лар – Мефистофель чорлаётган “жаҳон кезиш”. У ваъда беради: “Сенга шундай нарса этман ато, / Уни кўрмагандир бу ёруғ дунё”. У руҳлантиради:

*Ўзинганини сенга берилган бу бош,
Ўзинганини елканг, кўлинг, оёғинг.
Ҳукму фармонингда не бўлса ўйлдош,
Демак, бу сенини, лозим билмогинг.*

Ва у огоҳ-лантиради: “Калта ўйламоқдир бандалар иши, / ўзинг ҳам эмассан бошқада нортиқ”.

Инсонга

хос ушбу заифликни “мен” концепциялари муаллифлари тан олади. Теомифологик ва трансцендентал-теологик концепциялар эса “мен”даги заифликни кучга айлантиришга уринади. Теомифологик йўналишда “мен” маъбудсифат, аммо инсоний истаклар билан яшовчи алподам, титанлар образларида талқин қилинади. Қадимги Юнонистон ва Рим мифологиясидаги Хаос, Гея, Эрос, Уран, Крон, Зевс, Тартар каби маъбудлар, Океан, Стикс, Тифон каби улкан ҳайват ва кучга эга титанлар ана шундай тимсоллардир. Уларнинг турмуш тарзи, орзу-истаклари инсоний. Айнан инсоний “мен” уларни ерликларга айлантиради. Масалан, самовий Уран серҳосил Ерга уйланади. Она Ер куч-қувватда тенгсиз олти ўғил ва олти қиз – титанларни дунёга кептиради. Кейин эса таҳт талашув можаролари рўй беради (Кун Н. Легенды и мифы Древней Греции. Ташкент, “Ёш гвардия”, 1986. Стр. 4).

Эътибор қаратилса, афсоналарда маъбудлар ва титанларга инсоний сифатлар нисбат берилади. Уларнинг ҳам ўз “мен”и ва манфаатлари бор. Улар “мен”-субъектлардир. Умуман, барча афсона ва мифлар ана шу антропологик парадигмага қурилган.



Теомифологик ва трансцендентал-теологик йўналишлардаги “мен” ташқи “мен”ларни, уларнинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини эътироф этиб, антропология обьекти доираларини кенгайтирган. “Мен”нинг ташқи “мен” орқали ўзини намоён этиши тарих саҳнасига янги “мен”лар чиққанинг инъикоси эди. Зевс, Эрос, Ҳермес, Аполлон, Ҳерақл, Прометей “мен”лари фақат афсонавий эмас, тарихда уларнинг прототиплари мавжуд.

Антропология учун муҳими шундаки, ташқи “мен”ларнинг обьективлиги ва ўзининг обьектив талабларига эга экани “мен” мавжудлигининг кафолатидир. Бу тезис Рене Декартнинг “Мен фикрлаяпман, демак, мен мавжудман” деган тор, сенситив-антропологик фикрига зиддир. Бироқ у Жан Жак Руссо ва Клод Леви-Стросс антропологиясига яқин. Фалсафада Руссо биринчи бўлиб, “мен”нинг бошқа “мен”лар билан боғлиқлигини ўрганишга даъват этди, яъни инсонни инсоният кенглигига ўрганишга чорлади. Шу боис ҳам Клод Леви-Стросс Руссони “антропологиянинг отаси” деб атайди (Леви-Стросс К. *Первобытное мышление*. Москва, “Республика”, 1994. Стр. 22 – 23).

“Мен”нинг мавжудлиги ташқи “мен”лар туфайли; ташқи “мен”ларга бутун субъектив-объектив борлиқ киради. Бу эса уч погона – “мен” (биофизиологик мавжудот), ташқи “мен” (психосоциологик мавжудот) ва ички “мен”га (интеллектли мавжудот) ажратишга ундаиди. Анимистик-тотемистик йўналишда асосан биофизиологик омиллар устуворлик қилган бўлса, кейин-

ги йўналишларда психосоциологик, охирги йўналишда эса интеллект билан боғлиқ омиллар устуворлик қиласди. Бироқ анимистик-тотемистик йўналишга тааллукли илк антропологик модель ҳеч бир йўналиш, ҳеч бир поғонада мутлақ йўқ бўлиб кетмайди. Улар трансформацияга учраши мумкин, лекин ўз таъсирини сақлаб қолади, чунки инсоннинг табиат билан уйғулиги аксиомадир.

Трансцендентал-теологик йўналишда инсон ўзини чулғаб олган ҳаётий муаммоларга ечимни трансцендентал “мен”дан қидиради. Худо, сажда обьекти, қадамжолар ва бошқа тимсоллар “мен”ни ўзидан юқори, тажриба билан англаб бўлмайдиган “мен” борлигига ишонтиради. У борлиқни яратган, нажоткор ва мутлақ “мен” деб таърифланади. “Мен” трансцендентни имманент, яъни тажрибага мувофиқликнинг акси ўлароқ идрок этади. Бугун онг, билим, ҳатто илм соҳаси ҳам диний тажрибага таянади. Диний тажриба жамият ҳаётидан ташқарида шаклланмайди, у ретроспектив (тарихга қаратилган) ва перспектив (келажакка қаратилган) англаш билан узвий боғлиқдир. Фалсафа ва педагогика фанлари доктори, профессор М. Ҳожиева бундай ёзади: “Жамият тараққиётини теомифологик талқин қилиш кишиларни эзгу амаллар билан, келажакка ишониб яшашга даъват этиши билан ибратлидир. Диннинг аввало ахлоқий ҳодиса экани, кишилар қалбida келажакка умид уйғотиши дидактик хусусиятга эга. Ҳатто у маълум бир дормага асосланса, ушбу дормаси орқали кишиларда келажакка муносабатлар уйғотса-да,

жамият ва “мен” тараққиёти доимо унинг диққат марказида турган (Ҳожиева М. *Жамият ва инсон фалсафаси. Ўқув қўлланма. Тошкент*, “Маънавият”, 2021. 9-бет).

Теомифологик ва трансцендентал-теологик концепцияларда “мен” феномени ғайритабииликка сингдириб юборилса-да, улар тараққиётининг сўнгги босқичида пайғамбарлар, авлиёлар ва ирфоний комил шахслар орқали ижтимоий реал воқелик касб этади. Ушбу икки концепция илм-фан, ижтимоий фикр, ментал олам, айниқса, фалсафага чуқур таъсир этган. Ҳатто рус файласуфи Николай Бердяев маданият ва унга тааллукли барча тушунчалар, жумладан, билим, таълим, фалсафа ҳам “культ”, яъни сигиниш сўзидан келиб чиқкан дейди (Бердяев Н. *Философия свободы. Смысл творчества*. Москва, “Правда”, 1989. Стр. 256 – 259). “Мен”нинг азалий фалсафий мавзуга айланиши ҳам Н. Бердяев таъкидлаган “культ” таъсири туфайлидир. Агар француз олими Блез Паскаль инсонни, “мен”ни таажжубли мавжудот, “аллақандай янгилик, аллақандай маҳлук, аллақандай хаос” деб ҳайратга тушса, Н. Бердяев инсон “мен”и мавжуд дунёдан сирли, у ҳануз охиригача маълум эмас деб ҳисоблайди (қаранг: Бердяев Н. *Самопознание (Опыт философской автобиографии)*. Москва, 2018. Стр. 14). Паскаль концепцияси антропологик-космологик, Бердяевники эса антропологик-экзистенционал хусусиятга эга. Янги давр фалсафаси асосчилари Фрэнсис Бэкон концепцияси сциентик, Рене Декарт концепцияси эса рационалистикдир. Бундай илмий баҳслар кейинги

даврларда яшаган Ҳегель, Клод Ҳелвэций, Людвиг Фейербах, Артур Шопенгауэр, Карл Маркс, Фридрих Нитше, Людвиг Витгенштейн, Мартин Ҳайдеггер, Хосе Орtega-и Гассет, Берtran Рассел, Мишель Фуко, Борис Анаьев, Алексей Леонтьев каби олимлар изланишларига ҳам хос (қаранг: Марков Б. *Философская антропология. Очерки истории и теории*. Санкт-Петербург, “Лань”, 1997). Уларнинг қарашлари хилма-хил, баҳсли, гоҳо бир-бирига зид. Аммо улар инсон барча гносеологик муаммолар марказида турувчи, ақл-идрокка эга, ижтимоий борлиқни яратишга қодир мавжудот эканини тан олишда яқдилдирулар.

“Мен” – севишга ва нафратланишга қодир, трансцендентни, комилликни топиш ниятида ўзидан ўзмоққа шай шахсадир. Мифистофель бунга шубҳа билдиради, унинг наздида, “мен” – ёлғонларга ишонувчан, тез эгилувчан мавжудот. Фаустга ҳам иккиланиш, инсоний ожизлик хос. Охирида унга Илоҳ, Пок рух ёрдамга келади. Шу тариқа Гёте “трансцендент-мен”ни нажоткор образ дея талқин қилган. Бу, назаримизда, Фауст “мен”нинг ўз тақдирини ўзи яратувчи кучга, образга айланишини савол остига қўяди.

Биоматериалистик йўналиш “мен”нинг табиий-биологик жиҳатларига эътибор қаратади. У табиий-биологик мавжудотнинг, яъни одамнинг ифодасидир. Дарвин ва дарвинизм, баъзи тадқиқотчилар ёзганидек, одамдаги “мен”ни рад этган эмас. Аммо бу таълимот “мен”даги биофизиологик жиҳатларни ўрганиш билан чекланган. Витал борлик у учун бирламчи, ментал

борлиқнинг субстанцияси биологик омилларда. Мазкур концепция билан баҳсланишиш пировард натижада унинг етакчилигини эътироф этишга олиб келади. Чунки социоантропогенез хулосасига кўра, одамдаги ижтимоийлик, маданийлик унинг борлиғида атиги 3 – 5 фоизни ташкил этади, қолган 95 – 97 фоиз эса биофизиологик омиллар амридадир. Файласуф-антропологлар, инсоншунослар, ахлоқшунослар одамдаги ана шу 3 – 5 фоиз улушга дахлдор муаммолар билан банд.

Антрапологлар инсон ва инсонийлик масалаларини ўрганишни Суқрот-Платон фалсафасидан бошлайди. Суқрот диалоглари, антропологик моҳиятига кўра, “мен” ва унинг оламни билиш салоҳияти ҳақидаги концептуал фикрлардир. Мутафаккир билим, тарбия, баҳт, довюраклик, ватанпарварлик, адолат, гўзаллик, эзгулик, хуллас, нима ҳақида фикр юритмасин, нафақат билиш жараёнининг, шу билан бирга, ўзликни англаш ва “мен” шаклланишининг ҳам мураккаблигини уқтиради. Бунга унинг Менексен билан диалогини мисол қилиб келтириш мумкин (*Платон. Собрание сочинений в четырех томах. Том 1. Москва, “Мысли”, 1990. Стр. 145 – 157*). “Хеч нимани билмаслигимни билдим” деган машҳур иқрор эса шахс ва билим шаклланишининг мураккаблигини тасдиқлади.

Субъектив-идеалистик йўналиш тўғрисида гап кетганида, аввало, инглиз файласуфи Жорж Беркли тилга олинади. Файласуфнинг “жанговар идеализми” черковни ҳимоя қилишга қаратилган. У объектив борлиқ “руҳ”, “қалб”, “ғоя” деган субъектив тушунчалар ва уларнинг комбинацияларидир

деган фикри билан “мен”нинг билиш имкониятларини кенгайтиргандек бўлди. Бироқ файласуф мавзуни фалсафий-антропологик таҳлил қилишдан йироқ эди. “Мен” ҳақидаги барча концепцияларда инсон ва инсонийлик, инсоннинг жамиятга муносабати, билиш қобилияти, бошқа “мен”ларнинг ҳаётий тажрибаларни ўзлаштириши каби кўпинча субъектив хусусиятга эга ёндашувлар кўзга ташланади. Инсон ўз инсонийлигини, ижтимоий муносабатлар субъекти эканини нафақат объектив фаолиятида, субъектив қараш ва фикрларида ҳам ифода этади. Фалсафа ва антропология ҳам инсон субъектив-гносеологик изланишларининг маҳсулидир. Декартнинг боя эслаганимиз “Мен фикрлаяпман, демак, мен мавжудман” деган субъектив фикри фалсафий антропологиянинг ўзаги ҳисобланади.

Субъектив-идеалистик ёндашувсиз сциентик фалсафий қарашлар, таълимотлар йўқ. Минг афсуски, биз сўз юритаётган концепциянинг субъектив-идеалистик йўналиш билан боғлиқ жиҳатлари ҳали антропологлар диққатини тортмаган. Келгуси илмий изланишлар айни шу йўналишга қаратилиши лозим.

Социоантропологик йўналиш “мен”нинг бошқа “мен”лар, “сен”, “у”, “улар” билан уйғунлигини ифодалайди. Улар “мен”га нисбатан ташки “мен”лардир. Ушбу “мен”лар комбинациялари ижтимоий муносабатларни ташкил этади ва уларга динамизм, йўналиш беради. “Мен”лар ўртасидаги алоқалар қанча кенг ва ранг-баранг бўлса, ижтимоий муносабатлар шунча ранг-баранг, демократик ва очиқ бўлади. Ранг-баранглик ва очиқликка мойил бўлмаган, тор

манфаатларга асосланган муносабатлар турғунликка, “мен”ни маънавий, ғоявий ва ахлоқий деградацияга етаклайди. Демак, “мен”лар ўртасидаги муносабатларнинг ранг-баранг ва очиқлиги демократик тараққиёт учун муҳимдир.

Ижтимоий муносабатлар “мен”дан экстравертликни талаб қиласди. Экстраверт, Карл Юнг таъбири билан айтганда, жамият, социум тараққиёти учун интраверттивлигидан кечадиган, фидойи шахсdir (қаранг: Юнг К. *Психологические типы. Москва, “ACT”, 1997. Стр. 406 – 408*). Аммо “мен”даги интравертликни эгоизм билан айнанлаштирумаслик керак. Интраверт бўлмаган “мен” йўқ, бироқ барча “мен”лар ҳам худбин бўлавермайди. Эгоизм интравертликнинг радикал кўриниши, у шахсиятпастлик, тор манфаатларга эргашувни англатади. Нигилизмда ҳам радикал эгоизм мавжуд. Нитше нигилизми ана шундай мутаассибона худбинликка мисолдир.

Интраверт “мен” поэтик ижодда бекиёс тасвиirlар ва образлар яратади. Истеъдодли шоир ўз “мен”ига оид кечинмаларни ўкувчи “мен”ига айлантира олади. Масалан, ҳалқ шоири Муҳаммад Юсуф “Мен биттадурман” шеърида бундай ёзади:

Санам, сочинедан ҳам шайдоларинг кўп,
Ҳуснинг ошиқлари – адоларинг кўп.
Ниманг кўп, кўйинеда гадоларинг кўп,
Аммо мен биттаман, мен биттадурман.


“Мен” аслида ягоналика, бетакрорликка ишора. Бетакрорлик – чин шоирга хос фазилат. Инсон, шахс, фуқаро ҳам шундай бўлмоғи даркор. У инсонлиги, қадри юксак шахслиги, маънавий кучи ва интеллектуал салоҳияти билан беназирдир.

Инсонни улуғлаш – унинг “мен”ини улуғлаш, шахсга ишонч – унинг “мен”ига ишонч, асли. Шунинг учун “мен”нинг ижтимоий макондаги ўрни либерал-демократик қадриятлар билан белгиланади. Моҳиятнан “мен”ларнинг ранг-баранглиги тараффорди бўлган бу қадриятлар инсонга ҳар доим ҳам, айниқса, улар ижтимоий фикрни шакллантирувчи бадният ва калтафаҳм арбоблар измида бўлса, ижобий таъсир этавермайди. Кант, Хегель, Монтескьё, Руссо каби файласуфлар илгари сурган мумтоз либерал-демократик қадриятларни асрар қолиш учун ижтимоий тараққиёт, эрк ва ҳаёт тараффорлари бўлган “мен”лар итифоқи зарур.

“Мен” концепцияларига хос фалсафий-антропологик ғояни ўзида жамлаган Фауст умрига якун ясаётib бундай дейди:

Узоқ ҳаёт ўйлун ўтдиму босиб,
Олам ҳикматини айладим якун.
Ким эрк, ҳаёт деб жанг қилолса ҳар кун –
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.

Бугун инсоният ва ижтимоий тараққиёт ҳам эрк учун, ҳаёт учун курашиб яшовчи “мен”ларга ўта муҳтоҷ.




SO'ZDAN YARALGAN MO'JIZALAR

*Adabiyotshunos va tarjimon
Rustam JABBOR mutolaa qiladi*

СИРЛАР ТАРЖИМОНИ

Сўз ким учундир шунчаки мулокот воситаси, ким учундир ўткир курол ёки оддий товушлар йигиндиси бўлса, илоҳий истеъдод эгалари учун бемисл мўъжизалар манбаидир. Ҳофиз Шерозий ана шундай улуғ ижодкорлар сирасига киради. Асрлар ўтса-да, унинг дилбар ва беназир ашъори назм шайдоларини ҳайрат уммонига ғарқ этиб келаётир.

Хожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий милодий 1326 йили Эроннинг қадимий илму ирфон масканларидан саналган Шероз шаҳрида туғилган. Отаси Баҳоуддин асли исфаҳонлик бўлиб, баззозлик билан шуғулланар, оила ўртамиёна кун кечирап эди. Отанинг бевақт вафоти сабаб оила танг ахволга тушиб қолади. Икки ака иш қидириб ёт ўлкаларга кетади, кичкина Муҳаммад эса новвойга шогирд тушади. У арзимас маошининг бир қисмини тириклика, қолганини илм таҳсилни ва хайр-эҳсонга сарфларди. Ёшлигидан ўткир зеҳни, фасоҳати, юксак шеърий қобилияти билан ажralиб турган Муҳаммад диний ва дунёвий илмларни чуқур ўрганган, Куръони каримни ёд олган. Ширавли овозда Каломуллоҳни тиловат қилиши, диний китоблар, қисса ва марсиялар, ғазалларни ўқиши барчага манзур бўлганидан, у қиссаҳонлик қилиб рўзгор тебратган.



“Ҳофиз” сўзи арабча “ҳафаза” – асрамоқ калимасидан ясалган. Икки тоифа кишилар шу ном билан иззатланадилар: Қуръони каримни ёд олган қорилар ва ширали овозга, юксак истеъдодга эга бўлган хонандалар. Бизда сўзнинг иккинчи маъноси кенгроқ кўлланади.

Ҳофиз Шерозий ҳар икки маънода бу номга муносиб эди. У Қуръонни ўн тўрт усулда қироат қила олар, қасидаҳонлигу қиссаҳонлиқда ҳам унга тенг келадигани то-пилмас эди. Шу боис у ўзига Ҳофиз тахаллусини олган. Ёшлигидан хаттотлик илмини ҳам эгаллаган.

Ҳофиз – инсон қалбида жўш урган, аммо сўз билан ифода этиш мушкул бўлган туйгуларга ном бера олган, уларни ифода эта билган шоир, чин маънода илоҳий ишк куйчиси. Унинг мажоз воситасида битилган шеърларида “авом ишқи”га хос юзакилик учрамайди. Ҳофиз ғазалларида риндлик, бодапастлик, кўр-кўрона тақвою тоатни тарқ этиш, ҳақиқатни огоҳ ва ўткир қалб кўзи илиа кўриш ва унга интилиш ғоялари илгари сурилади. Мутаассиб руҳонийлар ўз даврида уни даҳрийлиқда айблаб, таъқиб этган бўлсалар-да, маърифатпарвар мутафаккирлар, ориф алломалар шоирнинг бирор мисрасида шаккоклик белгиси йўқлиги, аксинча, у Қуръон ва ҳадислардан зинҳор четга чиқмаганига шоҳидлик беришган. Шу боис ўз даврининг етук фозилларидан бўлган Мир Қосим унинг куплиётини “форс тилидаги Қуръон” деб атаган экан. Шоирнинг ўзи ҳам бир ғазалида “Ҳар чи кардам, ҳама аз давлати Қуръон кардам”, яъни “Нимаики қилган бўлсан, ҳаммасини Қуръоннинг шарофати, амри ва давлати туфайли амалга оширдим”, дейди.

Алишер Навоий бобомизнинг ҳам шоир ижодига эҳтироми юксак бўлган. Форсий тилда битган ғазалларида Ҳофизга хос фасоҳат ва балоғат жилва қилиб туради. “Насойим ул-муҳаббат” асарида унга “лисон ул-гайб ва таржумон ул-асрор”, яъни ғайб тили ва сирлар таржимони, дея таъриф берган. “Насойим ул-муҳаббат”да ёзилишича Ҳофиз Шерозий бирор пирнинг сабоғини олмай, кўлидан тутмай туриб, шундай комилликка етишганки, бундай даража ҳали бирор инсонга насиб этган эмас.

Бироқ давр ижтимоий муҳити, мўғуллар истилосидан сўнг парокандаликка юз тутган мамлакатдаги аҳвол шоир ижодига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳофиз гарчи кўплаб ҳукмдорлар эътиборини тортган, улар илтифотига сазовор бўлган эса-да, асосан фақирлик ва муҳтоҷлиқида кун кечиради. Калтабин уламолар, истеъдодсиз шоирларнинг таъқибига учраб, улардан кўп азият чекади. Сарой шоирлариdek бой, тўқ ва фаровон кун кечириши ҳам мумкин эди, аммо у қалб хазинаси, ишқ дақинасини ҳар қандай бойлиқдан устун билди:

Чу Ҳофиз ганжи ў дар сийна дорам,
Агар чй муддайи бинад, ҳақирам.

Маъноси: гарчи муддай – даъвогарлар кўзига ҳақир, камбағал ва мискин кўринсан-да, худди Ҳофиз сингари Яратганинг хазинасини қалбимда жо этганман.

Ҳофиз бутун умр она шахри Шерозда яшади. Шеърлари ҳаётлик чоғида-ёқ Эрону Туронни забт этган бўлса-да, ўзи Исфаҳон ва Яздан бошқа бирор шаҳарга саёҳат қилмади; ватан соғинчи ва ҳажрига мубтало бўлмаслик учун у ҳар қандай сафардан воз кечди.



Намедиханд ижозат маро ба сайру сафар,
Насими боди мусаллоев оби Рукнобод.

Маъноси: Мусалло боғининг шаббодасию Рукнобод аригининг суви сайру сафар қилишимга ижозат бермайди.

Хофиз ижодига наинки Шарқ, балки гарбликлар ҳам катта қизиқиш билан қараган; шеърлари Оврупо тилларига таржима қилинган. Мағрибликлар Ҳофизни ўзларининг Ҳейне, Шиллер, Данте, Вольтер сингари буюклари билан ёнма-ён кўйганилар. Байрон, Гёте, Пушкин каби улувлар Ҳофиздан илҳомланиб гўзал шеърлар битган.

Ҳофиз туркӣ халқларнинг ҳам севимли шоиридир. Ўтмишда бирор ўзбек шоири йўқи, шоир шеъриятининг жонбахш булогидан қониб, баҳраланмаган бўлсин. Унинг хўб машҳур байтини ҳар бир ўзбек китобхони таржимасиз ҳам тушунади-ю, лекин кўшмисра шоир Ҳуршид таржимасида латиф жаранг сочади:

Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Айтишларича, байтдан хабардор бўлган Соҳибқирон Темур Шерозни фатҳ этган чоқда муаллифни хузурига чорлаб, “Эй шоир, мен шу икки шаҳарни обод қилиш, унинг довругини оламга таратиш учун ярим дунёни эгаллашга жаҳд қилган бўлсам-у, сен уни қандайдир холга бахш этсанг – бу қанақаси бўлди?” деб сўрайди. Шоир бундай жавоб қайтаради: “Оlampanoҳ! Саховатиму кўли очиқлигим туфайли бўйла мискин аҳволга тушиб ўтирибман”. У шундай деб фақирона кийимига ишора қиласди. Жавоб Соҳибқиронга манзур бўлиб, шоирни қимматбаҳо инъомлар ила сийлаган экан.

Шоир ўз ғазалларида бизнинг шаҳарларимизни гўзаллик, малоҳат ва фасоҳат тимсоли сифатида тилга олади:

Ба шеъри Ҳофизи Шероз мераксанду менозанд,
Сияҳчашмони кашмириву туркони самарқандий.

Мазмуни: Шероз Ҳофизи шеър айтса, самарқандлик сулувлару кашмирлик қоракўзлар ноз бирла хиром айлар.

Байтдаги “турк” сўзи икки маънони англатади: туркий миллат ва гўзал, сувлув, шўх. Ҳофиз Шерозий ҳазратлари шу тарика ўзига хос, ҳофизона нозиктаъблик, шарқона сўз ўйини – ийҳом санъати билан ўзбек қизларини таърифлаб кетганлар.

Қадимда Ҳофиз ғазаллари юртимиз мадрасаларида ўқитилган. Хаттотларимиз унинг дилбар шеърларини қайта-қайта кўчириб, китобат қилиб, назм шайдоларига тарқатган. Шеърхонлик кечаларида албатта Ҳофиз ғазалларидан намуналар ўқилган, хонандалар унинг кўшиклирини куйлаганлар.

Ё Раб, ин шамъи дилафрўз зи кошонаи кист?
Жони мо сўхт, бипурсед: ки жононаи кист?

Мазкур матла билан бошланувчи ғазални ўзбекона оҳангларда ўзбек ҳофизи Шерали Жўраев ижросида тинглаб гўзал ҳисларга ошно бўлганмиз:

Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?
Ўртади жонни, сўранг: кимнинг эрур жононаси?

Шу кўшикли ҳар гал тинглаганимда икки ҳофизнинг нақадар бетакрор иқтидор соҳиби эканига ич-ичимдан икror бўламан...

Ҳофиз бир ғазалининг мақтаида бундай деган:

Манам он шоири соҳир, ки ба афсун сухан,
Аз нау килк ҳама қанду шакар меборам.

Мазмуни: мен шундай сеҳргар шоирманки, сўз ила афсун ўқиб қаламнинг қамиши орасидан қанду шакар тўка оламан.

Рост, Ҳофиз қаламидан тўкилган бу “қанду шакар” асрлар ўтса-да, лазиз таъмини йўқотмайди.

НАВОЙНИ ЙИГЛАТГАН ДОСТОН

Лайли ва Мажнун. Мана, неча юз йилларки бу икки ном пок севги ва садоқат рамзи бўлиб келаётир. Уларнинг ишқи қанчадан-қанча қисса афсоналарда куйланмади! Не-не шоирлар уларнинг қайгу-аламга тўла ҳаётини достон этмади дейсиз!

Лайли ва Мажнун чиндан ҳам ҳаётда яшаб ўтганми, деган савол адабиётшунос олимларни кўпдан ўйлантириб келади. Баъзи маълумотларга кўра Қайс тарихий шахс бўлиб, унинг тўлиқ исми Қайс ибн Муоз ёки Қайс ибн Мулавваҳ бўлган ва Мажнун тахаллуси билан шеърлар битган.

Дарҳақиқат, араб мумтоз шеъриятида исломиятдан аввал ушбу тахаллус билан бир қанча шоир ижод қилгани маълум. Лекин уларнинг қай бири ишқи достон бўлган Мажнун эканини аниқлаш мушкул. XI асрда яшаган тарихчи ва сайёҳ Носир Хисравнинг машҳур “Сафарнома”сида ёзилишича, араб ўлкаларидан бирида, Тоиф яқинида маҳаллий кишилардан бири унга Лайли яшаган кўргоннинг харобаларини кўрсатган.


Шарқ адабиётида Лайли ва Мажнун мавзусининг пайдо бўлиши билан боғлиқ хилма-хил фикрлар, тахминлар мавжуд. Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий сингари форс адабиётининг етук салафлари бу мавзуда бир-биридан рангин ва гўзал достонлар яратгандар. Ана шу уч буюк сиймони ўзига устоз билган, ўз таъбирича, “асҳоби Каҳф” итидек уч биродарга эргашган ҳазрат Мир Алишер Навоий илк бора бу қиссани туркӣ тилда қайтадан дунёга келтиради, кўхна қиссани навоиёна рух ва фасоҳат ила янгилайди.

Навоий талқинича, икки ёш қалбида ишқ ғунчлари айнан баҳор фаслида пайдо бўлади. Мажнун ишқининг маромига етиб “пишиши”, у ҳижрон оташида ёнган палла эса саратоннинг жазирамасига уйғун келади. Икки ишқ асирининг умри ҳазонга юз тутиши кеч кузнинг маҳзун ва дилгир манзараларига уйқашиб кетади.

Асарни ўқир эканман, кўз ўнгимда икки хил қиёфадаги Мажнун гавдаланади. Биринчиси – оқил, ҳар жиҳатдан комилликка эришган, қобил фарзанд; у ота-она ризоси учун ҳар ишга тайёр. Иккимчиси – бутун жисму жони Лайлига айланган, вужуди жунун савдоси-ла тўлиб-тошган савдои...

Икки ёшнинг муҳаббати шу қадар кучлики, улар ота-оналарининг амридан бўйин товлаб, висолга етишмоғи (худди бугунги кундаги аксар романтик фильмлар қаҳрамонлари сингари) ҳам мумкин эди. Йўқ, уларнинг ҳар иккиси ота-она олдидағи масъулиятни унутмайди. Ҳар иккиси ота-она майли, орзу-ҳавасини деб умрини ўзгалар билан пайвандлашга рози бўлади. Аммо тақдирнинг ўйинини кўрингки, ҳар иккиси ҳам муайян сабабларга кўра чимилдиқни тарқ этади ва тасодиф уларни учрастиради.

Лайли ва Мажнуннинг учрашув онини ҳам шоир ўзгача иштиёқ билан тасвир этган. Айнан ўша тунда бутун борлиқ икки қалбнинг бирлашуви учун шарорит яратган, паррандаю даррандалар сукутга чўмган. Юлдузлар ҳам фалақда



жимгина уларга баҳт тилар, тун ҳам бу дийдорнинг узоқ давом этишини истаб саҳарнинг йўлига қора парда тутган эди. Бу висол ўтили дил изҳорларидан, жонбахш сұхбатлардан, ширин эркалашлардан нарига ўтмайди... Тонг отгач, Лайли ва Мажнун қисмат амрига бўйин эгиб орта қайтадилар. Мажнун чин маънода поклик ва беғуборлик тимсоли эди. Унинг муҳаббати шунчаки – бир жинс ва-килининг иккинчи жинсга интилиши эмас эди. Асар сўнгидаги Навоийнинг ўзи айтганидек, бу ишқ мажозийликдан бошланиб, ҳақиқатга қовушган илоҳий бир муҳаббат эди. Шу боис Мажнун жамият учун бегона, ҳатто дали-девона бўлиб кўринган.

Не ажабки, уни инсонлар эмас, ҳайвонлар, тилсиз жонзотлар тушунди. Ҳатто энг ҳуркак жонивор бўлмиш жайронлар ҳам ундан қочмай, дўст тутинади. Ваҳший ҳайвонлар содик итдек юvosh тортиб қолади. Қушлар елкаларига кўниб, у билан сирлашади. Агар Мажнун бу қадар пок бўлмаганида отаси Лайлини ўлдирмоққа қасд қўлгани ҳам, ота-онасининг ўлими ҳам унинг тушида аён бўлмас эди. Ҳатто Лайлининг ўлими ҳақида ҳам унга ғойибдан хабар етади.

Буюк адид Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”даги Кумушбиини, Оноре де Бальзак ўзининг севимли қаҳрамони Горио отани “ўлдириб” қўйганида ёш боладек кўзёш тўккан. Худди шу ҳолни ҳазрат Навоий ҳам бошдан кечирган эканлар:

*Сўгин нечакум узоттим охир,
Инглай-йиғлай туготтим охир.*

Атоқли адабиётшунос Суйима Фаниеванинг эсласича, хорижлик машхур шарқшунос олим катта минбарда туриб достон ҳақида гапиракан, кўзига ёш олиб, “Мен ана шундай буюк шоирни етиштирган ўзбек ҳалқи олдида таъзим қиласман!” деган экан.

Достонни ўқирканман, миямда доим бир фикр чарх ураверади: чин дилдан севмаган инсон бундай жонли, ғамгин ва ўтили асарни битолмаган бўларди! Навоий бир лаҳзалик висолдан сўнг яна Мажнунни ўз измига соглан фироқ ҳақида ёзар экан, дейди: “Киши юз йил ҳижрон дардини ютиб, бир дамгина васл лаззатини totса-ю, яна айрилиқка дучор бўлса-да, ғам чекмаса бўлади, ахир барибир васлдан баҳра олди-ку, шунинг ўзи ҳам бир неъмат. Аммо ана шу неъмат ҳам менга насиб этмади...” Бу жумлалар буюк бобомизнинг ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган армонидан сўз очгандек туюлади. Зоро, такрор айтсан айб саналмас – севгини ўз бошидан кечирмаган инсон муҳаббатни бу қадар олий даражада тараннум этиши мумкинми?! Ҳа, Мажнун бу – ошиқ Навоий. Зотан, ҳазрат ўзини Мажнунга бежиз қиёсламаган:

*Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул ародан излангиз.*

ХАЁЛЛОТ ОЛАМИДАГИ ОДАМ

Инглиз постмодерн адабиётида Жон Роберт Фаулзнинг ўзига хос ўрни бор. У, айниқса, “Коллекционер”, “Афсунгар”, “Француз зобитининг хотини”, “Дэниэль Мартин”, “Мантисса” сингари роман ва қиссаларида воқеликни ноанъанавий усулда, ўткир ва теран нигоҳ ила ёритишга ҳаракат қилган.

Адид 1950 – 1963-йилларда Франциянинг Пуатье университетида, Грециянинг Спецес оролидаги гимназияда, Лондондаги Авлие Годрик колледжида ўқитувчилик қилади. Юнон оролида машхур



“Афсунгар” (“The Magus”) романини яратиш ғояси туғилади; асар воқеалари ҳам шу ерда бўлиб ўтади. Жон бўлажак умр йўлдошини ҳам айнан Спецес оролида учратган. Дарвоке, Фаулзнинг кўплаб қаҳрамонларида Элизабетнинг қиёфаси, сажияси, феъл-атвори муҳрланган, буни ёзувланинг ўзи ҳам эътироф этган.

“Афсунгар” адига шон-шуҳрат олиб келди. Асар бош қаҳрамони Николас Эрфенинг прототипи муаллифнинг ўзидир. Романда кундалик турмушидан зерикиб, саргузашт истаб, она юридан бош олиб чиқиб кетган, кейин ўзи истагандек реал воқеликдан йироқ, ҳаёлот оламига тушиб қолган, охир-оқибат дастлабки ҳаёт тарзига қайтган одам қисмати ҳикоя қилинади. Инсон истакларининг чексизлиги, тақдир эса ҳар бир одамга имкониятлари даражасидаги ҳаётни инъом этиши асарнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Роман ўз имкониятимиз хорижидаги нарсаларни орзулаб эмас, ҳаёт бизга тақдим этган неъматлардан тўғри фойдаланиб, умрнинг ҳар лаҳзасидан завқ олиб яшшимиз лозимлигини уқтиради гўё.

Роман сюjetи оддий эмас. Николаснинг Гречиядаги чекка оролда Кончис билан учрашуви уни ҳаёти тубдан ўзгаришига олиб келадиган сирли ўйинлар ва синовлар силсиласига гирифтор қилади. Кончиснинг шахси ва мақсадлари сир бўлиб қолади. У факат афсунгар эмаслиги, балки Николаснинг ҳаётини ўзгартиргани келтган сирли куч экани сезилиб туради. Романда эркинлик, масъулият, танлов, ҳақиқат, иллюзия ва ҳаётнинг маъноси каби фалсафий, экзистенциал масалалар кўтарилган.

Назаримда, роман ниҳояси онгли равишда очиқ қолдирилган. “Николаснинг ҳаёти қандай ўзгарди? Кончис мақсадларига эришдими? Николаснинг янги шахси шаклланганми?” Бу каби саволларга жавоб йўқ. Жавобсизлик эса ўкувчига ўз талқинини яратиш, роман маъносини ўзича англаш имконини беради. Ўқиши асносида унда Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея”си, Шекспир драмалари таъсирини илғагандек бўласиз.

70-йилларга келиб, Фаулз ҳаётини қарашларини ўзгартиралиди. Бу ўзгаришлар “Қора ёғочдан курилган минора” (1974) қиссасида яққол кўзга ташланади. Асар қаҳрамони озодлик ва одатий ҳаёт тарзидан қай бирини танлаш ҳақида узоқ ўйланиб, ниҳоят иккинчисини танлайдики, бу ҳол ҳар бир ўкувчидаги муносабат уйғотиши табиий...

ҲАЁТ УНЧАЛИК ёМОН ЭМАС

...XIX аср охирлари. Франция, Париж. Ўртаҳол одамлар тўпланиб, гурунглабишиб ўтирадиган қаҳвахоналардан бирига соchlари тўзғиган, одмигина кийинган, шопимўловли кишининг кириб келиши ҳеч кимнинг эътиборини тортмади. Давра ахли гурунгга чандон берилиб кетган, бири олиб бири кўйиб, машхур адид Ги де Мопассаннинг асарларини муҳокама қилишар эди. Баҳс ҳаддан ташқари қизиб кетганидан ва ҳамма ўз фикри, таассуротларини айтишига ошиқаётганидан бу ерда адиднинг ашаддий муҳлислари жамланганини англаш қийин эмасди.

Нотаниш киши секингина даврага қўшилиб, гали келишини сабр билан кутди. Ниҳоят, вазмин сўз бошлади:

– Азизлар, Мопассаннинг асарларини мен ҳам ўқиганман. Аммо улар сиз айтганчалик мукаммал сўз дурданалари эмас, кундалик ҳодисаларнинг оддийгина акс садоси, холос. Ҳайронман, уларнинг нимаси сизни шу қадар мафтун этди экан?



Давра сув қуйгандек жимиб қолди. Аммо бу жимлик бутун қаҳвахонада қўлпажак тўйполоннинг ибтидоси эди.

– Нега қараб турибмиз? Мопассанни танқид қилиш қанақа бўлишини кўрсашиб қўймаймизми бу саёқка!

Шўрлик нотаниш киши оломоннинг оқ калтак-қора калтаги остида қолди. Газабга минган муҳлислар бечорани аямай тепкилар, дўп послар, у эса бутун вужуди билан ўзини мушт ва тепки ёмғиридан ҳимоялашга тиришар эди. Шу чоқ кимдир ўзини четга олганча, бор овозда қичқириб юборди:

– Шошманглар, нима қиляпсизлар?! Ахир бу... Ги де Мопассаннинг ўзгинаси-ку!..

Мопассан ўз даврида минглаб адабиёт муҳлисларини ўткир тили, ҳақоний ҳикоялари, бетакор ижоди билан ром эта олган буюк француз ёзувчиларидан. У жаҳон адабиёти тарихига кичик жанр – ҳикоячиликнинг йирик дарғаси бўлиб, ўкувчини ҳам кулишга, ҳам фикрлашга чорлайдиган ўлмас но-веллалари, инсон ва ҳаёт ҳақидаги такрорланмас асарлари билан кирди. Қисқа ва сермазмун ҳикояларида инсон руҳиятининг ҳамма англайдиган, аммо ифодалашга қийналадиган қирраларини, мавхум хиссиётларни, инсон табиати, феъл-атвори ва тақдирини тиник-равон тасвирлай олди.

Мопассаннинг онаси ўз даврининг буюк ёзувчиси ва мутафаккири Гюстав Флобернинг муҳлиси ва дўсти эди. Мопассаннинг ёзувчи сифатида шаклла-нишида маърифатпарвар онаси ҳамда Флобер ижодининг аҳамияти бениҳоя катта бўлган. Бўлғуси адаб Флобернинг руҳий ва маънавий тарбияси остида камол топди. Устоз адаб унинг ilk машқларини ўқиб, “Сенда истеъдод борми-йўқми – билмадим, аммо, ҳеч қачон унутмаки, истеъдод узоқ ва машақатли сабр-бардошни талаб этади, тинимсиз изланиш керак”, дея маслаҳат берган эди.

Мопассаннинг ёзувчилик истеъоди юзага чиққан давр Франция-Пруссия урушидаги шармандали мағлубият, Париж коммунаси воқеалари юз берган йилларга тўғри келади. Адаб асарларида ана шу сиёсий-ижтимоий долғалар ҳам ўз аксини топган.

Ёш адабнинг “Дўндиқ” ҳикояси (1880) катта ҳодиса сифатида баҳоланганд. Устози Флобернинг таърифи билан айтганда, “шу биргина ҳикоянинг ўзиёқ Мопассаннинг адабиёт тарихида қолмоғи учун етарли эди”. Ҳикояга руанлик енгилтабиат бир қизнинг саргузашти асос қилиб олинган. Прусслар томонидан ишғол қилинган Руандан йўлга чиққан дилижансда бир гурӯҳ зодагонлар, оқсу-як хонимлар ва жаноблар орасида шахарда енгилтаклиги билан танилган “Дўндиқ” лақабли қиз ҳам бор эди. Дастреб ҳамроҳлар қизнинг ўзларига номуносиб ҳамсафар эканини ошкора сезидирадилар. Аммо узоқ йўлга етарлича озиқ-овқат ғамламай чиққан олиймақом йўловчилар қизнинг камтарона меҳмондорчилигиги рад этишмайди. Дўндиқ ҳамсафарларини тазиқдан қутқазмоқ учун душман офицерининг жирканч талабини бажаришга мажбур бўлади. Олийнасад кимсалар ўз жони, хузур-ҳаловати учун уни душман тўшагида ётишга undайди. Таъқиб ва ўлим таҳликасидан қутилиши билан эса у кимсалар яна нафрат кўзйнагини тақиб олишади...

“Ҳаёт” романи (1883) адаб ижодий камолотининг юксак чўққиларидан биридир. Ушбу асарда инсон ҳаётини ҳар доим бир хил кечмаслиги, тақдир унинг орзу-истаклари, ҳис-туйғулари билан ҳамиша ҳам ҳисоблашавермаслиги бош қаҳрамон Жанна де Во қисмати мисолида акс эттирилади. Ҳаётда инсон ҳар қадамда алдов, хиёнат, ноҳақлик билан юзма-юз келиши мумкин. Ишонувчан-

лик, оққўнгиллик, соддадиллик билан ҳаётнинг шафқатсиз курашларида ғолиб чиқиш мушқул. Бунинг учун одамдан сабр-тоқат, чидам, ақл-идрок ва керак бўлса айёрлик ҳам талаб этилади. Асар ниҳоясида қаҳрамонлардан бири айтган гап муаллиф хulosасини ифода этади: “Ҳаёт унчалик дуруст эмас, аммо у айримлар ўйлаганидек ёмон ҳам эмас”.

Дарвоҷе, Мопассаннинг бир неча ҳикоясини ўзбек тилига ўгиранман. “Зебигардон” ҳикояси мени қаттиқ ҳаяжонга соглан. Телевидениеда айнан шу ҳикоя асосида теленовелла сценарийсини ҳам ёзганман. Адабнинг “Тазарру” ҳикояси ҳам таржимон, ҳам ўкувчи сифатида мени ларзага соглан, бир неча кун ғалати кайфиятда юрганман...

РИМ БИЛАН ҒОЙИБОНА ТАНИШУВ

Дунё болалар адабиётида Жанни Родари ижоди муҳим ўрин тулади. Унинг эртак ва ҳикоялари, қиссалари жаҳоннинг турли мамлакатларида яшаётган болалар қалбига, онгу шуурига чукур кириб бора олган.


Жанни Родари Италияда туғилган (1920). Унинг отаси ёшлигига вафот этади ва онаси уч ўғлини олиб ўз қишлоғи – Варесоттога жўнайди. Жанни акаларига қараганда нимжон ва касалванд эди. У болалигидан мусиқа ва адабиётга ошно бўлади. Скрипка чалиш сирларини қунт билан ўрганади. Нитше, Шопенҳауэр, Толстой асарларини севиб мутолаа қиласи.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда талаба бўлган Родари Қаршилик ҳараратига аъзо бўлади. Урушдан сўнг 1948 йилда “Ўнита” газетасига муҳбир бўлиб ишга киради. Ўша йилдан эътиборан у болаларга атаб асарлар ёза бошлайди.

Родари бутун дунё болаларининг меҳрини қозонган “Чиполлионинг саргузаштлари” асарини яратган. “Жельсомино ёғлончилар мамлакатида”, “Осмондаги ва ердаги шеърлар”, “Янги йил арчалари сайёраси”, “Осмондаги торт”, “Бекорчи лақабли Жованнинонинг саргузаштлари” сингари асарлари ҳам кичкентойлар китоб жавонидан ўрин олган.

Адаб асарлари ўзбек тилида ҳам босилиб чиқкан. Жумладан, 1990 йилда “Рим эртаклари” китоби нашр этилган эди. Менга бу китобни ўрта мактабда, қайси бир танловда совға қилишган. 600 саҳифага яқин китобни бир ҳафта қўлдан қўймай ўқиганим эсимда. Айниқса, “Учтадан охири бор эртаклар” асари бошқача, ғайриоддий услуби билан мурғак шууrimda из қолдирган. Бу туркумдаги эртакларнинг ҳар бирида муаллиф ўкувчига воқеаларнинг уч хил ечимини тақдим этади. Мактабда “Сиз ёқтирган асар” мавзусида иншо ёзганимизда, камина худди шу асарни таҳлил қилиб, “беш” олган эдим. Кейинчалик ҳар бир эртакни турли ечимларда тақдим этиш анъанаси синфимизда кенг тарқалган. Ҳар бир эртакни ўқиганимда Родарининг шу услуби эсимга тушар, ўзимча унинг иккинчи, учинчи хотимасини ўйлаб топиб, маҳсус дафтарга жамлаб борганман. Ижод йўлини танлашимга ҳам, эҳтимол, шу асар туртки бергандир?..

...Куни кеча Италия сафаридан қайтдим. Римнинг гавжум, сершовқин кўчаларини кезарканман, бу қадимий ва бетакор шаҳар билан мени ғойибона таништирган буюк адаб Жанни Родарининг қувноқ ва ҳикматли овози қулогим остида тинимсиз жаранглаб тургандек бўлди...





Taraqqiyot tilsimini izlab

Жаҳонда интеграция ва глобаллашув жарайени кучайган вақтда жамиятни модернизациялаш йўналишида тўплланган муаммоларни таҳлил этиш ва концептуал моделларни ишлаб чиқиш, демократик ривожланиш жараёнларини сиёсий-фалсафий таҳлил этиш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган давлатларда эътиборга лойиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу боисдан Президент Шавкат Мирзиёев масалани жиддий қилиб қўйди: “Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” (Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этайлик. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016. 21-бет).

Ўзбек жамиятни модернизациялаш анъаналари тарихи ўрта асрларга бориб тақалади. А. Қодиров нақшбандиядаги меҳнат, яратувчанлик этикасини насронийликдаги М. Лютер, А. Кальвинлар асос соглган протестант меҳнат этикасига ўхшатади: “Шарқ Уйғониш даври илмлари орқали оёққа турган Фарб цивилизацияси айнан протестант меҳнат этикаси туфайли тараққиётда Шарқдан илгарилаб кетди” (Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялашириш стратегияси. Тошкент, 2006. 5-бет). Олим Ўрта Осиёning ривожланишда орқада қолиши сабаби Фарбда дengiz йўлларининг очилиши на-

тижасида Буюк Ипак йўлига эҳтиёж камайиши, географик кашфиётларда (Колумбнинг Американи кашф этиши ва бошқалар); фан ва техникада оқсаншимиз сабаби ислом динининг ортодоксал, тасаввufнинг айрим реакцион қанотлари таълимотларининг салбий таъсири кўпроқ бўлганида деб ҳисоблайди.

Нақшбандиянинг “Дил ба ёру даст ба кор” шиори ислом юртларига кенг тарқалган. Бизнингча, бу таълимотнинг Осиёда оммалашувида унинг соддалиги, мантиқийлиги ва мақсади етакчи омил бўлган. Лекин, барибир, бу таълимот жамият ҳаётига, дейлик, Конфуций қоидаларидек сингиб кетмади.

Таълим испоҳотлари орқали жамият модернизацияси тоғисини жадид боболаримиз бошлаб берди. Бу – Туркiston халқларини ўрта асрчилик турмушидан қутқариш ва маънан уйғотиш ҳаракати эди. Жадидчилик моҳиятида миллат ва Ватаннинг ҳаёт-мамоти, уйғониши, миллий мустақиллик учун кураш масаласи ётарди. Жадидлар миллатнинг тараққий топномги озод ва мустақил бўлишдан бошланишини англаб етди.

XVIII асрнинг иккичи ярмида Франция ва бутун Европада модернизацияни бошлаб берган “маърифатпарварлик абсолютизми” шамоллари иккни асрдан кейин Туркistonга етиб келди. Аммо чор Русияси мустамлакачилари жадидчиликни ҳаётта татбик этишга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Яъни маърифатли халқ бўлиш тоғиси Европада яхши қарши олинган бўлса, Туркistonда таъкиб ва қатагонга учради. Халқнинг маърифатли бўлиши хукмрон сиёсатга ёқемади.

Жамиятнинг бир ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиши осон кечади-

ган жараён эмас. Бунинг учун барқарор тараққиётга зарур асос вужудга келтирилиши лозим. У эса мамлакат тараққиётни даражаси, халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, менталитетига асосланган ҳолда, ўтиш даврининг стратегик моделини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилишни талаб этади.

Ўтиш даврининг барча мамлакатлар учун умумий бўлган андазаси йўқ. Истиқлолнинг илк ийларида Ўзбекистоннинг ҳам ўз ривожланиш модели ишлаб чиқилди. Биринчи Президент Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий испоҳотларни чукурлаштириш йўлида” каби асарларида ўзбек моделининг моҳияти ва вазифаларини кўрсатиб берди. Унда республиканинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари, миллий-тариҳий турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари, урф-одатлари ҳар тарафлама ҳисобга олинган.

Жаҳон мамлакатларида тараққиётнинг турли моделлари мавжуд. Жумладан, “американча модел”да эркин бозор муносабатлари, “япон модели” ва “француз модели”да давлатнинг кучли иштироки, “олмон модели” ва “швед модели”да ижтимоий йўналиш устуворлик қилади. Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари моделларида асосий эътибор иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилади. “Польша модели”ни танлаган Шарқий Европа давлатлари жамиятни эркинлаштириш, “фалаж терапия” (шок ҳолати) орқали бозор сари бормоқда. Жануби-Шарқий Осиёning Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Ҳонгконг каби давлатлари импорт молларни олиш ўрнига ўзи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, ички ва ташки эҳтиёжни таъминлашга ҳаракат қилмоқда (бу ҳақда яна қаранг: Омонов Б. Жамиятни модернизациялашининг концептуал асослари. Тошкент, “Aloqachi”, 2019. 140-бет).

Бирон бир моделдан кўр-кўрона нусха кўчириш – номақбул усул. Муайян восита ва усувлар қайси давлат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос алоҳида шароитда ижобий сама-

ра беради. Шу маънода ўз ижтимоий-иқтисодий моделимизни танлаб олганимиз ўзини оқлади.

Совет тузумидан мерос қолган иқтисодий вазият, аҳоли кўпчилик қисмининг паст турмуш даражасини инобатга олмай, “фалаж қилиб даволаш” усули қўлланса, биздаги мавжуд тузилма, меъёр ва алоқалар тезда барбод бўларди. “Янги уйни қўрмай туриб, эскисини бузманг – бошпанасиз қоласиз” деган шиорда халқимизнинг руҳияти тўлиқ акс этган эди.

Бозор муносабатлари – ўзини ўзи бошқарадиган тизим. Бозор иқтисодиётини барпо этишдан, демократик, иқтисодий, сиёсий испоҳотлардан кўзланган пировард максад – инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёба чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамиятнинг қуидаги устувор соҳаларида модернизациялаш амалга оширилди: сиёсий соҳада – эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилди, янги жамиятнинг сиёсий-хуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими шакллантирилди; иқтисодий соҳада – давлат мулкига асосланган эски иқтисодий тизим барҳам топди, хусусий мулкка эгалик қилиш хуқуки берилилди, бозор муносабатларига ўтишнинг хуқуқий асослари яратилди; маънавий-мағкуравий соҳада – инсон онги ва қалбига мажбуран киритилган ягона мағкура, коммунистик дунёкараш барҳам топиб, янги демократик жамият унсурлари вужудга келди.

Кейинги йилларда “ўзбек модели” ҳақида турли фикрлар, ҳатто унинг самара бермаслигини асослашга уринишлар бўлмоқда. Жумладан, “давлатнинг бош испоҳотчи”лиги демократияга зид, у эркинликни бўғади, демократия бўлмаган жойда иқтисодий испоҳотлар олиб бориш мумкин эмас” қабилидаги фикрлар ўртага ташланмоқда. Бирёклама айтилган бу фикрларга кўшилмаймиз. Масалан, Жануби-шарқий Осиёда барча испоҳотлар бошида давлат туради. Улар ялпи ички маҳсулот ўсиши, техника ва технология ривожи, аҳолининг турмуш тарзи бўйича дунё ахлига ўрнак бўлмоқда.

Хар бир давлат равнақида шахс ва давлат ўртасидаги бегоналашувни бартараф этиш, бошқарувнинг демоқратлашиши ва очиқлиги асосида давлатни ижтимоий жавобгар субъектга айлантириш, аҳолининг барча қатламлари эҳтиёжини қондирувчи изчил сиёсат, ижтимоий адолат ўрнатиш, тарафлар ўртасида келишув (консенсус) ва ўзаро фойдали ҳамкорликка эришиш муҳим тамойиллар ҳисобланади. Ушбу хусусиятларни амалда шакллантириш учун давлат ва жамият ўртасида доимий муроқбат бўлиши лозим. Демократик бошқарувда очиқликсиз самарага эришиб бўлмайди.

Модернизациялаш – замонавийлашиш – уз-луксиз цивилизацион жараён. Бинобарин, бугун ҳам сиёсий испоҳотлар ва жамиятни модернизациялаш муаммоларини аниқлаш ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштириш истиқболли ва долзарб масала ҳисобланади.

Бахтиёр ОМОНОВ,
ЎзМУ профессори, сиёсий франлар
доктори

Globallashuv: lison va inson

Ҳар қандай маданият ва унинг таркибий қисми бўлган тил рамзлар олами ҳисобланади. Инсон ҳаёти, олам ва одамга муносабати, борлик ва инсонни баҳолаш мезонлари, интилишларининг маъно-мазмунини рамзлар белгилаб беради. Сўз ва тилдан ижтимоий онгни бошқаришда фойдаланиш – долзарб масала. Бу борада рус олими Александр Богдановнинг фикрлари диккатга са-зовор. У сўз ва унинг замирида шакллантирилариган мафкурада ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришнинг асосий қуролини кўради. Олим XIX аср охири – XX аср бошларида Россияда гарбчилар ва славянофиллар ўртасидаги баҳс қизигандан қизиган бир даврда илк бор тилни омма онгини манипулятив бошқаришнинг омили сифатида талқин этади. У сўзда янги воқеликни, янги тафаккур ва ҳаракат тарзини дастурлаштириш воситасини кўради. Жамиятда ижтимоий бирликка эришиш учун тилнинг ягона қоидасини жорий этиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Тил ва у орқали ифода этилган ғоя ҳам тарихни яратувчи, ҳам реал воқеликни шакллантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун янги тилни яратиш ижтимоий-сиёсий испоҳотларнинг асосий воситаси сифатида “мафкуралашган тафаккур”ни шакллантиришга ёрдам беради. Унинг талқинида тил ва мафкура бошқарув маданиятиниң энг муҳим жиҳатини ташкил этади. Зоро, тил бир маданиятни бекор қилиш ва дунёни бутунлай

бошқа асосда қайта ташкил этишнинг қудратли воситаси ҳисобланади (қаранг: Богданов А. Всеобщая организационная наука. Текстология. В 2-х кн. Кн. 1. Москва, 1989. Стр. 124 – 131). Бу фикрнинг рўёбини сўнгги йилларда “маънолар комплекси интервенцияси” орқали айрим мамлакатлар миллий маънавий-маданий асосларини емиришга уринища ҳам кузатиш қийин эмас.

Баъзи олимлар тилнинг ҳокимиятга эришишдаги ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, француз тадқиқотчиси Пьер Бурдье тилнинг сиёсий мақсадларни амалга ошириш воситасига айланишини кузатиб, “легитим” (қонуний) ёки “тўғри” тил ҳодисасига эътибор беради. Тил сиёсий қуролга айланган экан, бу “қурол”ни “ишлаб чиқарувчилар” ҳамда унга эгалик қилувчилар бўлиши табиий. Шу асосда П. Бурдье “лингвистик бозор”, “лингвистик капитал” ва “лингвистик капитал эгалари” тушунчаларини киритади. Айнан “лингвистик капитал эгалари” тил бозорида нарх-навони белгилаш қоидаларини жорий этади. Улар, француз социологининг фикрига кўра, ўзи ишлаб чиқкан санкциялар тизими орқали “расмий тил”ни қонунлаштиради, яъни қайси сўзлар қадрли ва керакли, унинг маъно кўлами қандай эканини белгилайди (Bourdieu P. Language and Symbolic Power. Harvard University Press, 1991. Р. 51). Олим масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратади.

“Рамзий капитал эгалари” мафкуравий маҳсулот буюртмачилари сифатида рамзий зўравонликкниң зўравонлик тарзида эмас, балки бутунлай бошқа, аниқ белгиланган маънода талқин этилишини назорат қилиб боради. Шунга мувофиқ, “тайёрланган мафкуравий маҳсулот унинг асл маъносини очишига бўлган ҳар қандай уринишини ахлоқсизлик ёки файриқонуний ҳаракат сифатида қай даражада кўрсата олса, шунчалик самардорлиги ошади” (ўша манба, 153-бет).

Шунга яқин фикрларни американлик тадқиқотчи Ҳью Данканда ҳам учратамиз. “XX асрнинг улкан ижтимоий инқилоби айни коммуникация соҳасида, яъни ҳокимият эгалари учун тимсоллар (образ) ёки атамаларни яратиш ва назорат қилиш ҳамда шу йўл билан ўз ҳокимиятларини қонунлаштириш имкониятини берадиган воситалар доирасида амалга оширилди. Мафкуралар рамзий шакллардир. Улар аслида муайян атама бўлиб, буларни ким яратадиган ва назорат қилаётган бўлса, ўша бизнинг ҳаётимизни назорат қиласди. Ҳар қандай “инқилобчи йўриқномаси”да ҳокимиятни эгаллаш йўлидаги биринчи қадам – ҳокимиятнинг барча рамзлари ва коммуникация воситалари устидан назоратни қўлга киритиш экани ҳақида гап бор. Биз ҳокимиятни куч билан олишимиз мумкин, аммо хатти-ҳаракатларимиз айнан қундалик муроқбатда ишлатиладиган тимсоллар билан белгиланади ва буларни яратиш ҳамда оммалаштиришни назорат қилганлар жамиятни бошқаради” (Duncan H. Symbols in Society. Oxford University Press, 1968. Р. 33).

Бу икки мутахассис “рамзий ҳокимият”, “рамзий зўравонлик” масалаларини алоҳида олинган жамият ва давлат бошқаруви билан боғлиқ тарзида таҳлил этган. Аммо ҳозирги даврда уларнинг фикр-хулосалари ҳалқаро муносабатларда ҳам ифода топаётганини сезиш мумкин. Глобаллашув шароитида “глобал лингвистик бозор” шаклланадиган очиқ-ойдин кўзга ташланмоқда. Бу бозорни бошқараётганлар, яъни лингвистик капитал эгалари ҳам аён. Айни шулар бу бозордаги об-ҳаово нарх-навони белгиламоқда.

Шунга мувофиқ, “легитим” (қонунлашган) атамаларнинг мазмuni ва “аён ҳақиқатлар” жамламаси, аввало, мазкур гурух манфаатларини

ифодалаётганини англаш қийин эмас. Очик-ойдин кўриниб турибди, дунёга етакчиликни даъво қилаётганлар, бир томондан, бу легитим тил доирасига кирмайдиган тушунчаларни ва улар ифодалаган воқеа-ҳодисаларни “нотўғри”, “инсонпарварликка зид”, “даҳшатли” дея талқин қилишга интилса; иккинчи томондан, етакчилик мавқеини сақлаб қолишга хизмат қиласди гениши сўз ва ибораларни фаол муомалага киритмоқда. Шу тариқа, масалан, ҳарбий кампанияни қонунлаштириш учун номаъкул давлат ёки ҳудуд тизимиға нисбатан “тўғри сўзлар”га тескари атамаларни, олайлик, “диктатура”, “инсон ҳуқуқларини поймол этувчи”, “эркин фикрни бўғувчи” кабиларни кўллаш кифоя қиласди.

Дунёдаги бошқа сиёсий кучлар ҳам муайян ижтимоий фикрни шакллантириш учун ўз легитим тиллари луғатини фаол ишга солмоқда. Оммавий ахборот воситаларида бундай кучлар, бир томондан, қонунлаштирилган тилга, “тўғри сўз”ларга ўзича маъною юкласа, иккинчи томондан, вазиятга қараб, уларнинг маъно кўламини ўзгартиради.

Инсон онгу тафаккурини ўзгартириш орқали, уни миллий анъана, урф-одат, лўнда қилиб айтганда, маданиятидан ажратиш гегемон давлат ёки давлатларнинг “очиқ жамият моделлари” ҳақидаги орзуларига йўл очади ва дунё устидан ҳукмронлик қилишни осонлаштиради. Табиийки, ўзлигини таниган ҳалқ бунга, ҳардай бўлмасин, тўсик кўйишга, мафкуравий тазиқларга қарши курашишга интилади.

Испан социологи Мануэль Кастельс сўзлари билан айтганда, “Ахборотлашган жамиятда ҳокимият фундаментал погонада маданий кодларга кириб боради... Шу маънода, ҳокимият, у реал бўлганда, номоддий бўлади... Маданий олишувлар моҳиятнан ахборот асридаги ҳокимият учун курашдир. Ҳокимият хатти-ҳаракатлар меъёrlарини белгилаш имкониятини берадиган ахборот тармоқлари ва улар орқали тарқатиладиган рамзларда яширинган” (Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество, культура. Москва, ВШЭ, 2000. Стр. 502 – 503). Рамзлар эса, аввалимбор, сўзда акс этади. Сўзда ҳалқнинг руҳияти мужассам. “Ҳар бир одамнинг ҳоли

сўзи ортида яширгандир” дейди каломда рухни кўрган ва унга маъно юклаб, ҳушёрлик билан ёндашишга ундан буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий.

Дунёда хукмронликка интилаётган кучларинг таъсиридан холи бўлишнинг энг маъбул воситаси – тараққиёт йўлини миллий хусусиятларга, азалий шаклланган урф-одат ва қадриятларга мувофиқ тарзда белгилаш. Ўзбекистон айни шу йўлни танлади, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишининг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат, деб белгилади. Президент Шавкат Мирзиёев айтганидек, “Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштиради-

ган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди” (Ш. Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганинг 30 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқидан).

Хуллас, глобал ҳокимиёт глобал рамзлаштириш орқали амалга оширилар экан, давлатчиликни сақлаш, жамиятдаги барқарорликнинг асосий гарови бўлган халқнинг маънавий қувватини ошириш – авваламбор, миллий-маънавий рамзлар оламини ўзида мужассам этган тилни асрар масаласи билан чамбарчас боғлиқ.

Улугбек САИДОВ,

ЎзР Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доценти,
филология фанлари номзоди

Sarhad bilmas kuch

Матбуот ижтимоий онг кўринишларидан биридир. Газета-журналлар ижтимоий муҳит об-ҳавосидан нафас олади, шу муҳитда яшайди, шу муҳит манзараларини ёритади (*Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Тошкент, ТошДУ нашриёти, 1999. 10-бет*).

Оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси – жамоатчилик фикрини уйғотиш, шакллантириш ва уларни муайян манфаатлар асосида мақсадли йўналтиришдан иборат. Тадқиқотчи М. Бекмуродов фикрича, ОАВнинг ижтимоий фикр субъектларига кўрсатадиган таъсири, одатда, икки йўналишда, яъни жамоатчилик фикрининг бошланиши, шаклланниши ва унинг бевосита амал қилиш жараёнларида намоён бўлади (*каранг: Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Тошкент, „Фан”, 1999. 170-бет*).

ОАВнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни тобора юксалмоқда. Айни чоқда одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳам кучаймоқда. Ҳозирги кунда ҳаётимизни ахборотсиз тасаввур этиш қийин. Замонавий тезкор ва аниқ технологиялар яратилиши натижасида ОАВнинг имкониятлари кенгаймоқда.

Матбуот тарбия куроли ҳамдир. Шу боис ўзбекистон Чегара қўшинлари тизимида маъна-

вий-маърифий тарбия ишларини олиб бориша ОАВнинг аҳамияти катта. Бу соҳада маънавий-маърифий тарбиянинг асосий мақсади чегарачилар онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга; аждодларимизнинг бой маданий мероси билан фаҳрланиш, анъаналарга содиқлик, миллийлигимизни, қадриятларимизни англаш кабиларни қарор топтиришга; ўз бурчини муносиб ўташ учун тайёрлашга қаратилган. Маънавий-маърифий тарбия асосан ҳарбий қисм командирлари, чегара пости бошлиқлари, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, клуб, кутубхона ходимлари фаолиятида акс этади.

Ватан остонаядан бошланади, дейди доно халқимиз. Давлат чегараси мамлакатнинг остонаси, маҳсус назорат ўтказиш масканлари эса дарвозаси ҳисобланади. Уни кўз қорачиғидек асрар, кўриқлаш чегарачилар зиммасидаги масъулият ва шарафли бурчдир. Бугунги кунда ҳарбий хизматиларда маънавий таҳдидларга қарши жасорат билан курашиб салоҳиятини шакллантириш муҳим. Бу эса тарихий онгга, миллий ўзликни англашга нисбатан бўлаётган таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганишни тақозо этади.

Собиқ Иттифоқ даврида бир-бирига араплаштириб юборилган республикаларнинг мус-

тақијлика эришгач, ўзаро давлат чегараларини белгилари осон бўлмади. Мамлакатимизнинг истиқпол йилларида чегара сиёсати, ҳарбий-сиёсий вазият, янги мустақил давлатлар ўртасида давлат чегараларини белгилаш, муҳандислик иншоотларини қуриш, ҳарбий қисмларни тузиш, стратегик ва тактик жиҳатдан жойлаштириш, уларнинг барча турдаги таъминотини ташкил этиш, давлат чегараларини ҳимоя қилишда олиб борилган кенг кўламли испоҳотларни ОАВда ёритиш долзарб масалага айланди. Бир қанча журнал ва газеталар, жумладан, ЎзР ДХХнинг давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси муассислигига чоп этилаётган “Чегарачи”, “Ватан остонаси” журналлари; “Сарҳад”, “Ҳамроҳ” газеталарининг тарбиявий аҳамияти каттадир. “Остона”, “Жасур”, “Ватан остонаси” бадиий фильмларида; “Чегарачи”, “Ватанпарвар” кўрсатувларида; “Ахборот”, “Давр” дастурлари орқали эфирга узатилган видеолавҳаларда; “Sarhad.uz” расмий телеграм канали; шунингдек, “Самолётларнинг конструктив ҳолатлари”, “Темирйўл чегара назорати”, “Автойўл чегара назорати”, “Чегара нарядларининг хизмати” ва бошқа кўплаб ўқув-хуҗжатли фильmlарида чегара қўшинларидан олиб борилаётган испоҳотлар, ҳарбий анъаналар, чегарачиларнинг ютуқ ва камчиликлари, уларнинг тарихи, кечмиши ва бугуни ҳақида фикр юритилади.

Соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсиранлигини ошириш, кўлами ва миқёсниняна кенгайтириш, аҳоли, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган испоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш қўйидаги устувор вазифаларни бажаришни тақозо этади:

– аҳолининг интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мағкуравий иммунитетини кучайтириш;

– маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, ОАВда маънавий-ахлоқий мезон-

лар, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига эришиш;

– ёшлар онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий қарамликка бошлайдиган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш.

Тадқиқотчи Георгий Почепцовнинг таъкидлашича, гоҳида кучли етакчилик иқтидорига эга шахс кўп-кўп ижобий фазилатларга эга бўлса-да, ижобий тасаввур уйғотмаслиги мумкин. Бунинг сабаби унда муҳит ҳақидаги ахборотнинг камлигидир. Ҳар қандай раҳбар ОАВдан хабардор бўлиши, инқироз ҳолатида ҳам, муваффакиятли фаолиятида ҳам улар билан бўлиши унинг обрў-эътиборини таъминлайди (*Почепцов Г. Профессия: имиджмейкер. СПб, “Алетея”, 2001. Стр. 94*).

Чегара билмас куч нима? Ахборот! Айнича, интернет нафақат шахсга, балки жамият ва давлат хавфсизлигига даҳл қилувчи қуролга айланниб улгурди. Хусусан, БМТ Бош ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШХТ, МДХ ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жиной мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳуҗжатлар қабул қилинган.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда дунё аҳолисининг 4 миллиарддан зиёди интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Киберхавфсизлик бўйича халқаро эксперктлар 2019 йилда киберхуҷумлар ҳар 14 сонияда содир бўлишини аниклади. Ҳар йили кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг бир фоизини ташкил этмоқда (<http://www.statista.com>).

Хуласа шуки, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятни шакллантиришда ахборот ҳамда у билан боғлиқ бўлган ахборотлаштириш жараённинг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этмоғи лозим.

Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
бўлим бошлиги

Ózlikning javhari nima?

Глобаллашув даврида миллий ўзликни асраласи дунё олимлари дикқат-эътиборидаги мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Муҳожирлар мамлакати саналган АҚШда ҳам бу мавзуда салмоқли тадқиқот ва изланишлар олиб борилаётir. Ўтган асрнинг 90-йилларида тамаддуллар тўқнашуви хусусидаги назарияси билан шуҳрат қонган олим Самюэль Ҳантингтон “Биз киммиз? Америка миллий ўзлигига таҳдидлар” деб аталган китобида айни шу долзарб масала теграсида сўз юритган (*Samuel P. Huntington. Who Are We? The Challenges to America's National Identity. New York, Simon & Schuster, 2004.*)

Муҳофазакор бўғинга мансуб сиёсатшунос С. Ҳантингтон Лотин Америкаси ҳамда Осиёдан кўчиб келган кўп сонли муҳожирларни АҚШ ўзлигига таҳдид ўлароқ баҳолайди. Хусусан, испанзабон мексикаликлар яхлит давлатни пароканда қилаётганидан баҳс этади.

С. Ҳантингтон таъкидича, АҚШда яшовчи турли милллат вакилларини жисплаштирувчи қадрият бу – инглиз-протестант маданиятидир (59-бет). Яъни муаллиф инглиз протестантизмидан ўсиб чиқкан насронийлик таълимотини американча миллий ўзликнинг асоси деб билади. Янги юзйиллиқда Фарб давлатларида, жумладан, Қўшима Штатларда насронийлик ҳамда черковнинг таъсири сусайгани маълум. Ҳантингтон буни рад этиб жумладан шундай ёзди: “Дин американча ўзликнинг жавҳари бўлган ва шундай бўлиб қолади. Америка давлати диний тафаккурга таяниб барпо этилган. Америкаликлар саноати ривожланган бошқа давлатларга қараганда диний эътиқодда сабитроқдир” (19-бет).

Сиёсатшунос АҚШдан кўним топган муҳожирлар инглиз тили ҳамда протестант маданиятини қабул қилмаётгани, ассимиляция жараёни суст кечеётганини танқид қилади. Унинг фикрича, АҚШ давлатчилиги негизида инглиз тили, Инжил ўйтлари, шунингдек, қонун устуворлиги, ҳукмдорларнинг ҳисобдорлиги, индивидуализм, меҳнат ахлоқи ва Ерда жаннат барпо этишига

кетъий ишонч каби қадриятлар ётади. Американча ўзликнинг тамали саналган бу қадриятлардан йироқлашув лисоний ва маданий бирликка рахна солиши уқтирилади. Америка маданиятининг устун эканини бот-бот таъкидлаган С. Ҳантингтон муҳожирларнинг ақл-заковати, касбий кўникмасини савол остига олади, кўпроқ уларнинг жамиятта келтираётган зиён-зарари ҳакида фикр юритади.

XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда мультикультурализм таълимоти кенг тарқалди. Бағри-кенглик тамоилига таянган ушбу концепция турли милллат, маданият вакиллари ягона сиёсий маконда ҳаёт кечирад экан, этник озчилик мансублари ҳам ўзлигини сақлаб қолишга ҳакли деган ғояни илгари суради. “Биз киммиз?..” китоби муаллифи эса мультикультурализм сиёсатини наинки инглиз-протестант маданияти, АҚШ давлатчилигига ҳам таҳдид деб атайди (171-бет).

С. Ҳантингтон фикрича, глобаллашув долғаларида қолган АҚШ опидида уч йўл бор:

1. Космополитизм йўли. Бу йўл чегаралардан воз кечиб глобал очиқ жамият қуришни назарда тутади. Миллий, диний, ирқий хилма-хиллик ҳукм сурган космополитик жамиятда миллий ўзлик йўқолади.

2. Империяча бошқарув йўли. Қўшма Штатлар етти иклимда ҳукмонлик қиласи. Бу ҳолатда ҳам жаҳонгирилк йўлини танлаган давлат миллий ўзлик талабларидан воз кечишига тўғри келади.

3. Миллий бошқарув модели. Бунда давлат Америка миллий ўзлигига таянган ҳолда идора этилади. АҚШнинг “бетакрорлиги ва беназирлиги”га заррача шубҳа қилмаган Ҳантингтон айни шу учинчи йўлни ёқлади.

Қайд этиш жоизки, “Биз киммиз?..” китобида баён қилинган баҳсли фикрларга Америка илмий жамоатчилиги раддиялар берган. Хусусан, муҳожирларнинг ақлий салоҳиятига шубҳа билдирилгани ксенофобия, яъни ўзга милллат, ирқ ва дин вакилларига нисбатан нафрат ўлароқ қоралангандан (*Kevin R. Johnson, Bill Ong Hing. National Identity in*

a Multicultural Nation: The Challenge of Immigration Law and Immigrants. Michigan Law Review. Volume 103. Issue 6. 2005. P.1347.

Сиёсатшунос Алан Вулф инглиз-протестант маданияти миллий ўзлик асоси деб белгиланишига эътиroz билдириб, ушбу маданият мансублари ўртасида ҳам ички зиддият, тафриқалар мавжудлигига эътибор қаратган (*Alan Wolfe. Native Son: Samuel Huntington Defends the Homeland. // Foreign Affairs. 83. May 1, 2004.*)

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса профессор С. Ҳантингтон миграция феноменини салбий бўёқда тасвирилашга зўр бериб, унинг АҚШ иктисадиётига улкан фойдасидан кўз юмганини қайд этган.

АҚШда муҳожирларнинг “гетто”лари вужудга келаётгани, турли этник гуруҳ намояндларни умумий тил, муштарак маданиятдан айро қолаётгани ижобий воқелик эмас, албатта. Айни чоқда, Оқ уйга қадар кириб борган ўнг қанотга мансуб сиёсатдонларнинг АҚШдаги миллионлаб муҳожирларни ўз ватанига бадарға этиш ташабbusи ҳам оқилона ечим бўлолмайди. Чунки “бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт кўйиш” на инсонийликка, на мамлакат қонунчилигига тўғри келади.

Хўш, АҚШда миллий ўзлик қай тартиб-тамоилиларга асосланиши керак? Бу борада атоқли файласуф ва сиёсатшунос Фрэнсис Фукуяманинг нуқтаи назари жўяли кўринади. “Қўшма Штатларни йўқолади.

га (этник) хилма-хиллик улкан фойда келтирганини эътироф этган ҳолда, (этник) хилма-хиллик миллий ўзлик асоси бўла олмаслигини таъкидлаш лозим. Ўзлик (идентлик) конституцияйлик, қонун устунлиги, фуқаролар тенглиги каби ғояларга таяниши керак. Зотан, барча америкаликлар бу ғояларни хурмат қиласи”, деб ёзди олим (*Francis Fukuyama. Identity: The Demand for Dignity and the Politics of Resentment. New York, Farrar, Straus and Giroux, 2018. P. 137-138.*)

АҚШнинг этник харитаси шиддат билан ўзгармокда. Сўнгги тадқиқотларга қараганда, 2021 йилда оқтанли америкаликлар 192,2 миллион кишини (умум нуфуснинг 58 фоизи), қоратанлилар, испанзабонлар, осиёликлар ва бошқа этник гуруҳ мансублари 141,1 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб янги авлод муҳожирларнинг сони оқтанлилардан ортиб кетади (*Multicultural Americans to become majority population by 2050: Report. // The Hill. January 17, 2024. https://thehill.com/homenews/4412311-multicultural-americans-majority-population-2050/*). Шу тариқа этник озчилик этник кўпчиликка айланади. Бу сира демографик ўзгаришлар ҳам Ҳантингтон илгари сурган ўзлик концепциясини амалга ошириш душвор эканидан далолат беради.

Собиржон ЁҚУБОВ,
мустақил тадқиқотчи

Xitoyning qoşhnichilik diplomatiyasi

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Хитой учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Шу боис расмий Пекин ушбу минтақа билан кўп томонлама муносабатларга алоҳида эътибор қаратади. Иқтисодий нуқтаи назардан, Жануби-Шарқий Осиёнинг жадал ўсиши ва глобал таъминот занжирларига интеграциялашуви уни Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташабbusida муҳим ҳамкорга айлантиради. АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё давлатларини бирлаштирган ташкилот) давлатлари билан муносабатларни ривожлан-

тиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида Хитой таъсирини кучайтириш ва бошқа йирик кучларни мувозанатлаш истаги ҳам бор.

Жануби-Шарқий Осиёдин, маданият ва тарихий жиҳатдан хилма-хилликка эта ўн бир мамлакатдан иборат: Бруней, Бирма (Мьянма), Камбожа, Шарқий Тимор, Индонезия, Лаос, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд ва Вьетнам. Минтақа географияси, тарихий иқтисодий алоқалари ва миллионлаб этник хитойларнинг минтақага кўчиши туфайли Хитой ташкил сиёсатида алоҳи-

да ўринга чиқди. Жаҳон урушларидан кейинги даврда Хитойнинг Жануби-Шарқий Осиё билан муносабатлари турли босқичларда ривожланди. Хитой Коммунистик партияси 1949 йили ҳокимият тепасига келгач, минтақадаги партизан ҳаракатлари сабаб ўзаро муносабатларни ўрнатиш қийин кечди.

1970-йилларга келиб, Совет Иттифоқи билан муносабатларнинг сусайиши Хитойни минтақа давлатлари билан робиталарни мўътадиллаштиришга ундади. Шу тариқа Пекин ўша ўйилликнинг ўрталарида Малайзия, Филиппин ва Таиланд билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатди. 1990 йилда эса Индонезия ҳамда Сингапур билан алоқаларни яхшилашга эришиди ва АСЕАН билан ташкилот сифатида расмий мулокот бошлади. Хитой сиёсатидаги бу эволюцияни Пекиннинг “кўшничилик дипломатияси” деб баҳолаш мумкин.

Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин 2013 йил октябрь ойида Индонезия парламентида қўлган чиқишида Чин давлати ва АСЕАН ўртасидаги ҳамкорлик минтақа ва ундан ташқаридаги халқлар манфаати учун зарурлигини ургулади. Пекин илгари сурған “умумий тақдир” масаласи минтақанинг нафақат иқтисодий, балки ташки сиёсатдаги манфаатларини ҳам қамрайди.

Хитойлик сиёсатшунос Чжан Юнлинг фикрича, кейинги ўн йил ичидаги Хитойда янги катта тўлқин пайдо бўла бошлади. Бу стратегия Хитойнинг кўшнилари билан ҳамкорликни кучайтиришини, улар билан XX аср бошларида каби беписанд муносабатда бўлмай, тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида кўришини англатади.

Хитой минтақада ўз мақсадларини амалга ошириш учун иқтисодий рағбатлантириш ва айни дамда “қарздор қилиб қўйиш” каби усуслардан фойдаланмоқда. У буни кўплаб янги институтлар ва лойиҳалар, хусусан, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси орқали амалга оширади. “Бир макон, бир йўл” Хитойнинг кўшничилик дипломатиясини ривожлантириш ва Жануби-Шарқий Осиёда “умумий тақдир”га эришиш учун энг муҳим платформаси ҳисобланади. Индонезия, Вьетнам ва Малайзия Хитой капиталини ўзлаштиришда пешқадам саналади. Режалаштириш, техник-иктисодий

асослаш, тендер босқичида ёки ҳозирда амалга ошираётган лойиҳалар бўйича Индонезия 93 млрд доллар билан рўйхатда етакчи бўлса, Вьетнам ва Малайзия 70 ва 34 млрд доллар билан иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллайди.

Пекин “Бир макон, бир йўл” лойиҳаларини ривожлантириш ҳамда Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодий ва сиёсий амбицияларини илтгари суриш учун Ланканг-Меконг ҳамкорлик механизми каби янги субминтақавий ташабbusни ҳам ишлаб чиқди. 2015 йили Катта Меконг субминтақасини (Камбожа, Хитой, Лаос, Мьянма, Таиланд ва Вьетнам) ташкил этувчи олти давлат орасида тузилган Ланканг-Меконг ҳамкорлиги иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро муносабатларни ривожлантиради. Пекин саноатни ривожлантириш, шунингдек, савдо, қишлоқ ҳуҷалиги ва қашшоқликни бартараф этишга қаратилган лойиҳаларни кўплаб-куватлаш учун 22 млрд доллардан ортиқ маблағ ажратди. У ҳозирда Камбожанинг энг йирик молиявий кўплаб-куватловчиси бўлиб, 2017 йилнинг ўзида мамлакатга 12,6 млрд доллар сармоя киритган. Лаосда қиймати 7 млрд долларлик Хитой – Лаос темирийўл лойиҳасини молиялаштироқда. Лаос ва Камбожа Пекин билан икки томонлама ҳаракат режаларини имзолаган давлатлар сирасига киради. У Хитойнинг “умумий тақдир – умумий келажак” лойиҳасидаги сиёсий қарашларини расман тасдиқлади.

Гарчи 1950-йиллардан бери расмий равишда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик Хитой ташки сиёсатининг асосий тамойили ҳисобланиб келган бўлса-да, у Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг ички ишларига ҳам нисбатан кўпроқ аралашмоқда. Масалан, ушбу мамлакатлар фуқароларини Хитойда қисқа муддатли дастурларда ўқитиш бўйича ўз фаоллигини кучайтиради. “Хитойнинг кўп томонлама ҳамкорлик стратегияси ва Мьянма ҳақиқатлари” китоби муаллифи Хин Кяу Кий 2013 йилдан ҳозирги кунгача Хитойда икки минг нафаргача Бирма фуқароси саёҳат, дўстлик ташрифлари ва ўкув сафарларида қатнашганини ёзади.

Пекин Жануби-Шарқий Осиёдаги “хорижий хитойлар” билан “хитой ҳалқига янгилик олиб

кириш”, уларнинг “орзуларини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш” учун алоқани қайта йўлга қўйди. Си Цзиньпин бошлигига Хитой раҳбарияти хориждаги хитойликларга нисбатан узоқ вақтдан бери ўрнатилган сиёсатни ўзгартириди. Айни вақтда минтақада 30 миллиондан зиёд хитой яшайди. Улар ўтмишда Хитойга қарши исёнлар, тартибсизликлар қурбони бўлган ва мамлакатдан чиқиб кетган.

Нафақат Хитой, балки минтақадаги бошқа мамлакатларнинг ҳам манфаатига хизмат қилалигидан бу ҳаракат “Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг амалга ошишида муҳим ўрин тутади. Чунки бу иттифоқнинг замирида баравар ривожланиш, тенг тараққий этиш каби эзгу ниятлар мужассам.

Ҳабибулла САДИБАКОСЕВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Brim izdoshlari

Театр декорацияси, сценография – тасвирий санъатнинг театр билан боғлиқ соҳаси. Декорация, либослар, ёруғлик, саҳна техникиси воситасида спектаклнинг томоша образи (қўриниши) яратилади. Театр рассоми иллюзия ёрдамида томошабинда тарихий давр ва шароит тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга уринади.

Ўзбекистон театр санъати сценографияси тарихида 1960 – 1990-йилларда рассом Георгий Бrim ишлаган эскизлар ва уларнинг саҳнавий ечими муҳим ўрин тутади. Ҳозир ҳам Brim издошлари театр рассомлиги бобида устоз анъаналярини жаҳон сценографияси тенденцияларига мос ҳолда тақомиллаштироқда.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллый маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2020 йил 28 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида театрларни ривожлантириш, жамоатчиликда саҳна санъатига бўлган қизиқиши кучайтириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар асосида ҳар бир театрда иилига 4 тадан, республика бўйича 150 – 160 га яқин янги спектакль саҳналаштирилади.

Режиссёр ва сценограф рассом тандеми ҳар бир спектаклга замонавий тенденциялар, инновацион усуслар асосида ёндашса, томошабинни жалб этиш осонлашади. Бу жиҳатдан Георгий Brim яратган мактабнинг етук намояндаси, сценограф рассом, педагог Шуҳрат Абдумаликов

амалга ошираётган ишлар ибратли. У ёш режиссёр ва сценограф рассомлар ҳамкорлигини шакллантириш мақсадида ижодий лаборатория тузди. Шу тариқа Асқар Холмўминов (Ўзбекистон), Хуршид Мустафоев (Тоҷикистон), Нигора Фойибназарова (Ўзбекистон), Шоҳруҳ Йўлдошев (Ўзбекистон) каби ёш режиссёrlар билан бирга янгича талқиндаги спектакллар яратилди. Жумладан, А. Холмўминов Сурхондарё вилояти ўзбек давлат мусиқали драма театрида “Жалолиддин Мангуберди” (Назар Эшонқул), Н. Фойибназарова Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида “Қирол Лири” (Уильям Шекспир), “Мехробдан чаён” (Абдулла Қодирий), “Тоҳир ва Зуҳра” (Собир Абдулла), “Момо Ер” (Чингиз Айтматов), Ш. Йўлдошев Жиззах вилояти мусиқали драма театрида “Нодирабегим” (Туроб Тўла) драмаларини саҳналаштириди.

Сценограф рассом ижоди бошқа ижодкорларнидан тубдан фарқ қилади. Драматик асарни индивидуал тарзда таҳлил этиш, бадиий ва ғоявий ечим асосида эскизлар яратиш, театрнинг аввал бадиий кенгаши, сўнгра техник кенгаши жамоасига лойиҳани тақдим этиш, махсус масштабли чизмалар ишлаш, декорацияларнинг монтаж ва демонтаж ишларини ташкиллаштириш, декорацион курилмаларни ёритиш – ҳамаси сценограф зиммасига юкланди.

Ёш режиссёр Нигора Фойибназарова саҳналаштирган “Тоҳир ва Зуҳра” спектаклида сценограф-рассом эскизида бешик тасвири бор. Метафорик аҳамиятга эга бўлган ушбу деталь ҳаракатлантирилганида дастлаб қаҳрамонлар

бешиги, кейинчалик эса бешик атрофига нарсалар ёйиб қўйилиб мол-дунё растаси, спектакль сўнгиди эса тобут вазифасини бажарган. Бешик билан тобутнинг шаклий ўхшашлиги орқали расом ва режиссёр “Туғилиш ва ўлим ораси бир қадам, бу бозор дунёда инсон меҳр-муҳаббат-ла яшаб, ўзидан эзгу ном қолдириши муҳим” деган гояни олиб чиқкан.

Таникли театршунос Алла Сосновская 1980-йилларда бу тенденцияларни батафсил таҳлил қилган. Атоқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев Георгий Бrim билан ҳамкорликда саҳналаштирган афсонавий “Майсаранинг иши” спектакли ўзига хос воқеа бўлган эди. Ушбу саҳна асари билан Ўзбекистонда “театр саҳнасида театр” жанрига асос солинди. Аброр Ҳидоятов номидаги давлат драма театрида саҳналаштирилган биринчи версиянинг кейинчалик катта очиқ майдонга кўчирлиши “очиқ ҳаводаги театр” йўналишини вужудга келтирди.

Ш. Абдумаликов 2015 йилнинг сентябрь ойида Бухородаги Абдуллахон мадрасасида театр санъати усталарининг ёзги мактаби доирасида маҳорат машғулоти ўтди. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони асосида “Оташкада” мусикий-пластик композицияси намойиш қилинди. Ш. Абдумаликов ва шогирдлари томонидан ишланган Бобил минорасини эслатувчи декорация очиқ майдонда намойиш этилган спектакль гоясини теран очишга хизмат қилди. Рассом қушлар етти водийни босиб ўтишини ифодалаш

учун миноранинг етти погонасини яратган. Охирги ҳақиқат дашти босқичига етилганда, гуриллаб гулхан ёниб, саҳна ва томошибинлар ўтирган маконни ёритади. Сценограф рассом ва режиссёр Авлиёкули Хўжакулиев талқинида “Ҳақ ва ягона ҳақиқат нури” ана шундай ифодаланган. Театр рассомлари анъанавий равища саҳна бўшликларини парда ва маҳсус кийимлар билан беркитишади. Сабаби, саҳнадаги қора тусли макон катта ҳажмли декорацияни кичрайтириш, ҳатто уни “ютиб” юбориш хусусиятига эга. Бундай вазиятда унсурларини тўғри жойлаштира олиш муҳимдир. Биз таҳлил этаётган саҳна асари талқинида декорациялар эмас, деталларнинг, яъни катта “реквизит”ларнинг декорация ўрнини босиши рассом кашфиёти бўлган дейиш мумкин.

Янги давр театр рассоми олдига жаҳон тенденцияларини умуминсоний ва миллий қадриятларимиз билан уйғулаштирган ҳолда томошибин эътиборига ҳавола қилиш, оҳорли ижодий усусларни кўллаш, саҳна безаги элементларини такомиллаштиришдек масъулиятили вазифани қўяди. Бу борада новатор санъаткор Г. Бриннинг шогирдлари, хусусан, Ш. Абдумаликов тажрибасини оммалаштириш, соҳага оид ўқув кўлланмалари ва дарслкларга киритиш, ижодий тажриба лабораториясини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Нигора УМАРОВА,

Миллий Рассомлик ва дизайн институти
мустақил тадқиқотчиси

Akutagava “dasstrómol”i

Рюносек Акутагава (1892 – 1927) XX аср япон адабиётини янги погонага қўтариб, жаҳонга таҳитган адиллардан. У миллий адабиётини Фарб сўз санъати анъаналари билан уйғулаштириб, анъанавий тасвир ва ифода усулини янги йўналишга бурган ёзувчи сифатида танилган. Япон адабиётида энг машҳур мукофот унинг номи билан аталади.

Рюносек Акутагава – ҳикоя устаси. 1916 ийли ёзилган “Дастрўмол” ҳикоясида у модернист сифатида қадимги самурай кодекси сақланиб қоли-

шини орзулаган профессорнинг аянч тақдирини қаламга олган.

Ҳикояни теранроқ англаш учун у яратилган вакъдаги ижтимоий, сиёсий, маданий вазият билан таниш бўлмоқ лозим. 1912 – 1926-йиллар Япония тарихида демократлаштиришга биринчи уриниш бўлган “Тайсё даври” деб аталади. Бу давр “француз муаллифларининг кучли таъсири остида бўлган Рюносек Акутагава даври” деб ҳам таърифланади. Ушбу йилларда Япония саноати ривожланган давлатга айланга боради.

Бироқ нархлар ҳам иктисодий ўсишга мутаносиб тарзда кўтарилади. Оддий одамларнинг ҳаётини ёмонлашади, бу эса бутун Япония бўйлаб ғаләёнларга олиб келади. Умумий сайлов ҳуқуқи, сўз, митинглар, уюшмалар эркинлиги талабидаги оммавий ҳаракатлар кучаяди. У вакътлар Япониядаги ижтимоий-сиёсий вазият оғир, одамлар руҳий иштибоҳ хасталигига чалинган, дэярли кунора даҳшатли кўнгилсизликларга дуч келиш мумкин эди. “Кунчиқар юрт”га Фарбнинг қизиқиши кучайган, бир неча юз йиллар мобайнида ташки муҳитдан узид қўйилган японларни “демократик” маҳсулотлари билан маҳалиё қилишга киришилган бўлса-да, императорлик фуқароларни кучли тазийк остида ушлаб турар, чегарадан чиқсанлар аёвсиз жазоланар эди.

“Дастрўмол”нинг бош қаҳрамони – Токио император университетининг ҳуқуқшунослик факультети профессори Хасэгава Киндо. Умрини мустамлака сиёсати тадқиқига бағишилаган олимнинг хulosасига кўра, япон инқизорини бартараф этиш учун бусидодан ўзга йўл йўқ. Бусидо “жангчи йўли” деган маънени англатади. У самурайлар кодекси, чинакам жангчининг жамиятда, жангда ва ёлғиз қолганда хулқ-атвор меъёрлари, қадим ўтмишга бориб тақалувчи фалсафа ҳисобланади. Ҳикоя қаҳрамони фикрича, “бу таълимотда Амриқо ва Оврупо мамлакатларининг насронийлик руҳига яқин жиҳатлар мавжуд”. Агар замонавий Япониянинг маънавий низоми бусидога асосланса, бу япон халқининг улар билан яқинлашувига, халқаро тинчликни таъминлашга хизмат қилиши мумкин... Шу пайт оқсоқ уйга меҳмон келганини айтиб, ташриф қоғозини узатади. Киндо уни ўқиб турган китоби орасига хатчўп қилиб қўяди. Қирқ ёшларни қоралаган меҳмон аёл баҳорда ошқозон пардасининг яллиғланиши билан хасталаниб, университет касалхонасига ётқизилган талаба Нисияма Конитиронинг онаси эди. У ўғлининг вафоти ҳақида маълум қилиш ва профессорга миннатдорлик билдиришга келганини айтади. Уй соҳибини ўғли ўлганига етти кун бўлган аёлнинг ўзини тутиши ажаблантиради. Ақалли бир томчи кўзёш йўқ! Овози ҳам мулоҳим-хотиржам. Камига, лабларида нимтабассум. Агар аёлнинг сўзлари бир четга йигиштириб

қўйилса, ўртада кундалик майдо-чуйдалар ҳақида сұхбат кетаётгандай эди. Шунда профессор Берлинда таҳсил олиб юрган кезлари Вильгельм I қазо қилганида пансионат бекасининг 12 яшар қизи ва 9 ёшли ўғли унинг бўйнига осилиб, хўнграб йиглаганини эслайди. Бусидо тарафдори бўлмиш Киндо овруполикларнинг ҳис-туйгуларини ифода этишда ўта таъсирчан эканини ҳеч ҳазм қилолмасди. “Энди эса ўзи манови аёлнинг кўзёш тўкмаганига лолу ҳайрон бўлиб ўтирибди”. Аёл оқ дастрўмол тутган қўлларини тиззасига кўйган. Профессор унинг қўллари дир-дир титраётганини пайқаб қолади. Аёл ич-ичидан тошиб келаётган изтироб тошқинини босиш учун рўмолчани бармокларига ўраб, шундай таранг тортардики, сал қолса, тамом... рўмолча иккига бўлниб, аёл портлаб кетадигандек. Аёл зоҳирда кулиб турса-да, ботинда зор-зор бўзларди... Профессор кечки овқат маҳали воқеани миридан-сиригача хотинига айтиб бериб, меҳмонни “япон аёлларининг бусидоси” деб атайди. Профессор анчагача шундай хушнуд ҳаёл суриб ўтиради.

Муаллиф асарни шу нуктада тугатиши мумкин эди. Шу кичкина ҳикоя билан ҳам аёлни япон халқининг кўнгли, ботини, кудрати тимсолига айлантирган бўлар эди. Лекин якунда адиб асар мазмунини бошқа ўзанга буриб юборади. Оқсоқ берган ташриф қоғозини у Стриндбергнинг “Драматургия” китобига қистирган эди. Китобни очадиую шу сатрларни ўқиди: “Ёшлигимда Ҳайберг хонимнинг (адашмасам, у парижлик эди) дастрўмоли ҳақида кўп гапиришарди. Хонимнинг юзи кулиб, кўли дастрўмолни йиртарди. Бу “иккиёклама ўйин услуги” деб аталаради...” Шу жумла сабаб профессор энди меҳмон хонимни ҳам, хотинини ҳам, япон маданиятини ҳам ўлламасди. Ҳаловати бузилган, бу жумлада “ваннадан қушдай енгил бўлиб чиқсан профессорнинг дилини хуфтон қиласидаган яширин недир шама бор эди”.

Бусидо ҳам “иккиёклама ўйин услуги”ига ўхшар, улар айнан бир нарсанинг иккиси хил воқеалиниши эди. Япониянинг ҳикоя ёзилган вақтдаги ижтимоий, иктисодий, сиёсий ҳолати эсланса, матн остидаги мазмун янада ойдинлашади. Оғир вазиятларда халқни тинчлантириш, эҳтимол,

айбдорлардан чалгитиш учун гоя, мафкура керак бўлади. Ҳақиқатдан чўчиш, балки фаҳмламасликдан оддий инсонлар бир ҳовч әлита манфатидан келиб чиқиб тақдим этилаётган гоя атрофида бирлашади, шуни маъқул йўл деб билади. Акутагава “Дастрўмол”ини антиутопик ҳикоя дейиш мумкин. Дастрўмол мафкурага қиёсланади. Жамиятдаги оғриқларни унинг ёрдамида беркитиш, тўсиш мумкин.

Termiziy haqmi yo Farog’iy?

Аштархонийлар суполасининг кудратли ҳукмдори Субҳонқулихон (1625 – 1702) шоир ва олим ҳам эди. Қизиқ жиҳати, айrim замондошлари Субҳонқулихонни кўкка кўтариб мақтаган бўлса, Турди Фарогий каби шоирлар уни кескин танқид қилган. Хўш, уларнинг қай бири ҳақ?

Сайдмуҳаммад Субҳонқулихон ибн Сайднадрмуҳаммадхон Бухорода таваллуд топган. Салоҳиятли устозлар кўлида таҳсил олган. Отаси Бухоро таҳтига ўтиргач, уни турли шаҳарларга ҳоким этиб тайинлаган.

Субҳонқулихоннинг катта акаси Абдулазизхон отасини таҳтдан ағдаргач, у Балхга мустаҳкам ўрнашиб олади. Отаси Сайднадрмуҳаммадхон эса таҳтдан воз кечиб, ҳажга кетади. Субҳонқулихон Балҳда Бухородан мустақил равишда сиёsat юрита бошлайди. Манбаларда ёзилишича, тариқатдаги пири Абдулғаффорхўжа aka-укани яраштиради. 1658 йили Субҳонқулихон акасининг ҳокимиyatини расман тан олади. 1680 йили кексайиб қолган Абдулазизхон Бухоро таҳтини укаси Субҳонқулихонга топшириб, ўзи ҳажга йўл олади. У 1680 йили таҳтга ўтириб, 22 йил давлатни бошқарган. Хоннинг замондоши, тарихчи ва адаби Хожа Самандар Термизий уни “қарам соҳиби, Жамшид мулки вориси, Фаррух шавкатли” ва кудратли Субҳонқулихон деб тавсифлайди.

Субҳонқулихон “Нишоний” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Тарихчи Муҳаммад Амин Бухорий у ҳақда “Шеърга табъи ҳам баланд эди. Шоир Камол байтига татаббуъ айтган эдилар”, деб ёз-

Ҳакиқий истеъдод учун макон ва замон тўсик бўлолмайди. Миллати, динидан қатъи назар, унинг ёзғанлари бутун инсониятга тегишли бўлиб чиқаверади. Акутагава ана шундай ижодкорлар сирасидан.

Маҳфузा ТҮЙЧИЕВА,

Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиётиуниверситети доценти

ган. Хоразм хони Ануша Урганжийнинг таҳтдан ағдарилиши ва кўзига мил тортилиши хабарини эшитган Субҳонқулихон “шодлик лабини табасумга очиб” бу байтни ўқиган (мазмуни): “Агар мулкка (бирор киши) рахна солса, / Бошини олиб ташлаган яхши. / Лашкар ишончсиз бўлса, тарқатиб юборган яхши”.

Хон шеърларини тўплаб, девон тузгани ҳақида маълумотлар бор. Лекин бу девон ҳозиргacha топилгани йўқ. “Тарихи Муқимхоний” асарида Субҳонқулихоннинг қўйидаги шеъри келтирилган:

Қаддам зи ғами ҳаҷри ту чун шамъ шуд, аммо
Торе зи висоли ту ба ҷанғам нарасида.
Дар дида фитад, кош, Нишонӣ, гули рӯяш,
Афтодани гул гарчи зиён аст ба дида.

Мазмуни: “Сенинг ҳажринг ғамидан қаддим шамдек бўлди, лекин сенинг висолингдан бир тор, яъни соч қўлга тегмади. Нишоний, кошки, юзининг гули кўзимга тушса эди, ҳолбуки, кўзга гул тушиши заарлиди”.

Нишоний ўз атрофига шоир ва олимларни ўйиб, адабий мажлислар уюштирган. Мушиорларда ўзи ҳам шеър ўқиган.

Субҳонқулихон даври адабий ҳаётида икки оқим мавжуд эди. Бири сарой адабиёти, унинг тепасида Субҳонқулихоннинг ўзи турган. Иккинчиси саройга қарши адабиёт эди. Самарқандлик шоир Муҳаммад Бадеъ ибн Муҳаммад Шарифнинг ёзишича, ўша кезлар сарой шоирлари сони юз эллик атрофида бўлган. Муҳаммад Вали Смарқандийнинг ўша даврда тузилган “Музакир ул-асҳоб” мажмуасида икки юз нафар ижодкор

ҳақида маълумотлар берилган. Сарой шоири Муҳаммад Балхийнинг беш минг байтдан иборат “Субҳонқулихоннома”си ва Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланома”си яратилди.

Абдулазизхон саройида хизмат қилган Турди Фарогий Субҳонқулихон таҳтни эгаллагач, у юритган сиёсатни кескин танқид остига олади ва ҳукмдор билан келиша олмай, саройни тарк этади. У кўрган қийинчиликлар шеърларида акс этган.

Бугун кўпчилик тарихчилар Турди Субҳонқулихондан рўшнолик кўрмагани учун бу аштархоний сultonни золим ҳукмдор деб ёзган, дейди. Турди “Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия” асарини 1691 йили битган. Унда Субҳонқулихон давари “Бир сари азм айла, жои номузулмондур бу мулк, / Фитнайи авбош, зулму қуфру туғёндур бу мулк”, дея танқид қилинади.

Субҳонқулихон саройига даврнинг таникли олимларини тўплагани маълум. Ўзи ҳам тиббиёт илими билан шуғулланган. Ҳерман Вамбери Ҳирот шаҳрида бўлганида Субҳонқулихоннинг тиббиётига оид асарини сотиб олган.

Тадқиқотчи Рустам Жабборовнинг ёзишича, бу асар “Хуласат ул-ҳукамо” деб номланади. Иккинчи номи – “Тибби Субҳоний”. Унинг ягона нусхаси Венгрия Фанлар академияси кутубхонасида сақланади. У ўзбек тилида битилган. Субҳонқулихоннинг ўзи бундай дейди: “Билгил ва оғоҳ бўлғилким, ҳар ким ўткан ва бўлган ҳукамолар ҳикмат баёнида ўзига яраша арабий ва форсий тили бирла китоблар тасниф қилибтурлар. Аммо туркий тили бирла ҳикмат баёнида китоб назаримизга кирмади. Анинг учун туркий тили бирла бу ниёзманди даргоҳи илоҳий, Саййид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодурхон ибн Абулғозий Сайиднадрмуҳаммад Баҳодурхон... бу китобни мувашиш ва музайян қилдим”.

Субҳонқулихон “Тибби Субҳоний”ни ёзища қадимги ҳакимлардан Гален ва Гиппократ асарларининг арабча таржимаси ҳамда Ибн Сино китобларидан фойдаланган. Хон форс-тоҷик тилида “Иҳё ут-тибби Субҳоний” (“Субҳонийнинг табобатни жонлантирувчи китоби”) асарини ҳам ёзган. Унинг 301 вақали қўлэзма нусхаси 2101 рақами билан ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлэзмалар хазинасида сақланади.

Субҳонқулихон фолга оид “Рамали Субҳоний” номли асар ҳам яратган. Унинг қўлэзмаси ҳам юқорида тилга олинган хазинада 4260 рақами билан сақланади. Хоннинг фармонига биноан “Фатовои Субҳоний” деган фатволар тўплами ҳам ишлаб чиқилган. Манбаларнинг далолат беришича, у ҳуқуқшунос ҳам бўлган. Илми нујумга (астрономия) оид “Лубби лавоийх ул-қамар фи-л-иҳтиёrot” (“Ойнинг одамлар ҳаракатига доир қуляй вақт танлаш учун кўрсатмалари”) номли рисола ҳам хон қаламига мансуб. У шу соҳага оид “Равзат ул-мунахжим” (“Мунахжимлар боғи”), “Кифоят ут-таълим” (“Таълим учун кифоя”) сингари асарлар асосида форс-тоҷик тилида таълиф этилган. Қолаверса, хон Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий”сига форс-тоҷик тилида “Рисола дар маънийи байти “Маснавий” номли шарҳ ёзган.

Марказлашган давлат тузган Субҳонқулихон диний-тасаввуфий ва дунёвий илмлар соҳиби сифатида ўзидан бебаҳо маънавий мерос қолдирган. Аммо унинг асарлари шу кунгача тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Шерхон ҚОРАЕВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Mehri qahridan ustun hukmdor

Миллий асосларни Захирiddin Муҳаммад Бобурнинг иходида ҳам, фотихлик ва подшоҳлик фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳар бир тил – унинг эгаси бўлган ҳалқнинг миллий қадрияти. Бу қадрият миллатнинг ўзлигини англаши, илдизларидан узилмай улардан

маънавий озиқланиб туриши, қолаверса, ҳамма замонларда ҳам жаҳон саҳнида ўз ўрнига эга бўлишида асосий воситалардан ҳисобланади. Шу боис мустамлакачи давлатлар кўл остидаги халқларни маънавий илдизлари, миллий тили ва ёзувидан мосуво қилишга уринади.

Бобур асарлари туркйда эканидан ташқари, содда, равон битилгани билан ҳам аҳамиятга молик. Унинг она тили равнақи борасида қилган яна бир улкан хизмати – араб алифбосини туркй тил талаффузига мослаштириш, осонлаштириш ва соддалаштириш мақсадида “Хатти Бобурий”ни яратганидир. Шеърларини шу ёзувда битиб фарзандларига жўнатган. Тажриба сифатида шу алифбода Қуръони каримни ҳам кўчиритирган.

Бобур ўз асарларида халқ мақолларидан моҳира на фойдаланади: “Душман не демас, тушга не кирмас”, “Инномагил дўстингга, сомон тиқур пўстингга”, “Кўзларини туз тутди”, “Узри гуноҳдан ёмонрок” (Захурийдин Муҳаммад Бобир. Бобурнома. Тошкент, “Фан”, 1960. 25-бет).

Бобур ободончилик, хайрия, саховат пешвоси эди. У, кўпгина фотихлардан фарқли ўлароқ, худди Темур бобоси каби Кобулни эгаллагач, у ерда Боги Шаҳраро, Боги Жаҳонаро, Ўртабог, Боги Вафо, Боги Бобурларни барпо этади. Шоҳ ва шоир Аграда вафот этган бўлса-да, васиятига кўра, унинг хокини Кобулдаги ўзи бунёд этган Боги Бобурга келтириб, қайта дағн этишган.

У Ҳиндистонда ҳам бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Парокандалик, тарқоқлик, ички низоларга барҳам бериб, элни бирлаштиришда кучли ўрин тутган саркор сифатида Ҳиндистон тарихида қолган.

Бобур Мирзонинг буюклиги яна шундаки, унинг шахсида бир вақтнинг ўзида ҳам жасорат, ҳам қаттиқўллик, ҳам саркардалик, ҳам подшохлик, адолат, меҳрибонлик ва кечирувчанлик фази-

латлари мужассам эди. Маглуб бўлган Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Байда ошпазлар билан тил бириктириб, уни заҳарлаган ва кейинчалик мунтазам бетобланишига сабаб бўлган эди. Бобурнинг жонига қасд қилганларни кечириши унинг улкан матонат соҳиби, буюк қалб эгаси эканидан далолат беради. У адолатпешаликни улуғ бобоси Соҳибқирон Амир Темурдан мерос қилиб олган ва бу тамойилни қадрият даражасига кўтарган. Кечиримлилик эса миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлардан бири саналади.

“Бобурнома”да Амир Темур ҳақида ҳам битиклар бор. Андижоннинг шарқий томонидаги тоғлар этагида Хитойдан келаётган катта карвонни қор босиб, икки кишигина қутулиб қолади. Соҳибқирон бундан хабар топиб, карвоннинг бор нарсасини йиғдиради. Ўша вақтда бу мулкнинг ворислари бўлмаганидан уларни эҳтиёт юзасидан сақлаб, бир-икки йилдан сўнг Самарқанд ва Хурсондан карвон ворисларини суриштириб, топтириб, уларга мол-мulkни эсон-омон топширади (ўша китоб, 64-бет). Бобур ҳам ўз фаолиятида шундай йўл тутади. Юришларидан бирида одамларининг аҳолидан кўплаб ўлжа ундирганини билиб қолади ва уни ипидан ингасигача эгаларига қайтартиради: “Эртаси куни эгасига қайтарилмаган бир бўлак ипу синик игна ҳам қолмади” (ўша китоб, 47-бет). Зотан, унинг қатъий ишончига кўра: “Ҳар кимки вафо қўлса, вафо топқусидур, // Ҳар кимки жафо қўлса, жафо топқусидур”.

Хуллас, Бобур ижоди – улкан маънавият мактаби. У сизга маърифатпарварликдан ҳам, ватанпарварликдан ҳам, инсонпарварликдан ҳам, миллий қадриятлардан ҳам сабоқ беради.

Шахло АҲРОРОВА,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори



SUMMARY

The conviction of honesty, the pursuit of contentment. A conversation with literary scholar Dilmurad Kuronov. pp. 4-15.

In international terminology, academic freedom means the freedom to teach, conduct research, publish research findings, and express opinions without censorship from an educational institution or the state. So, what is the state of academic freedom in Uzbekistan? Professor D. Kuronov presented his life observations and scholarly conclusions on this matter. The conversation also discussed brain drain, as well as the issues of modern education and literature.

Sarvarjon Gafurov. Confusion Leads to Demise. pp. 16-22.

The 21st century is marked in human history as a period of tremendous achievements in economic development, science, and technology. At the same time, the scale of threats to peace around the world is increasing. One of these threats on the ideological front is radicalism. “In Western political circles, there is a stereotype that radicalism and religious fundamentalism are inherent only to



Jurnalning englizcha muxtasar mazmuni

Islam. However, radicalism is not only about religion but also poses a threat to the nation, culture, and boundlessness,” writes Professor S. Gafurov. The article examines various manifestations of radicalism, ranging from sports and education to politics.

Ismatilla Tukhtatarov. Awakening Philosophy. pp. 32-37.

If we look at the history of world philosophy, we will see that there are not many peoples who have developed their own national philosophy and model of development. Greek philosophy, Roman philosophy, Indian philosophy, Chinese philosophy, English philosophy, French philosophy, German philosophy, Russian philosophy... Each of these schools is characterized by its distinct approach to existence, life, and reality. The article analyzes the place and role of Uzbek philosophy in world science. The author also highlights the challenges of elevating Uzbek philosophy to a new level and modernizing it.

Sultonmurod Olim. Why Did Babur Criticize Navoiy? pp. 88-96.

Alisher Navoiy and Zahiriddin Muhammad Babur are considered great figures in the history of Uzbekistan. The renowned thinker Navoiy, through his unique poetic works, demonstrated the richness and power of the Turkic language, while the king and poet Babur, contributing to the development of national statehood, composed poems and prose. Although Babur held Navoiy's work in high regard in his “Baburnama,” he also expressed several critical remarks about him. So, why did Babur criticize Navoiy, whom he considered his mentor? The article is dedicated to this question, which intrigues the academic community.



ХАТЧУП

Ужин, кам бўймайдиси